

ШАРҚ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

**ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ**

## **ИШҚ ГАВҲАРИ**

*(Ғазаллар, соқийнома, таржеъбанд,  
қитъалар, рубоийлар)*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2006

Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи  
филология фанлари номзоди *Эргаш ОЧИЛОВ*

Ҳофиз Шерозий нафақат Шарқ, балки жаҳон сўз санъати-  
нинг забардаст намояндаларидан ҳисобланади. Шарқда уни «ли-  
сон ул-вайб» — «войибийинг тили» деб улуғлашган бўлса, Фаржда  
Ҳўте, Ҳейвс, Байрон, Вольтер каби буюк адиблар қаторида ар-  
доқлашган. Шарқда Шероғ бузбулишининг жоибакш навосидан  
бахраманд бўлмаган, унга эргашмаган, ундан таъсирланмаган  
ижодкорнинг ўзи йўқ. Шероғият *шивавандаларининг* оҳиёвжла-  
рили ҳисобла оlib. Ҳофиз ижодидан тартиб берилган ўшбу  
тўпламда унинг ўзбек тилига ўтирилган деярли ҳамма асарлари  
қамраб олинди.

**Ҳофиз Шерозий.** Ипқ гавҳари (Ҳазаллар,  
соқийнома, таржеъбанд, қиғъалар, рубойлар). —  
Тошкент: «Шарқ», 2006. — 224 б.

## СЎЗ СЕҲҲГАРИ

Хожа Ҳофиз номи билан жаҳоний шухрат қозонган Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий 1326 йили Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган. Шоирнинг отаси Баҳроуддин Муҳаммад асли исфаҳонлик бўлиб, форс отабеклари даврида Шерозга бориб, шу ерда муқим яшаб қолган. Қозирчилик аёлга уйланиб, базозлик<sup>1</sup> дўконига ишлаган. Ҳофизга берилган Хожа сифати шоирнинг айнан савдогарлар табақасига мансублигини билдиради. Унинг асл исми — Муҳаммад, лақаби<sup>2</sup> — Шамсуддин<sup>3</sup>, тахаллуסי — Ҳофиз. Лекин отаси ёш ўлиб, оила танг аҳволга тушиб қолади. Унинг бадавлат савдогарлардан бўлмаганлигини шу далилнинг ўзи кўрсатиб турибди. Улар оилада уч фарзанд бўлиб, икки акаси кун кўриш учун бошқа шаҳарларга иш қидириб кетади. Отаси билан қолган кичкинтой Муҳаммадни бир кишининг тарбиясига топширадилар. Ҳеч қанча ўтмай, у болани боқиндан бош тортади. Шундан кейин уни бир новвойга ногирдликка берадилар. Ёш Муҳаммад ярим тундан то тонга қадар нон учун хамиртуруш тайёрлар эди. У минг машаққат билан тошган пулини учга тақсимлаб, бир қисmini онаси билан ўзининг тирикчилигига ишлатар, иккинчи қисmini таҳсил олишга сарфлар, учинчи қисmini бена-бечораларга хайру аҳсон қилар эди. Заҳни ўткир бўлганли-

<sup>1</sup> *Базоз* — газлама билан савдо қиладиган савдогар.

<sup>2</sup> Ўтмишда лақаб ижобий маънога ҳам эга бўлиб, машҳур кибиларни таърифлаш, улуғлаш, бирор сифатини ажратиб кўрсатиш учун уларнинг исмига қўшиб айтилган, баъзан тахаллусларга айланиб, асл исмининг ўрнида ҳам қўлланган.

<sup>3</sup> *Шамсуддин* — дин қўшим; диний ишларда тегилиши.

сидан тез орада фикҳ<sup>1</sup>, ҳадис, араб тили ва адабиёти, Қуръон ва унинг тафсирини мукамал ўзлаштиради. «Ҳофиз шеърларини синчиқлаб ўрганар эканмиа, унинг билим доираси ниҳоятда кенглигини, шоирнинг ўша даврдаги кўп фанлардан жуда яхши хабардор эканлигини кўрамаи»<sup>2</sup>. У, хусусан, Қуръон қироатида маҳорати том ҳосил қилиб, уни 14 усулда тиловат қилади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи:

*Ишқат расад ба фаръёд, ар худ ба сони Ҳофиз,  
Қуръон зи бар бихони дар чордах ривоят<sup>3</sup>, —*

дейди.

Мазмуни: «Агар ишқинг Ҳофизга ўхшаб анжига етса, Қуръонни 14 усулда ёддан ўқийсан».

Ёш Муҳаммад меврақа-йиғинларда Қуръонни, қисса-хонлик кечаларида халқ китобларини ёқимли овозда ўқиб бериб, рўзгор тебратди. Шунинг учун ҳам уни Ҳофиз деб улуғлайдилар ва бу ном кейинчалик шоирнинг адабий тахаллусига айланиб кетади.

Ҳофиз моҳир хаттот ҳам бўлиб, тирикчилик учун турли китобларни кўчирган. Қуръонни китобат қилган. Шоир ҳуснихатининг кўзгуси бўлган Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»сининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар фондида 2179-рақами билан сақланади. «Хамса»даги учта асар — «Хусрав ва Ширин», «Искандарнома» ва «Ҳашт биҳишт» Ҳофиз Шерозий қўли билан кўчирил-

<sup>1</sup> *Фикҳ* — ислом дини қонун-қоидалари тўғрисидаги илм.

<sup>2</sup> *Шомухамедов Ш* Ҳофиз Шерозий. — Тошкент, 1965. 32-бет.

<sup>3</sup> *Ҳофиз Шерозий*. Куллиёт. — Душанбе, 1983. С.135. Бундан кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олиндиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. — Э.О.

ган ва улардан ҳар бирининг охирида эса котиб ва кўчириш саналари берилган»<sup>1</sup>.

Ҳофиз яшаган даврда Шероз Эроннинг илмий-маданий марказларидан бири эди. Саройдаги расмий адабий муҳитдан ташқари, шаҳар ҳунармандларининг қиссахолик ва шеърхонлик давралари ҳам машҳур эди — Ҳофизни тарбиялаган ва элга танитган ана шу давралар бўлади. Бўлажак шоир бу давраларда иштирок этар ва баъзан ўз ижодидан намуналар ўқир эди. Лекин унинг шеърий машқлари ҳали хомлиги ва қиёмага етмаганлигидан кўпинча танқидга учрар, шинавандаларнинг ҳазил-мазахларига сабаб бўлар эди. Уни баъзан эрмак қилиш учун бундай давраларга атай чақирганлар. Бу таҳқирлардан безган Муҳаммад бир кун машҳур шайх ва шоир Бобо Ҳўҳий қабрини зиёрат қилиб, ўзининг шўр бахтидан ўқсиб-ўқсиб йиғлаганича мазор бошида ухлаб қолади. Тушига бир нуруний зот кириб:

— Йўлга туш, сенга илм эшиги очилди, — дейди. Ҳофиз кўзини очар экан, тилида қуйидаги матлаъли ғазал айланади:

*Душ вақти саҳар аз ғусса нажотам доданд,  
В-андар он зулмати шаб оби ҳаётга доданд (235).*

Мазмуни: «Кеча саҳар палласида мени қайғудан халос айладилар ва у зулмат тунисида менга оби ҳаёт<sup>2</sup> тутқаздилар».

Авлиё зиёратидан қайтар экан, йўлда яна шинавандалар йўлиқадилар ва бирор-бир янги шеър ўқиб беришни сўрайдилар. Шоир ушбу ваалини ўқир экан, ҳам-

<sup>1</sup> *Ҳасания М.* Ҳофиз қўли билан кўчирилган «Ҳамса» // «Сино» журнали, 2001 йил, 3-сон, 17-бет.

<sup>2</sup> *Оби ҳаёт* — Хизр алайҳиссалом ер ости — зулмат қабридан топган ва бир қатра ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган мангулик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда сазъ-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ тоъонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.

ма ҳайратдан ёқа ушлайди. Унга ишонмай, имтиҳон қилиб кўрадилар. Лекин энди у барча синовлардан муваффақиятли ўтади. Шу-шу у Хожа Ҳофиз номи билан машҳур бўлиб кетади.

Бу балки ҳақиқат бўлмай, шоир ҳақида тўқилган афсоналардан биридир. Бу балки Ҳофизнинг эътироф этилган илк вазали ҳам эмасдир. Аммо у шоирнинг оламшумул шухратини таъминлаган чинакам ҳ о ф и з о н а вазалардан бири эканлиги шубҳасиз<sup>1</sup>.

Барча машҳур кишилар каби Ҳофиз ҳаёти ҳам афсонаю ривоятларга кўмилган. Шоир билан боқлиқ яна бир машҳур афсона унинг соҳибқирон Амир Темур билан учрашувидир. Бу учрашув кўнгина илмий ва адабий асарларда қайд этилган. Эмишки, Ҳофизнинг:

*Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,  
Ба холи хиңдӯяш бахшам Самарқанду Бухороро (33).*

Яъни:

*Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жонош.  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони<sup>2</sup>. —*

деган машҳур байтини эшитган Амир Темур Шерозга келганида шоирни ҳузурига чорлаб:

— Мен Самарқанд ва Бухорони обод ва маъмур қилиш мақсадида бир умр жанг жадал олиб бориб, дунёнинг ярмини эгаллаган бир пайтда сен салтанатимнинг бу икки гўзал шаҳрини бир гўзалнинг холига ҳада этишга қандай журъат этдинг?! — дейди.

— Албаройи кўлим очиқлигидан шу аҳволга тулдимда, — дебди шоир унга жавобан ўзининг жўлдур усти-бошига ишора қилиб.

Бу жавобдан Амир Темурнинг қаҳри меҳрга айланиб, Ҳофизга қимматбаҳо тухфалар берган экан.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қараи: *Брагинский ИС.* Из истории персидской и таджикской литературы. — Москва, 1972. Стр. 364.

<sup>2</sup> Ҳофиз Шерозий шеърятидан. — Тошкент, 1985. 8-бет.

Бу ривоят, бир томондан, Ҳофизнинг фақирликда яшагани, айни пайтда, машҳур шоир бўлганини, иккинчи томондан, Темурнинг донишманд ҳукмдор экани-ю, илму адаб аҳлини қадрлаганини кўрсатади.

Ўзининг фақирона туриш-турмуши ҳақида шоир, жумладан шундай ёзади:

*Фақри зоҳир мабин, ки Ҳофизро,  
Сина ганжинани муҳаббати ўст (96).*

Мазмуни: «Зоҳирига боқиб, Ҳофизни фақир санама, унинг кўкси Оллоҳ муҳаббатининг хазинасидир».

Ҳофиз Шарқда шунчалик шухрат тутганки, уни муқаддаслаштириб, девонини илоҳийлаштириб, фол китобига айлантирганлар. Шероънинг Мусалло бовидаги қабри устига унинг девони қўйилган ва шоир зиёратига келганлар у асосида фол очадилар. Камина ҳам 2002 йили Шерозда бўлганимда Ҳофизга бўлган чексиз ихлосим туфайли шоир девонидан фол очиб кўрдим. Қўйидаги матлаъли ғазал чиқди:

*Умрест, то ман дар талаб ҳар рӯз гоме мезанам,  
Дасти шафоат ҳар замон дар некноми мезанам  
(421).*

Мазмуни: «Йилларки, мен ўз мақсадимга эришиш йўлида бирор кун тиним нималигини билмайман. Ҳар лаҳза яхшилик билан пом чиқариш умидида ҳаракат қиламан».

Ушбу ғазал менинг ҳозирги ҳолатим, мақсадим ва янаш тарзимга мувофиқ келганлиги учун авлиё шоир баширатига ишондим ва қабри қошида тиловат қилиб, илму ижод борасида қўллаши, раҳнамолик қилишини сўрадим. Ҳамсафарим — таниқли шоир ва таржимон Мирзо Кенжабекнинг бу борадаги таассуротлари асосида ёзган «Ҳофиз фоли» деган шеърда айтилганидек:

*Буни бошқа фолга айлабон қиёс,  
Хотирга бир гумон келтирмоқ айбдир.  
Удуглар таъбири: Ҳофиз Шероз  
Таржимон ул-асрор, лисон ул-ғайбдир!*

Ривоят қилишларича, 1389 йили Ҳофиз вафот этганида руҳонийлар унинг жасадини мусулмонлар қабристонига кўмишга қўймайдилар. Шунда шоир девонини олиб фол очганларида айни вазиятга мос келадиган қуйидаги байт чиққан:

*Қадам дарёғ мадор аз жағозаи Ҳофиз,  
Ки гарчи нарқи гуноҳ аст, меравад ба биҳишт (119).*

Мазмуни: «Ҳофизнинг жағозасидан оёқ тортма, чунки у ҳарчанд гуноҳга ботган бўлмасин, жаннатга тушди».

Ҳофиз ўзи севган Мусалло бовига дафн этилган ва унинг шарофати билан кейинчалик бу боғ Ҳофизия номига олиб, жаҳон илму адаб аҳлининг зиёратгоҳига айланган. Ҳозирги кунда бу ерда кеча-кундуз шоир мухлисларининг оқими тишмайди.

Алишер Навоий «Маждолис ун-нафоис» тазкирасида маълумот беришича, Абулқосим Бобурнинг эътиборли аъёнларидан бўлган шоир Мавлоно Муҳаммад Муаммой Ҳофиз қабрига обод қилдирган<sup>1</sup>. Кейин Эрон ҳукмдорларидан Каримхон Занд (1811) ҳозирги саванани қурдирган.

Ҳофиз саванасига ўрнатилган топда унинг: «Мозорим устидан ўтар бўлсанг, ҳиммат иста, чунки у бутун

<sup>1</sup> *Кенжабек М. Шерознинг яшил розлари. Шеърлар // «Сино» журнали, 2002 йил, 6-сон, 49-бет.*

<sup>2</sup> *Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. — Тошкент, 1997. 46-бет.*



жаҳон риндларишинг<sup>1</sup> зиёратгоҳи бўлғусидир» маъносидаги байти битилган:

*Бар сари турбати мо чун гузари, ҳиммат хоҳ,  
Ки зиёратгоҳи риндони жаҳон лоҳад буд (261).*

Агар Ҳофиз билан Шоҳнабот исмли қианинг муҳаббати тўғрисидаги ривоятлар ҳақиқат бўлса, у оила қуриб, икки ўғил кўрган: бири ёшлигида нобуд бўлган, Шоҳиқўмон номли иккинчи ўғли Ҳиндистонда вафот этиб, Бурҳоншурда дафи қилинган. Хотини ҳам ёш ўлиб кетган. Шоир шеърларида бу жудоликлар ҳақидаги ишораларга дуч келами.

Ҳофиз бир умр Шерозда яшади. У фақат бир мартатгина XIII асрнинг 70-йиллари бошида қисқа муддат Исфаҳон ва Язда бўлган. Тўғри, шоирнинг шеърлари Шероздан ташқарида ҳам машҳур бўлганлигидан Бангола ҳукмдори Султон Фиёсиддин, Дакан подшоҳи Шоҳ Маҳмуд Баҳманийлар Ҳофизни ўз саройларига даъват қилиб, савва-салом юборганлар. Султон Аҳмад бинни Увайс Жалоирий уни Бандодга ҳам таклиф қилган. Лекин ўз ватани ва халқини беқиёс муҳаббат билан севган Ҳофиз на саройга борган, на бошқа мамлакатларга. Бу ҳақда унинг ўзи Мусалло бовининг хуш насими-ю, Рукнобод анҳорининг зилол суви менга сайру саёҳат қилишга ижозат бермайдилар дейди:

---

<sup>1</sup> *Ринд* — шарият ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд мону давлатни кўзга илмаган ҳурфиркли, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Риндлар илоҳий жазави чоғида омма қабул қилмайдиган нолик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлганлар.

*Намсидиҳанд ижозат маро ба сайру сафар  
Насими боди Мусаллову<sup>1</sup> оби Рўкиобод<sup>2</sup> (144).*

Ҳофиз ҳукмдорларни мадҳ этмагани, сарой муҳити-  
дан ўзини олиб қочгани, аксинча, меҳнаткеш ва  
ҳуқуқсиз халқ томонида туриб, унинг қувончу ташвиш-  
лари, дарду аламларини оташин мисраларда тараннум  
қилгани учун юқори табақаларга ёқмади, уларнинг  
таҳдир ва хўрлашларига пишон бўлди. Мутаассиб дин  
намояидалари ва риёкор шайху зоҳидларни<sup>3</sup> мазаммат  
этгани учун-ку уламоларнинг қаҳру вазабига учради.  
Шоирнинг баъзилар каби Қуръонни макру фириб ту-  
зовига айлантириб, авом халқни қўрқатиш ва алдан-  
йўли билан кун кўрини, бойлик тўплашдан май ичиш<sup>4</sup> ва  
мастлик қилиш яхшироқ мазмунидаги қуйидаги байтла-  
ри, табиийки, дин аҳлининг қитиқ нарига тегарди:

*Ҳофизо, май хўру ринди куну хун бон вале  
Дони тазвир макун чун дигарон Қуръонро (40).*

Мутаассиб диндорлар ва риёкор шайху зоҳидлар-  
ни кескин таъқид остига олган бўлишига қарамай,  
Ҳофизнинг ўзи комил мусулмон эди. Шоир ижоди  
Қуръонни қарим ва Ҳадиси шариф отлиғ икки буюк

<sup>1</sup> *Мусалло* — Шероздаги машҳур сайроғх (Намозгоҳ).

<sup>2</sup> *Рўкиобод* — Шероздаги анҳорнинг номи.

<sup>3</sup> *Зоҳид* — ўзлат ва тақвои касб қилиб олиб, дунё лаззатидан  
юз ўзирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфон (илоҳий маъри-  
фат)дан беҳабар бўлиб, уларнинг мақсади тақво билан охи-  
рат маърифатининг қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жан-  
натнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки  
дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги  
учун ҳам зоҳидларнинг бу ишши тамаягирлик деб ҳисоблай-  
дилар ва уларни таъқид қиладилар.

<sup>4</sup> *Май* — тасаввуф адабиётида илоҳий таяжалли тимсоли, ишқ  
ва ирфон рамази бўлиб келади. Шунинча мувофиқ мастлик  
илоҳий маърифатдан ҳузурланганини, маънавий завқ дарёсига  
варқ бўлишини билдиради.

чашмадан сув ичади. Тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси Қосим Анвар Қуръони карим оятлари маъноларига лиммо-лимлиги ва унинг чуқур мазмуни илоҳий сирларини ўзида аке эттирганлиги жиҳатидан машҳурлиги туфайли Ҳофиз девонини «Форсий Қуръон» деб дутф этган<sup>1</sup>.

Ривоятларга кўра, Бобораҳим Машраб:

— Ер юзидан оят ва ҳадис кўтарилганда Ҳофиз девони уларнинг ўрнини боса олади! — деган экан<sup>2</sup>.

Шоирнинг ўзи шундай ёзади:

*Субҳ хезиву саломат талаби, чун Ҳофиз,*

*Ҳар чи кардам, ҳама аз давлати Қуръон кардам*

*(394).*

Мазмуни: «Мен Ҳофиз нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасини эрта тонгда туриш, сиҳат-саломатликка иштилин ва Қуръон давлатидан тоқдим».

Ҳофиз вазаллари, аввало, жозибали ва ёқимли оҳанги билан ҳар қандай ўқувчини ўзига тортади. Кейин ҳасос ва исёнкор руҳи билан унинг қалбини тўлқинлантиради. Ранг-баранг тимсолу ташбеҳлари, юксак бадийяти билан мафтун қилади. Ниҳоят, кенг ва чуқур маънолар билан ақлини банд этади. Қават-қават рамау тимсоллар пардаеига ўралгани билан изланиш ва тафаккур қилишга ундайди. Шоир шеърлари бир печа маъно қирраларига эга бўлганлиги учун ҳам ҳар бир тоифа уни ўзинча талқин этади, ўз мақсадига хиамат қилдиради. Чунинчи, тасаввуф олимлари Ҳофизни илоҳий ишқ куйчиси сифатида ўргансалар. Фарб ва Шўро адабиётшунослари, аксинча, уни бутунисича дунёвий шоирга чиқариб қўйган пайтлар бўлди. Аслида шоир ижодда илоҳийлик ва дунёвийлик ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. У еру

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Алишер Навоий*. Мукамил асарлар тўплами. 17-жилд. Насойим ул-муҳаббат. — Тошкент, 2001. 480-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: *Ҳайитметов А.* Навоийхоилик сўхбатлари. — Тошкент, 1993. 34-бет.

кўкининг яратувчиси бўлиши Оллоҳни таъриф-таъсиф этиш, унга бўлган ҳасосе муҳаббатини авж пардаларда таратқум айлаш билан бирга, Парвардигори оламнинг заминдаги халифаси инсонни ҳам унутмади: инсоний фазилатларни улуғлаб, қусурларни мазаммат<sup>1</sup> этди; халқнинг орзу-умидлари, дарду ҳасратларини, дунёнинг буқяламунлиги<sup>2</sup>, чархнинг кажрафторлигини<sup>3</sup>, замонанинг адолатсизлигини ёниб қўйлади. У висол ва ҳижрон, яхшилик ва ёмонлик, тўғрилиқ ва эгрилик, донолик ва подоплик, қувонч ва қайғу, дўстлик ва душманлик каби азалий ва абадий мавзуларни маҳорат билан қаламга олади.

Ҳофиз ҳаммаёқли вайронага айлантирган мўғуллар ҳукмронлиги инқирозга учраб, майда хонликлар ўртасидаги ўзаро тожу тахт талашлари авж олган, бундан халқнинг тинқаси қуриб, аҳволи хароб бўлган бир даврда яшаб ижод этди. Унинг даврида Шероз 5 марта ана шундай жанглар гирдобига тортилиб, ўзи вайрон, халқи қатли ом қилинди. 50 йил (1338—1388) мобайнида 6 марта подшоҳ алмашганлиги ҳам шоир яшаган даврнинг нотинчлигини кўрсатади. Бу подшоҳлардан фақат маърифатли ва шеърият муҳлиси бўлган Шайх Абуисҳоқ Ишжугина (1342—1353) Ҳофизни қўллаб, унга ҳомийлик қилган. Лекин унинг тахтини эгаллаган Муборизиддин (1353—1359) шайх Имоди Фақиҳ маслаҳати билан ҳукм юритиб, Шерозда зулм ва мутаассибликни кучайтиради (Ҳофиз ғазалларидаги «муҳтасиб»<sup>4</sup> образида кўпинча шу шох ва фақиҳ<sup>5</sup> кўзда тутилади). Шоирнинг алам ва армон билан:

<sup>1</sup> *Мазаммат* — ёмонлаш, танқид қилиш.

<sup>2</sup> *Буқяламунлик* — ўзгарувчанлик, бирдек турмаслик, ҳийлагарлик.

<sup>3</sup> *Кажрафтор* — тесқари айланувчи; мажозан: маккор, ҳийлагар.

<sup>4</sup> *Муҳтасиб* — шариат ҳукмларининг бажарилишини назорат қилувчи киши.

<sup>5</sup> *Фақиҳ* — шариат билимдони.

*Бад-ин шеърӣ тари ширин зи шоҳаншоҳ  
ажаб дорам,*

*Ки сар то нои Ҳофизро чаро дар зар  
намегирад? (195) —*

дейиши бежиз эмас. \*

Маамуни: «Шундай гўзал ва оҳорли шеърлари туфайли Ҳофизни бошдан-оёқ зарга кўмиб ташламагани учун шоҳаншоҳга ҳайрон бўламан».

Бу золим шоҳ нафақат халққа, балки ўз фарзандларига ҳам зулм ўтказганидан, улар отани кўр қилиб, тахтдан четлаштирадилар. Унинг ўрнига ўтирган ўғли Шоҳ Шужоъ дастлаб Ҳофизга илтифот кўрсатади, лекин кейинчалик уларнинг муносабатлари ёмонлашади. Манбаларда Шоҳ Шужоънинг Ҳофизни ёмон кўриб қолишига икки нарсани сабаб қилиб кўрсатадилар: биринчиси — унинг пири муршиди Имоди Фақиҳнинг Ҳофиз томонидан таҳқирланиши, иккинчиси — ўзи шеър ёзиб, шуҳрат қозонолмаган шоҳнинг рашқу ҳасади. Шоҳ Шужоъ бир куни Ҳофизга ташланиб қолади:

— Сизнинг бирор-бир вазалингиз мустақкам асога эга эмас: ишқдан сўз очиб, дарҳол висолга ўтасиз, кейин фироқдан фикр юритасиз; бир вақтнинг ўзида тасаввуфга мурожаат этиб, май хусусида шеър айтиб, сўнг бирдан зоҳидларга ҳужум қилиб қоласиз, охирида дунёнинг бевафолиги хусусида хулоса чиқарасиз. Бундай ранг-баранглик шоирликда мақбул эмас ва фасоҳат<sup>1</sup> қоидаларидан узоқдир. Бошдан-охир бир мавзуда бўлиб, бадий сайқал берилган вазал табъга мувофиқ саналади.

— Начора. — дейди унга жавобан шоир, — шунча камчиликларига қарамай, менинг шеърларим тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб, тўрт тарафга тарқалди, ҳатто мамлакатма-мамлакат сайр этиб юрибди. Ҳолбуки,

<sup>1</sup> *Фасоҳат* — сўзнинг очиқ, равшан, чиройли ва қоидага мувофиқ келиши.

бошқаларнинг шеърлари ҳар қанча бадиий санъатларга бой, фасоҳат ва баловатда<sup>1</sup> тенгеиз бўлса-да, шаҳар дарвозасидан ташқари чиқмаяпти.

«Шоҳ Шужодадан кейин тахтта ўтирганлар билан ҳам шоирнинг муносабати дуруст бўлмаган. Уни, хатто, қуввин қилмоқчи бўлганлар, лекин шоирнинг Шероздан ташқарида ҳам машҳур эканлиги буша йўл бермаган»<sup>2</sup>.

Бу нарсалар унинг ижодига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Маъшуқа таъриф-таъсифи, висол лаззатию хижрон ҳасратини таърифу этиш воситаси бўлган вазалга Ҳофиз ижтимоий мавзулар, фалсафий фикр-мулоҳазаларни омухта қилди. Ўз даврининг сийёсий манзараларини, маънавий қиёфасини ҳаққоний тавдалантирди. У ишқ аталган улкан ва бепоён мавзу ичига Олам ва Одам дардини, жамият муаммоларини дадил олиб кирди. Тақдир, дунё, замон, одамлар танқиди шоир ижодида етакчи ўрин тутуши бежиз эмас. Ҳофизни Ҳофиза қилган нареса аслида — шу. Шоир инсоннинг орау-интилишлари, қувончу қайғуси, дарду ташвишлари, муҳаббати, фикру ўйларини авж пардаларда куйлаш билан адабиётнинг асосий объекти инсон эканлигини амалда исботлади, «Ўз эҳтиросли шеърий таланти билан инсон ички дунёсининг адабиётга номаълум бўлган шу қадар кўн янги, нозик, сирли томонларини очди»<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам асрлар ўтса-да, унинг шўҳрати заррача пасайган эмас, билмак, кундан-кунга орғиб борди ва бундан кейин ҳам шоир ижодига бўлган қизиқиш камаймаслиги шубҳасиз. «Ҳофиз жаҳон адабиёти юксаклигига кўтарила олди ва фикрловчи, илғор инсониятнинг абадий шоири бўлиб қолди»<sup>4</sup>.

Буюк ҳакам — Вақт шамоли ҳам бу муаззам шеърини олдида таъзим қилиб ўтиб кетади. Чунки у заволни

<sup>1</sup> *Баловат* — нозик, оҳорли ва чуқур маъноларни маҳорат билан ифодалаш, сўз санъаткорлиги; етуслик, мукаммаллик.

<sup>2</sup> *Шоҳмуҳаммадов Ш* Ҳофиз Шерозий. 34-бет.

<sup>3</sup> *Ҳайитметов А* Навоий дирикаси. — Тошкент, 1961. 32-бет.

<sup>4</sup> *Брагинский И С* Кўрсатилган асар. 412-бет.

билмайди, билъакс, асрларни бўйлаган сари улунвордик касб этади. XIV асрда порлаган бу шеърят қуёши қиёматгача адабиёт дунёсини ёритишга қодир.

Ҳофиз чинакам кўнгил таржимони: кўнглида борини яширмай қоғозга тўқади. Ҳеч кимдан кўрқмайди, ҳеч нарсанинг ашдишасини қилмайди. Ер тубидан қайнаб чиққан чашманинг кўзини беркитиб бўлмаганидек, қалб қаъридан тошиб чиққан туйғулар шалоласининг ҳам йўлини тўсиб бўлмайди. Ҳофиз қалб чашмасидан қайнаб чиққан зилол сувлар, мана, неча асрлардан буён сўзга, шеърга ташна кўнгиллари қондириб келмоқда.

Ҳофиз ижодининг ilk босқичларида ўз даврининг машҳур шоирлари Салмон Сояжий ва Хожу Кирмонийларга эргашган. улар таъсирида ваазалар ёзган. Хусусан. Хожу Кирмоний Саъдий ва Ҳофиз ўртасида кўприк бўлди. У Саъдий шеърятининг асосий жанрларидан бирига айлантирган ваазални ривожлантириб, Ҳофизга етказди, кейин Ҳофиз уни мўъжиза даражасига кўтарди<sup>1</sup>. Маълум бўладики, Саъдийнинг Ҳофизга таъсири икки томонлама бўлган: беносита ва Хожу Кирмоний орқали. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган эди:

*Устодаи ваазал Саъдийест пеши ҳама кас, аммо  
Дорад сухани Ҳофиз тарзи сухани Хожу (495).*

Мазмуни: «Барчанинг наздида Саъдий ваазлда устод саналади, лекин Ҳофиз ижоди Хожу шеърлари услубидадир».

Таниқли тожик адабиётшунос олими, академик Абдували Мирзоевнинг ёзишича, форсий адабиётда ваазалчилик тасаввуфий ва дунёвий йўналишида ривожланиб, Ҳофиз ўз ижодида ана шу икки оқимни бирлаштиради<sup>2</sup>. «Ҳофиз ижоди — форсий адабиётнинг бутун тарихида

<sup>1</sup> Бу ҳақда қараи: *Айни К. Ҳофиз ва «тарзи сухани Хожу» // Жашномаи Ҳофиз. Мажмӯа. — Душанбе, 1971. С. 98.*

<sup>2</sup> Қараи: *Мирзоев А. Форий ва Ҳофиз // Навоий ва адабий таъсир масаллари (Мақолалар тўплами). — Тошкент, 1968. 54—57-бетлар.*

лирик шеърятнинг чўққиси ҳисобланади. Унинг шеър-  
ятида Хайёмнинг ҳурфикрлиги, Румийнинг инсонпарвар-  
лик воялари, Саъдий ижодининг ахлоқий ва бадий  
ғўзаллиги ажойиб тарзда уйғувлашиб кетган. Бу Ҳофиз  
вазалларига бадий мукаммаллик баянлайди ва салаф-  
ларига «ўра кўроқ унинг ижодига Фарб уйғонишининг  
бадий муваффақиятларига яқинлаштиради»<sup>1</sup>.

Машҳур ҳинд шоири ва мутафаккири Муҳаммад  
Иқбол Ҳофизни буюк соҳрғар, деб атаган эди<sup>2</sup>. Чиндан  
ҳам, дунё адабиётида сўзни Ҳофиздай мишг бир мақомда  
ўйнатган, сўзга мишг бир маъно юклаган, сўзни мишг бир  
соҳру синоат нардасига ўраган яна бир шоирни топиш  
қийин. Шарқда ҳофизхонлик бежиз шухрат тутмаган.  
Ҳофиз девони мадрасаларда махсус дарсликлар қатори-  
да ўқитилган. Ҳофиз шеърлари табиийлиги, самимийли-  
ги, ҳасоасе бир муҳаббат ва юсак бадииятга йўрилган-  
лиги, мазмунан теран ва серқатламлиги, фалсафасининг  
кююклиги, назик ишораларга бойлиги, услубининг му-  
раккаблиги учун ҳам унга «лисон ул-ғайб» — «войибнинг  
тили» сифатини берганлар. «Шоирлар раҳнамоси Ҳофиз  
Шерозийнинг аксар шеърлари латиф ва табиий, баъзи-  
лари эса равонлик ва ёрқинликда мўъжиза чегарасида...  
Ҳофиз шеърларида сунъийликдан ҳеч асар бўлмагани  
учун «лисон ул-ғайб» лақабини бердилар»<sup>3</sup>, — деб ёзади  
бу ҳақда Абдурахмон Жомий. Чиндан ҳам, бандасининг  
бу қадар ҳар жиҳатдан мукаммал шеър ёза олишига ки-  
шининг инсонгаси келмайди. Бу Ҳофиз қалбига иниб, ти-  
лидан қайнаб чиққан илоҳий садолардир, дегингиз кела-  
ди. Шоир қалби илоҳий маънолар хазинаси, шоир тили  
унинг котиби дегингиз келади.

Ҳофиз буюк бир ишқ ошиғи эди. Ошиқ қалбининг

<sup>1</sup> Брагинский И. С. Кўреатилган асар. 42-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Степаняц М. Т. Философские аспекты су-  
физма. — Москва, 1987. Стр. 181. Ушбу китобга Иқболнинг  
тасаввуфга оид мақолалари илова қилинган. — Э. О.

<sup>3</sup> Абдурахмон Жомий Баҳористон. — Тошкент, 1997. 86—87-  
бетлар.



отанин ҳисларини вазалларига тўкиб солди ва уларни ўқиган ўқувчиларнинг қалбига ҳам ишқу муҳаббат ўтини солди.

Ҳофиз қалби оддий қалб эмас, балки бир оташкадир<sup>1</sup>. Ҳофиз вазаллари шунчаки вазаллар эмас, ана шу оташкададан бу ёруғ дунё сари отилган учқунлардир. Ҳофиз вазалларини ўқир экан, бағрингизга бир ўт туташгандай бўлиши бежиз эмас. Гўзалликка ошно бирор-бир қалб бу шеърят қошидан бефарқ ўтиб кетолмайди. Бу чапмадан ичиб, маст бўлмаган шеърят мухлиси ҳали учрамаган.

Ҳофиз сўзнинг имкониятларидан ҳадди аълосида фойдаланган шоир.

Унинг сеҳрли қаламидан тўкилган мисралар мўъжиза даражасида!

Ҳофиз оддийликдан мўъжиза ярата олган шоир!

Ҳофиз содда ва самимий ёсади. Айни пайтда, теран ва ранг-баранг мазмунларни шеърлари қатига сингдириб юборади. Чуқур маъноларни гўзал ифодадашда у беназир санъаткордир.

Ҳофиз шеърлятида санъаткорлик ниҳоятда юксак. У ташбеҳу тимсолларсиз бирор мисра тизмайди ҳисоб. Таносуби каломга қатъий риоя қилади — ўрнига тушмаган, жойини топмаган бирор сўз топмайсиз. Фикрларини тазод — қарама-қарши қўйиш асосига қуради. Халқ мақол-маталлари, образли иборалардан маҳорат билан фойдаланади. Шоирнинг тили ўткир — киноя-ичинини ҳадди аълосига етказиши. Ийҳом санъати — коса тагида нимкоса шоир шеърларининг етакчи хусусиятларидан. Лутф, муболава санъатларини жуда ўрнига қўяди. Ҳусни матлаъ, ҳусни таълил, фахрия ва бошқа санъатларнинг ҳам гўзал ва етук намуналарини яратади. Шоир шеърларининг бадийяти унча-мунча мутахассиснинг ҳам ақлини шошириб қўяди.

Фирдавсий — маснавийни, Умар Хайём — рубойини

<sup>1</sup> *Оташқадя* — ўтхона; оташдон, манқал.

қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Ҳофиз Шерозий ҳам ғазални шунчалик юксак мақомга кўтарди. Мана, неча асарлардан бўён рубоийда бирор шоир Хайёмга етолмагани каби ғазалда ҳам ҳеч ким Ҳофизнинг олдига тушолган эмас. «Ғазал ёзиш Ҳофизга мусаллам бўлди»<sup>2</sup>, — дейди бу ҳақда Навоий.

Ҳофиздан бор-йўғи бир девон мерос қолган. Шунинг ҳам унинг ўзи тузмаган. Бу ишни Ҳофиз вафотидан 30—40 йил кейин шоирнинг дўсти ва шогирди Муҳаммад Гуландом амалга оширган. Лекин шу биргина девони билан ҳам у ярим дунёни эгаллади. Шарқда-ку Шероз булбулидан таъсирланмаган шоир йўқ ҳисоби. Гуландомнинг шоир девонига ёзилган муқаддимасида айтилишича, ҳоё авомнинг<sup>3</sup> мажлиси, дину давлат арбобларининг хилватдаги суҳбатлари, суфий ва риндларнинг давралари Ҳофиз ғазалларисиз қизимасди — у ҳаётинидаёқ барча тоғфанинг ҳоё шоирига айланиб улгурган эди.

Ҳофизнинг илоҳий истеъдод соҳиби эканлигию, шеърларининг мақоми юксаклигини яхши билган Ҳофиз рақибларининг рашқу ҳасадларига жавобан шундай ёзган эди:

*Ҳасад чи мебарн, эй суетнаам, бар Ҳофиз,  
Қобули хотиру дутфи суҳан ҳудодод аст (73).*

Маъмуни: «Эй саёз шеърлар ёзувчи шоир, нега Ҳофизга ҳасад қиласан? Билмайсанмики, оҳорли ва тирак фикрлар-у, сўз навокати ва баловати Оллоҳ томонидан бериладиган илоҳий неъматдир».

Барча Шарқ шоирлари ижодида ўзининг шоирлик салоҳияти, шеърларининг шухратидан фахрланиб ёзилган байт ва шеърларга дуч келамиз. Илми бидеъда бу фахрия санъати деб юритилади. Ҳофиз ҳам ўз ижоди-

<sup>1</sup> *Мусаллам* — бу ерда: муносиб, лойиқ.

<sup>2</sup> *Алишер Навоий* Мукаммал асарлар тўплами. 18-жилд. Девони Фойий. — Тошкент, 2002. 40-бет.

<sup>3</sup> *Ҳоёуавом* — барча, ҳамма, яъни юқори табақадагилар ва оддий одамлар.

нинг моҳияти, шеърларининг асосий хусусияти, шоирлик истеъдоди ва асарларининг шухрати ҳақида кўплаб мисралар битади. Чунончи:

*Ба шеъри Ҳофизи Шероз мерақсанду менозанд  
Сияҳчашмони кашмириву туркони самарқанди (532).*

Мазмуни: «Ҳофиз Шерозий шеърларига кашмирлик оху кўзлик гўзаллар ва самарқандлик турк судувлари рақс айлайдилар-у, у билан фахрланадилар».

Фахрия санъатини ҳадди аълосига етказган шоир бошиқа бир вазалида: «Саҳар чоғида Аршдан бир бонгу садо таралаётганини эшитиб, ақл деди: «Малаклар Ҳофия шеърини ёд олмоқдалар», — деб лутф этади:

*Субҳидам аз Арш меомад хуруше, ақл гуфт:  
«Қудсийн гуи, ки шеъри Ҳофиз аз бар мекунад»  
(255).*

Ҳофиз Шерозий том маънодаги мутасаввиф шоир ва сўфиёна воялар тарбияotchисидир. Тасаввуф адабиётида сўфиёна истилоҳ-тимсолларни ўз ижодида энг кўп қўллаган ва уларга энг кўп маъно юклаган яна бир шоир бўлмаса керак. Май, майхона, майфуруш, соқий, журъа, дурд, дурдаш, қадах, хум, хумхона, маст, хумор, ринд, харобот, дайр, дайри муғон, пири муғон, сўфий, мурид, солиқ, толиб, талаб, шайх, пир, хонақоҳ, бут, бутхона, тарсо, тарсобача, зуннор, тариқат, маърифат, фақр, фано, фоний, сафол, футувват, самоъ, варъа, уруж, ҳижоб, парда, жоми Ҷамшид, жоми жаҳоннамо, илм ул-яқин, шамъ ва парвона, азал ва абад, сафо, шоҳид, ҳубоб, хирқа, кулоҳ, мақом, адам, дарвеш, ориф, соҳибаерор, соҳибалар, соҳибкамол, истиғно, важду ҳол каби тимсол-тушунчалар ва уларнинг маънодошлари шоир шеърларида фаол қўлланади. Лекин, Навоийнинг ёзишича, у ҳарчанд кўп илоҳий сирлар ва ҳақиқат маъноларини очиқ ва яширин ифода қилганига қарамай, ўзининг бирор-бир пирининг этагини тутгани ёки бирор-бир тариқатга киргани маълум эмас. Ҳолбуки, унинг шеърла-

ри сўфийлар қарашларига шунчалик мувофиқ тушганки, ҳеч бир шоир бу даражага кўтарилолмаган. Хожалар силсиласидан бўлган бир табаррук зот ҳатто агар киши сўфий бўлса, Ҳофиз девопидан яхшироғини тополмайди, деб лутф этган экан<sup>1</sup>. Бизнингча, у ўзининг эркин ва исёнкор фикрларини ифодалаш учун тасаввуфдан бир восита сифатида фойдаланган. Алишер Навоий ҳам «Маҳбуб ул-қудуб» асарига шоирларни уч гуруҳга — илоҳий ишқни қуйлаган шоирлар, мажозий ишқни қуйлаган шоирлар, илоҳий ва мажозий ишқни қўшиб қуйлаган шоирларга ажратар экан. Ҳофизни кейинги тоифага мансуб деб билиши бежиз эмас<sup>2</sup>.

Уз ижодида май ва у билан боғлиқ тимсоллардан ҳадди аълосида фойдалангани учун ҳам Ҳофиз ринд ва майпараст сифатида машҳур. Бу ҳақда унинг ўзи бизнинг Ҳофизимиз азал бодасининг мастидир (... Ҳофизини мо масти бодаи азал аст»), Ҳофиз азалдан ринду шоҳидбоз<sup>3</sup> эди («Ки Ҳофиз аз азал ў ринд буду шоҳидбоз»), деб эътироф этади. «Ҳофиз назалларидаги ишқ-муҳаббат, май, риндлик мавзулари бир-бирини тақозо қилади ва бир-бирини тўлдиради»<sup>4</sup>.

Маълумки, мумтоз адабиётда май ҳаётдан лаззатланиш ва илоҳий ишқ рамзи бўлиб келади. Май мавзани исломдан олдинги адабиётда ҳам мавжуд бўлган. Бу мавзу Рудакий ижодида ҳам муҳим ўрин тутди. Кейин мутаассавиф шоирлар майга илоҳий мазмун бериб, унинг маъно доирасини кенгайтirdилар. Май Ҳофиз ижодида ўзининг авж нуқтасига етди.

Муҳаммад Иқболнинг ёзишича, Ҳофиз тасаввуф таъсирида масту беҳудликни<sup>5</sup> тарғиб этган бўлса ҳам, ўзи

<sup>1</sup> Қаранг: *Алишер Навоий* Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. 479—480-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Алишер Навоий* Мукамал асарлар тўплами. 14-жилд. — Тошкент, 1998. 25-бет.

<sup>3</sup> *Шоҳидбоз* — гўзал инсонларда илоҳий ҳусни мушоҳада этиб хузурланадиган киши.

<sup>4</sup> *Шоҳмуҳамедов Ш* Ҳофиз Шерозий. 61-бет.

<sup>5</sup> *Беҳудлик* — ўзидан беҳабарлик — суқр ва ошиқлик мақоми.

чин мусулмонга хос хушёр ҳаёт кечирган. Зеро, бир умр масту муставрақ<sup>1</sup> юрган кишининг бундай санъат мўъжизаларини яратиши мумкин эмас.

Ҳофизнинг ҳақиқий лирик шоир эканлигига менинг имоним комил, дейди у. Унинг шеърятидан сўфиёна ҳақиқатларни излаш кейинги мушорихларнинг<sup>2</sup> виждонига ҳавола. Албатта, Ҳофиз суқр<sup>3</sup> ҳолатида бўлган ва шунга тарғиб қилган. «Май», «маст қилувчи ичимликлар» ҳам шу маънони билдиради<sup>4</sup>.

Умар Хайём ижодида муайян бир тизимга айланган риндлик ва ҳаётсеварлик оҳанглари Ҳофиз ижодида янги босқичга кўтарилди. Шоир вазалларида Хайём рубойларига, уларда ифодаланган фикр, воя, назмун, образларга фавқулодда яқинликни кўрамиз. Хайём рубойларида ифодалаган маъноларни Ҳофиз вазалларида ривожлантиргандай. Албатта, Ҳофиз вазаллари фалсафий жиҳатдан Хайём рубойлари қадар теран ва серқирра эмас, лекин исёнкор руҳи ва ҳассос оҳанги билан бевосита Хайём анъаналарининг давомчисидай таассурот қолдиради.

«XV асрга келиб, Ҳофиз Шерозий ижоди Шарқда жуда оммалашиб кетди. Бунда Ҳирот адабий муҳитининг муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлаш керак. Ҳирот ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузуридаги мажлисларда, йигин ва мушоираларда, ҳофизхонликларда шоир вазал ва рубойлари, қитъа ва таржеъбандлари, бошқа адибларнинг унга боғлаган

<sup>1</sup> *Муставрақ* — ўзлигини йўқотган, бирор нарсага қаттиқ берилган.

<sup>2</sup> *Мушорих* — шарҳловчи.

<sup>3</sup> *Суқр* — масту беҳудлик: илоҳий ишқ майдан маст бўлиб, ўзини унутган ошиқнинг ҳоли.

<sup>4</sup> Қаранг: *Степаняц М. Т.* Философские аспекты суфизма. Стр. 180—181.

мухаммаслари, битган татаббуълари<sup>1</sup> ўқиларди. Ҳофиз ва унинг замони хусусида суҳбатлар, қизини баҳе-мунозаралар бўлиб турарди»<sup>2</sup>.

Шу тариқа, Ҳофиз ўзбек адабиётига кучли таъсир ўтказди. Шоирларимиз ундан таъсирланиб, шеърлар битишди, ҳатто девоилар тарғиб беришди. Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Манраб, Нодира, Амирий, Муние, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза каби деярли барча ўзбек шоирлари Хожа Ҳофизни ўзларига устоз билгандар. Чунончи, асли исми Абдурахим бўлган Ҳофиз Хоразмий туркий шеърятнинг Ҳофиз Шерозийси бўлгани, деб ўзига Ҳофиз тахаллусини ташлаган бўлса, ҳофизона ҳасосе ва ёқимли вазаллари учун Фузулийни туркий шеърятнинг Ҳофиз Шерозийси деб улуқлагандар. Алишер Навоий Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий билан бирга, «Бири — Исонафаслик<sup>3</sup> ринди Шероз<sup>4</sup>», деб Ҳофиз Шерозийни ҳам вазалчиликдаги устозлари қаторида алоҳида ажратиб кўрсатади. Шоирнинг ўзбек тилидаги ижоди бу буюк салафи таъсиридан холи эмас. «Наводир уш-шабоб» девонидаги сўнгги вазалда унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

*Янаки нутқ илаю руҳ ила стурди анга  
Фуюз орифи Жомию ринди Шерозий<sup>5</sup>.*

<sup>1</sup> *Татаббуъ* — салафлар ёзи замондаш шоирларнинг асарларидан таъсирланиб, улардаги вазн, қофия, рафини сақлаган ҳолда, ўша мавзу ва воқия давом эттириб, ривожлантириб ёзилган асар.

<sup>2</sup> *Алимов М.* Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти. — Тошкент, 2004. 37—38-бетлар.

<sup>3</sup> Бу ерда ҳасосе шеърлари билан тош қўнғилларни аригадиган, мурда дилларин тирилтирадиган Ҳофиз нафаси ўликка жон бақишлайдиган Исо Масиҳга ўхшатиляпти.

<sup>4</sup> *Алишер Навоий* Мукамал асарлар тўплами. 6-жилд. Фавойид ул-қибар. — Тошкент, 1990. 516-бет.

<sup>5</sup> *Алишер Навоий* Мукамал асарлар тўплами. 4-жилд. Наводир уш-шабоб. — Тошкент, 1989. 469-бет.

Маамуни: «Яна Жом орифи<sup>1</sup> (Жомий) ва Шероз ринди (Ҳофиз) ҳам (Навоий ижодига) сўз ва руҳ ила файз етказди».

Форсий ижодида эса у, асосан, Ҳофиз йўлидан борди. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида унинг ўзи бу ҳақда: «Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким<sup>2</sup>, жамий суҳанадолар<sup>3</sup> ва назмпийролар<sup>4</sup> назарида мустаҳсан<sup>5</sup> ва матбуъдур<sup>6</sup>, тартиб берибменким, олти мингдан абъёти<sup>7</sup> адади кўправдурки, кўпрак ул Ҳазрат шайхига татаббуъ воқеъ бўлубдур<sup>8</sup>, — деб ёзади ва салафини ғазалда «ягонаи аср»<sup>9</sup> деб атайди. У форс тилида бу буюк салафи ғазаллари татаббуъида — 211, унинг таврида эса 20 та ғазал ёзган. «Девони Фоний»ни Навоийнинг «Ҳофизинома»си деб аташ мумкин<sup>10</sup>. Бу ғазалларнинг кўпида у Ҳофизни улуғлайди, унинг ўз ижодига таъсири, ундан ўргангани хусусида сўзлайди.

Мисоллар:

*Шаҳию рифъат агар орау қуни, Фоний,  
Ғуломи Ҳофизу хоки жаноби Жомий бош<sup>11</sup>.*

Маамуни: «Эй Фоний, агар (сўз мулкида) шоҳлик ва юксак мартабани орау қилсанг, Ҳофизнинг бандаси-ю, Жомий остонасининг тупрови бўл».

<sup>1</sup> *Ориф* — маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон.

<sup>2</sup> *Тавр* — йўл, равиш, усул.

<sup>3</sup> *Суҳанадо* — сўзга чечан; шоир, адиб.

<sup>4</sup> *Назмпийро* — сўз усталири, санъаткор шоирлар.

<sup>5</sup> *Мустаҳсан* — маъқул; таҳсинга сазовор.

<sup>6</sup> *Матбуъ* — маъқул, ёқимли, минаур.

<sup>7</sup> *Абъёт* — байтлар.

<sup>8</sup> *Алишер Навоий* Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. — Тошкент, 2000. 32-бет.

<sup>9</sup> Уша ерда. 35-бет.

<sup>10</sup> *Ҳайитметов А* Алишер Навоий Хожа Ҳофиз Шеролий ҳақида // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1971 йил. 5-сон, 11-бет.

<sup>11</sup> *Алишер Навоий* Мукаммал асарлар тўплами. 19-жилд. Девони Фоний (Давоми). — Тошкент. 2002. 362-бет.

*Фоний, жомини фано чун някашам Хофизвор?  
Ки ҳама дар равони Хофизу Жомий бинам.*

Мазмуни: «Эй Фоний, фано жомини<sup>1</sup> нима учун Хофиз янглив сиқармай, (чунки мен фонийликнинг<sup>2</sup>) ҳаммасини Хофизу Жомий йўлида кўраман».

XVIII аср охири — XIX аср бошларидан эътиборан Хофиз Фарб дунёсини ҳам ўзига қаратди. У Фарб илму адаб аҳлида Шарқ сўз санъатига нисбатан меҳру қизиқиш уйвотди. Хусусан, 1812 йилда Йозеф фон Хаммер шоир девонини тўлалигича таржима қилиб, немис тилида нашр эттиргач, Хофизнинг шуҳрати Германияда ортиб кетади. Ўша пайтда Германияда Хофиз шеърлари ўқилмайдиган, унинг ижоди устида баҳс юритилмайдиган бирор адабий уюшма ёки тўгаракни тониш қийин эди. Хофизга эргашиб ёзилган шеърлар кўнайки, ҳатто немис адабиётида шарқона нақлдаги шеърлар, вазаллар пайдо бўлди. Буюк Ҳёте «Фарбу Шарқ девонини яратди». Бу девон Фарб адабиётига Шарқ руҳини олиб кирди. Шероз булбулининг шуҳратини янада оширди. У Хофиз шеърларидан олган таассуротларини ифодалаб, жумладан шундай деган эди: «Мен ақлдан озянман. Агар вазалнависликка ўтиб, кўнглимга бир оз таскин бергудек бўлмасам, тўсатдан ҳаётимга кириб келган бу вайриоддий шахсиятнинг қаройиб тасирини кўтара олмайман»<sup>3</sup>. «Шу тариқа, Ҳёте янгича шеърини усулга мурожаат қилади. Бун-

<sup>1</sup> *Алишер Навоий*. Мукаммал асарлар тўплами. 19-жилд. 278-бет.

<sup>2</sup> *Фано жомини сиқариш* — илоҳий шиқ ва маърифат завқидан баҳраманд бўлиш.

<sup>3</sup> *Фонийлик* — моддий бевқиқликлардан буткул қутулиб, фақат Худо ёди билан яшаш. Худодан ўзгага эҳтиёжсизлик.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: *Каримов Р.* Хофиз Шерозий ва немис адабиёти // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 4-китоб. — Тошкент, 1978. 241—244-бетлар.

<sup>5</sup> Кўчирма қуйидаги мақоладан олинди: *Иброҳим Худоев* Хуморсиэ шароб // «Сино» журнали, 2001 йил, 3-сон, 3-бет.



дай усулни у Ҳофиздан қабул қилади. Немис мутафаккири Ҳофизни «стилистик феномен» («ноёб услуб даҳоси»), «муқаддас Ҳофиз» деб атайти. Ҳёте Ҳофизни «Шарқнинг Вольтери» деб билади. Шу сабабли у ҳам Ҳофидай бўлишни орау қилади»<sup>1</sup>. Ҳёте ўзини — Ҳотам, маъшукасини — Зулайхо деб атаб, кўнаб шарқона шеърлар ижод қилади. Бу шеърлар девоннинг «Муганнийнома», «Соқийнома», «Ҳофизнома», «Ҳикматнома», «Тафаккурнома», «Темурнома», «Ранжнома», «Ишқнома», «Форсийнома», «Тафсирнома», «Масалнома», «Хулднома» каби фаслларидан ўрин олган.

Улуғ немис файласуфи Ҳегель ҳам Ҳофиз ҳақида «гениал санъаткор, гўзал, лаззатли... айни чоқда, исёнкор шеърлар муаллифи», деб ёган эди.

«Инглия шарқшунос олими Э. Броун ва немис шарқшунос олими Г. Эте Ҳофизни «Ҳамма замонларнинг энг катта назалгўй шоири бўлди ва шундай бўлиб қолади», деган бўлсалар, Ҳофизнинг таржимони Миссис Гертура Белл Ҳофизни илк уйғониш даври итальян гуманист шоири А. Данте билан муқояса қилади»<sup>2</sup>.

Умуман, Фарбда Ҳофизни Ҳейне, Ҳёте, Шелли, Вольтер, Байрон каби улуғ адиблар қаторида улуклашган.

Рус адабиётида ҳам Ҳофиз катта шуҳрат қозонди. Маишхур рус шоири ва таржимони А. Фет Ҳофиз шеърлари таржимаси муқаддимасида: «Бизнинг шоиримиз билан, ҳатто, юзаки танишишнинг ўзи иккита катта ҳақиқатни англашга йўл очади: биринчидан, биз ўзимизнинг Фарб адиблари ва мутафаккирларида кўриб ҳайратланидиган фазовий юксакликни инсоният аллақачон кашф этган; иккинчидан, қайси заминда ва қачон униб чиққанлигидан қатъи назар, ҳақиқий шеърят гуллари абадий сўнмасдир...», — деб ёзган эди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Саломов *Е. Комялов*Н. Дўстлик кўприклари. — Тошкент, 1979. 9-бет.

<sup>2</sup> Шомухамедов *Ш* Ҳофиз Шерозий. 80-бет.

<sup>3</sup> Кўчирма куйидаги китобдан олинди: *Комялов*Н Тафаккур карвонлари. — Тошкент, 1999. 244-бет.

А. С. Пушкин Ҳофиз қаламга олган мавзулардан илҳомланиб, «Ҳофиздан» деган туркум шеърлар яратган. Улуғ рус шоири: «Саъдий ва Ҳофиз қалами яратган пинҳоний сирлардан хабардор бўлганимга қадар менинг шеърларимда нанъали жиҳатлар ва ҳаётеоварлик ҳиссиёти камроқ кўринади»<sup>1</sup>. — деган эди. М. Ю. Лермонтов, В. Жуковский, С. Есенин, П. Гнедич, М. Прахов, А. Майков, А. Михайлов, М. Кузьмин, В. Иванов, В. Брюсов каби рус шоирлари ҳам Ҳофиз таъсирида ҳофизона оҳангларда шеърлар ёганлар, унинг ижодини юксак баҳолаганлар.

Ҳофиз Шерозий ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан машҳур бўлиб, Хўжа Ҳофиз деб улуғлаб келинган. «Девони мадрасаларда ўқитилган, вазалари ҳофизхонлик кечаларини қизитган. Лекин асрлар мобайнида ёнма-ён яшаб келган форсий ва туркий халқлар бир-бирларининг тилларини тушунавлари, мадраса таҳсилини кўрган аждодларимизнинг форсий адабиётни ҳам хатм қила олганлари туйғайли форсий шеърларни таржима қилишга эҳтиёж сезилмаган. Қолаверса, бу халқларнинг маданияти ва санъати ягона тамойиллар, муштарак анъаналар асосида ривожланган, форсий ва туркий тиллардаги адабиёт ўзаро эгизак сўз санъати сифатида камол тошган. Адабиётларимиз тарихида ҳам туркий, ҳам форсийда ижод қилган зуллисонайн шоирлар кўп ўтган.

Чоризмнинг Ўрта Осиёни босиб олиши билан бошланган туркий ва форсий халқларининг бир-биридан узоқлашини жараёни Октябрь тўвтариши натижасида янада тезлашди. Бу орада «эскич»ни билганларнинг кўли қатарон қилинди. Икки бор алифбо алмашди. Оқибатда оддий халқ тугул, зиёлилар ҳам форсий адабиётни таржимасиз тушунмайдиган аҳволга тушиб қолдилар. Зулличонайнлик анъанаси-ку Ҳамза ва Айнийдан кейин деярли давом этмади. Лекин адабий алоқанинг янги тури — бадий таржима икки

<sup>1</sup> Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. 249-бет.

халқ, икки адабиётни боғловчи ҳалқа бўлиб майдонга чиқди: ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб бизда форсий адабиётдан таржима ривожланди ва форсий сўз салтатининг катта қисми ўзбекчалаштирилди.

Ўзбек ўқувчилари Ҳофиз ижоди билан ўз тилларида 1958 йили илк марта танишдилар. Шу йили шоирнинг 82 ғазал, 40 рубой, таржебанд ва соқийномасини ўз ичига олган тўплами таржима қилиниб, нашр этилди<sup>1</sup>. Хуршид Муинзода, Чустий таржималаридан иборат мазкур тўплам ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди, адабий жамоатчилик уни ижобий баҳолади. Чунки шоир ғазаллари анча муваффақиятли таржима қилинган, хусусан, Хуршид таржималари ғўзал ва ҳофизона чиққан эди. Ўзбекистонда Ҳофиз Шерозий ғазаллари таржимаси хусусида сўз келтудай бўлса, барчанинг кўз олдига дарҳол забардаст мутаржим, форсий адабиёт билимдони Хуршид келиши бежиз эмас. У Ҳофизнинг руҳига кириб, дилини англаб, услубига калит топиб, шоирнинг оташнафас ғазалларини ўзбекчада аслидагидай жарангласта олган. Шунинг учун ҳам гарчи Ҳофиз шеърлари таржимасига Муинзода, Чустий, Васфий, Шоислом Шомухамедов, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Жонибек Қувноқ, Мирзо Кенжабек, Сирожиддин Саййид, Олимжон Бўриев, Ошиқ Эркин, Эрган Очилон каби кўплаб таржимонлар журъат этган бўлсалар-да, ҳеч ким бу борада Хуршидга ета олган эмас.

Таржиманинг таржима эканлиги билинмаса, ўқувчи уни ватан адабиёти намунаси каби ўқиса, мутаржим ўз зиммасидаги вазифани тўлиқ ва мукаммал бажарган ҳисобланади. Ҳофиз шеърлари таржимасида Хуршид ўз олдига худди шу вазифани қўйган ва кўп ҳолларда бунга эришган ҳам. Чунончи, қуйидаги мисраларни ўқир экан, Ҳофизнинг ўзи ўзбекча ёган, деб юборасиз:

---

<sup>1</sup> Қараг: *Шимсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий Ғазаллар*. — Тошкент, 1958.

*Сунг<sup>1</sup>, эй соқий<sup>2</sup>. майинг охиргача — жаннатда  
тонмайсан*

*Бу Рукнобод қирғовидаги сўлим Мусалломи...*

*Ғазал этдинг-у<sup>3</sup>, дур сочдинг. ёқимли куйла,  
эй Ҳофиз,*

*Фалак<sup>4</sup> назмингга<sup>5</sup> гавҳардек нисор<sup>6</sup> этсин  
Сурайёниг<sup>7</sup>.*

Вазн ҳам бир — ҳазажии мусаммини солим, руҳ ва  
оҳанг ҳам бир — жўшқини ва жозиб:

*Бидеҳ соқий, май боқий, ки дар жаннат нахоҳи  
ёфт*

*Канори оби Рукнободу гулганги Мусаллоро...*

*Ғазал гуфтиву дур суфти, биёву хуш бихон,  
Ҳофиз,*

*Ки бар назми ту афсонад фалак иқди Сурайёро  
(33).*

Чустийнинг ҳам қатор таржималари муваффақиятли  
чиққан. Чунончи, Ҳофизнинг:

*Ё Раб, ин шамъи дилафрӯз зи кошонаи кист?  
Жони мо сўхт, биурсед, ки жонони кист? (107). —*

<sup>1</sup> С у н м о қ — тутмоқ, узатмоқ. Бу ерда «сузмоқ» маъносида келган.

<sup>2</sup> С о қ и й деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, машуқани, пир ёки комил инсоғни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бақишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

<sup>3</sup> Б у е р д а «айтдинг» маъносида келаяпти.

<sup>4</sup> Ф а л а к — осмон, кўк; тақдир, толе.

<sup>5</sup> Н а з м — шеър, шеъринг асар.

<sup>6</sup> Н и с о р — сочиш; фидо.

<sup>7</sup> С у р а й ё — юлдузлар туркумидан бирининг номи. Олти кичик юлдузнинг бир ерда жам бўлишидан иборат.

байти билан бошланадиган ғазалининг ўзбекчаси Хуршид таржимасидаги «янги ва янги, хилма-хил» («тоза ба тоза, нав ба нав») радифли ғазал сингари Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев томонидан чорак асрдан буён севиб ижро этиб келинади ва халқ кўнглидан жой олиб улгурган:

*Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?  
Уртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?*

Шундан кейин шоир ижодидан намуналар «Шарқ классиклари меросидан» туркумида «Ҳофиз Шерозий шеъриятидан» номи остида 1985 йили босилиб чиқди. Бу тўпламдан Хуршид ва Чустий таржималари билан бирга, Васфий, Ж. Жабборов, Ш. Шомухамедов, Э. Воҳидов таржималари ҳам ўрин олган. Агар шоирнинг аввалги китоби ғазаллар, соқийнома ва рубойлардан ташкил топган бўлса, бу тўпламдан таржеъбанд ва қитъалар ҳам ўрин олган. Соқийноманинг Ш. Шомухамедов томонидан амалга оширилган деярли тўлиқ таржимаси (Олдинги нашрда унинг бир нарчаси Муинзода томонидан таржима қилиб киритилган эди) берилган.

Ҳофиз шеърлари таржимаси кейинчалик ҳам тўхтаб қолган эмас. Истеъдодли шоирлар ва таржимонлар М.Кенжабек<sup>2</sup> ва О.Бўриевлар<sup>3</sup> шоирнинг бир неча ғазалларини таржима қилдилар. Биз шоир рубойларининг аруз вазнидаги янги таржималарини амалга оширдик<sup>4</sup>. Яқинда таниқли шоир О.Эркин бу рубойларнинг бармоқ ўлчовида қилинган янги таржималарини эълон қилди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ҳофиз Шерозий шеърлятидан. 46-бет.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: К е н ж а б о е в М. Муножот. — Тошкент, 1986. 77—82-бетлар.

<sup>3</sup> Қ а р а н г: «Сино» журнали, 2001 йил, 3-сон, 10-бет.

<sup>4</sup> Қ а р а н г: Ишқ дафтари. Рубойлар (Фарс тилидан Э. Очилов таржималари). — Тошкент, 2000. 74—83-бетлар; Муҳаббат тароналари. Рубойлар (Фарс тилидан Э. Очилов таржималари). — Тошкент, 2005. 268—280-бетлар.

<sup>5</sup> Қ а р а н г: «Жаҳон адабиёти», 2004 йил, 10-сон, 48—52-бетлар.

Ушбу тўпламда мазкур таржималарнинг деярли барчасини қамраб олишга интилдик. Фақат шоирнинг қатор назал ва рубойилари қайта-қайта таржими қилинганки, уларни танлаб олишга тўғри келди.

Халқимиз азалдан Ҳофиз билан Навоийни, Фузулий билан Бедилни тенг кўриб, баб-баравар мутолаа қилиб келган. Юртимизда айнан ҳофизхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик машҳур бўлган. Форсий адабиётга муҳаббат ҳозир ҳам баланд. Фақат энди бу адабиёт намуналарини таржима ёрдамида хатм қиламиз. Шундай экан, умид қиламизки, бу борада эришилган нуктада тўхтаб қолмаймиз: таржималар давом этади ва ҳар бир янги таржима улуғ шоир ижод оламини кашф этишда янги босқич бўлаверади. Келгусида Ҳофиз асарларининг тўла ва мукамал таржималарини амалга ошириб, жаҳон сўз санъатининг забардаст намоёндаларидан бўлган бу улуғ шоир шеърятидан халқимизни чинакам маънода баҳраманд қилишимиз лозим. Бугун эмас. Ҳофиз назалларига қўшлаб шарҳлар ёзилганки, уларни ҳам таржима ва изоҳлар билан ўзбек тилида нашр этсак, бу нафақат Ҳофиз ижоди, балки умуман мумтоз Шарқ адабиётини тобора теранроқ англашимизга хизмат қилади.

*ЭРГАШ ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди*



## Ғ А З А Л Л А Р

\* \* \*

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Сун, эй соқий, майинг охиргача — жаннатда  
топмайсан  
Бу Рукнобод қирроғидаги сўлим Мусаллони.

Шу алдоқчи, қизиқчи, фитначи шўхлар  
кўлидан дод,  
Кўнгулдан элтилар сабрим қилиб туркларча  
яғмони<sup>1</sup>.

Менинг нуқсонли ишқимга унинг ҳусни<sup>2</sup>  
эмас муҳтож,  
Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони.

Гапир чолғувчидан<sup>3</sup>, майдан — жаҳон сиррини  
кам изла,  
Ечолмас ҳеч киши ҳикмат-ла бу оғир муаммони.

<sup>1</sup> Я р м о — талон-тороғ, вораггарлик.

<sup>2</sup> Ҳ у с н — илоҳий жамол, маҳбуб дийдори.

<sup>3</sup> Тасавуфда орифлар дилини рамазлар катфию ҳақиқатлар баёнига тўдирадиган, файз етказувчи ва тарғиб қилувчиларни мутриб (чолғувчи, қўшиқчи, муванний) дейдилар. Раббоний оламдан огоҳ қилувчилар ва комил пирларга ҳам ишора қилинади. Унинг кўйи — маърифат, қўшиғи — ҳақиқат.

Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим:  
 Чиқормиш ишқ номус пардасидан ул Зулайхони<sup>1</sup>.  
 Емон, дединг, қувондим ман, Худо ҳаққи,  
 Гўзалроқ айлади аччиқ сўзинг таъли<sup>2</sup> шакархони<sup>3</sup>.  
 Насиҳат тинглагил, жоно, тутурлар жону  
 дилдан дўст  
 Ақлли, бахтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.  
 Ғазал этдинг-у дур сочинг, ёқимли куйла, эй  
 Ҳофиз,  
 Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин  
 Сурайёни.



<sup>1</sup> Бу ерда Шарқда машҳур Юсуф ва Зулайхо қиссасига ишора қилинмоқда. Бошқа ишқий қиссалардан фарқли, унда Юсуф — маъшук, Зулайхо — ошиқ ҳисобланади. Илоҳий ҳусну малоҳат соҳиби бўлган Юсуф ҳажрида Зулайхо девона бўлиб, одамларнинг таъна-маломатига қолади.

<sup>2</sup> Л а ъ л — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Маъшуканинг қизил лабини унга нисбат берадилар.

<sup>3</sup> Ш а к в р х о — ширинсўз.



\* \* \*

Аё<sup>1</sup> соқий, суниб жоминг<sup>2</sup>, қил эҳсон —  
яшнасин диллар,  
Кўринди аввал ишқ осон-у, сўнгра тушди  
мушкиллар.

Сабо<sup>3</sup> ечмоқчи бўлган сочининг<sup>4</sup> хуш бўйига  
онтким,  
Муанбар<sup>5</sup> ҳалқа-ҳалқа сочидан қон бўлди  
бу диллар.

---

<sup>1</sup> *Аё* — эй.

<sup>2</sup> *Жом* — қадах, май косаси. Тасаввуфда орифининг илоҳий маърифат мийғи лиммо-лим қалби.

<sup>3</sup> *Сабо* — Шарқдан асадиган ёқимли шабада, топг ели. Тасаввуфда руҳоний маъшуқ томонидан келадиган раҳмоний хушбўй насим. Шунингдек, сабо ошиқларнинг сўҳарда чеккан оҳу ноласини Оллоҳга етказди, деб ҳисоблайдилар.

<sup>4</sup> *Соч* — тасаввуф шеъриятида моддий дунё тимсоли бўлиб келади: унинг узунлиги — дунёвий ҳою ҳавасларининг чек-чегарасизлигига, қалинлиги — тирикчилик тиввишларининг сон-саноксизлигига, ҳалқалиги — нафс бандалари кўнглини овлаш учун тулоққа, қоралиги — ўзига эргашганнинг қисмати-ни қора қилишга қиёсланади ва ҳоказо.

<sup>5</sup> *Муанбар* — муаттар, хушбўй.

Ботир сажжодани<sup>1</sup> майга агар пири муғон<sup>2</sup> айтса,  
Йўловчига<sup>3</sup> эрур маълум йўл аҳволи ва манзиллар.

Менга ёр уйида ишрат қуриш имкони йўқ ҳар дам,  
Қилуркан қўнғироқ фарёдди, боёланг юкни  
рофиллар.

Қоронғидир кеча, қўрқинчли мавж, даҳшатлидир  
гирдоб,  
На билгай ҳолимизни четда турган юки енгиллар.

Ёмон от бирла фох ўлди ишим охир ўжарликдан,  
Нечук ёшрин қолур сир сўзласа мажлисда оқиллар.

Агар васл истасанг, ундан йироққа кетма,  
эй Ҳофиз,  
Тилакни изла, қўй дунёни, бер орзуга табдиллар<sup>4</sup>.



<sup>1</sup> *Сажжода* — жойнамоз.

<sup>2</sup> *Пири муғон* — муғлар пири. *Муғ* — оташпараст; мажозан: пир. Пири муғондан мақсад комил инсон бўлиб, май сотувчи (майфурӯш) сўзи ўрнида қўлланади ва руҳоний раҳбар маъносини англатади.

<sup>3</sup> *Йўловчи (солук)* — тариқатга кириб, риёзат босқичларини бо-  
сиб ўтиш орқали Худо сари сайр қилаётган киши.

<sup>4</sup> *Табдил* — ўзгартириш, алмаштириш.

\* \* \*

Чолғучи, айлагил наво янги ва янги, хилма-хил,  
Иала шароби дилкушо<sup>1</sup> янги ва янги, хилма-хил.

Кўнглинг очувчи ёр ила, хилват ўтир нигор ила,  
Бўса-ла<sup>2</sup> ком<sup>3</sup> этиб раво, янги ва янги, хилма-хил.

Сенга тилак бўлурму ром, кўтармасанг қадах<sup>4</sup>  
мудом,  
Ёди-ла майни ич расо<sup>5</sup> янги ва янги, хилма-хил.

Нима қилсанг, гўзал пари, қилғуси мен учун бари  
Ранг ила ўсмаву ҳино янги ва янги, хилма-хил.

Тонг ели, эссанг ҳар қачон гар ўша дилбарим  
томон,  
Ҳофизнинг арзин эт адо янги ва янги, хилма-хил.

<sup>1</sup> *Дилкушо* — кўнгли очувчи, дилни шод этувчи.

<sup>2</sup> *Бўса* — ботиний файз ва жазба маъносида келади.

<sup>3</sup> *Ком* — мурад, мақсад, орау, тилак, майл.

<sup>4</sup> *Қадах* — кўнгли; дунё.

<sup>5</sup> *Расо* — тўлиқ.

\* \* \*

Қаёнда ўнгламоқ ишни ва ман хароб қаёи?  
Бу йўл қаёнда-ю, мен қайдаман, жавоб қаён?

Бир-биридан узоқ — сўфийлик<sup>1</sup> билан риндлик.  
Қаён насиҳату рақс, нағмаи рубоб қаён?

Рис тўнидан-у, бутхонадан<sup>2</sup> кўнгил безди,  
Қаёнда дайри муғону<sup>3</sup> шароби ноб<sup>4</sup> қаён?

Эсарди васл шамоли, ажаб гўзал чор эди,  
Қаёи у нозу каранма ҳам ул итоб<sup>5</sup> қаён?

Нима гапирса у душман дили-ю, дўст юзидан —  
Сўниқ чироқ қаён, равшан оғтоб қаён?

---

<sup>1</sup> С ў ф и й — тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, ризват босқичларини босиб ўтиб. Ҳаққа интилаётган киши. Шайх Абубақр Каттонийнинг айтишича, сўфийлар зоҳирда қул, ботинда ҳурдирлар.

<sup>2</sup> Б у т х о н а — лоҳут оламига ишора, яъни ваҳдати қул бўлиб, аҳдиёт зотининг мазҳариёти маъносига ҳам келади.

<sup>3</sup> Д а й р и м у ў о н — оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Ориф ва аълиёлар мажлиси, дивраси, суҳбати.

<sup>4</sup> Н о б — соф. тоза. пок.

<sup>5</sup> И т о б — маломат, таъна; қаҳр, язаб. Тасаввуфда икки маънода келади: машуқанинг ошиққа ва ошиқнинг ўз нафсига итоб айлаши.

Кўзим ёритгучидир остонангиз туңрови,  
Қаён кетай бу эшикдан, буюр, хитоб қаён?

Югурма олма занахдонга<sup>1</sup>, чоҳ йўл устидадир,  
Қаён борурсан, эй кўнгул, бу хил шитоб қаён?

Қарору сабрни Ҳофиздан истама, эй дўст,  
Қаён қарору чидам дилда, кўзда хоб қаён?



---

<sup>1</sup> З а н а х д о н — ияк. Тасяявуфда солиқни абадий чоҳдан  
зудмат чоҳига соладиған маҳбубанинг қаҳрмеа дутфи.

\* \* \*

Эй соқий, бода нури-ла порлат шу жомимиз!  
Созанда, чал, жаҳоннинг иши бўлди ромимиз<sup>1</sup>.

Кўрдик нигор акси жамолини<sup>2</sup> пиёлада —  
Боис бўлиб қадаҳ кўтаришга давомимиз.

Нозу карашма, ишва қилур қадди сарвлар<sup>3</sup>  
Келмакда деб у сарви санобар<sup>4</sup> хиромимиз<sup>5</sup>.

Ҳеч ўлмагай кишики, дили ишқ ила тирик,  
Олам саҳифасин бошида бизни номимиз.

Бир макр этарми, деб меин излатса кўрқаман,  
Пирнинг<sup>6</sup> ҳалол ноида бизнинг ҳаромимиз.

- 
- <sup>1</sup> Бу ерда «дуниёнинг ишлари биз истаганча бўлди» дейилмоқчи.
- <sup>2</sup> **Н** и **ж** а **м** о **л** — ошканинг кучли раббат ва талабига кўра маъшукнинг ўз камолини намойиш этиши; илоҳий тажалли.
- <sup>3</sup> **С** а **р** **в** — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшиаб турадиган игнабаргли гўзал ва ҳушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маъшукнинг келишган зебо қадди-қоматини унга нисбат берадилар.
- <sup>4</sup> **С** я **н** о **б** а **р** — қаравай. Ишбаргли, тик, доимо яшил дарахт.
- <sup>5</sup> **Х** и **р** о **м** — чиройли юриш, поз-карашма билан юриш.
- <sup>6</sup> **П** и **р** (*муршид, шейх*) — тасаввуф тариқатида мўридга раҳна-малик қиладиган ирфоний маърифатда юксак мақомга кўтарилган киши.

Гар дўстларимиз боғи гомон эсанг, эй сабо,  
Албатта, ёри жонга етургил саломимиз.

Такрорлама номимизни — будир сенга илтимос,  
Кесин ўзи, гар эсламас айтганда номимиз.

Масгликни завқи дилбари барно кўзига хос:  
Ул юзда<sup>1</sup> ихтиёримиз, ул зулф<sup>2</sup> домимиз.

Ҳофиз сочар кўз ёшини донадек мудом,  
Будир умид насл<sup>1</sup> қушин тутса домимиз.



<sup>1</sup> *Юз* — илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси.

<sup>2</sup> *Зулф* — соч; аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Тағаввуфда у бир неча маъноларда келади: идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; кўфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо. Зулфнинг ҳалқалиги — илоҳий сирлар, узунлиги — оламнинг чексизлиги, бсқарорлиги - оламнинг ўзгарувчанлиги рамзи.

<sup>1</sup> *Васл* — маҳбубга етишим, ҳақиқий ваҳдат. Шайх Шиблийнинг айтишича, дунё ва охиратдан кечган киши васлга эришади.

\* \* \*

Келди masjidдап бу кеч майхона<sup>1</sup> сори пиригимиз,  
Не бўлур, йўлдонларим, бундан кейин  
тадбиримиз?<sup>2</sup>

Биз муридлар<sup>3</sup> қайси йўл бирла борурмиз Каъбага?  
Бонламоқда йўлни майхона томонга пиригимиз!

Ўтпарастлар манзилида<sup>4</sup> биз ҳам айлармиз макон,  
Чунки шундай деб ёзилмишдир азал тақдиримиз.

<sup>1</sup> *Майхона (майқадя)* — шаъну лавқу илоҳий файзга кон юмил орифнинг ботиқи. Илоҳий олам маъносида ҳам келади.

<sup>2</sup> Бу ерда *Шайх Саъйюм воқеъиси шиора бор*. У *Каъбада* 50 йил шайхлик қилган. 400 та муриди бўлган. Тақвою тоятига ҳатто фаришталар ҳавас этган. Лекин тарсо (насроний) қилни севиб қолгач, исломдан чиқиб, насроний динига киради, май ичади, Қуръонни куйдиради, белига зушнор (насронийлар белига боқлайдиган чилвир) боқлайди. Бу тасаввуфда фанийликнинг гўрт шарти ҳисобланади.

<sup>3</sup> *Мурид* — толиб, талабгор, бирор шайх ёки ширга қўл бериб, унга орашувчи. Тасаввуфда моддий боқлиқликлар ва ўа хоҳиш-иродасидан воз кечиб, Ҳаққа интилаётган киши.

<sup>4</sup> *Ўтпарастлар манзили* — бу ерда: оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона.



Банд бўлиб аулфига дил шод бўлганин  
билсайди ақл,  
Ақл эли истарди девона<sup>1</sup> бўлиб занжиримиз<sup>2</sup>.

Шул гўзал юз лутфу аҳсон оятин<sup>3</sup> этди баён,  
Шу учун яхшилигингдан ўзга йўқ тафсиримиз<sup>4</sup>.

Тош каби қаттиқ дилингда ҳеч бир айларми асар,  
Шунча ўтлув оҳ бирла йўқмидир таъсиримиз?

Оҳимизнинг ўқлари, Ҳофиз, фалакдан ҳам ўтар,  
Раҳм қил жонингда, сақлан, тегмагай то тиримиз<sup>5</sup>.



---

<sup>1</sup> *Девона* — ишққа ошиғу ҳайрону сарганига бўлган ва сулуққа мянсуб киши. Ошиқнинг маълумияти девоналик дейилади.

<sup>2</sup> Илоҳий ҳақиқатга ақл билан етиб бўлмаслиги, уни фақат кўнгил билан дарк этиш мумкинлиги туфайли тасаввуфда ақл ва кўнгил бир-бирига зид қўйилади.

<sup>3</sup> *Оят* — нишон, белги; мўъжиза, каромат; Қуръон ояти.

<sup>4</sup> *Тафсир* — шарҳ, изоҳ.

<sup>5</sup> *Тир* — ўқ.

\* \* \*

Соқиб, кел энди сунгил жомни,  
Жойла тунроққа вами айёмни<sup>1</sup>.

Бер қўлимга бир пиёла май шу дам,  
Ташлайин малла тўну<sup>2</sup> аҳромни<sup>3</sup>.

Ақл элича<sup>4</sup> бу ёмонлик бўлса ҳам,  
Истамаймиз шарму ору номни<sup>5</sup>.

Бода сун ҳам ушбу мағрурликдан,  
Тинчланиб қўй нафси беоромни.

Бу ёниқ кўксимдан оҳим ўтлари —  
Тунди, куйдирди шу бағри хомни.

---

<sup>1</sup> *Айём* — замон, давр, вақт, фасл.

<sup>2</sup> Бу ерда аслида сўфийлар қиядиган кўк хирқа кўда тугилмоқда — у тариқатда муайян даражага эришганликни билдиради («далқи азракфом» — «кўк хирқа» таржимада «малла тўн» деб берилгани хато).

<sup>3</sup> *Аҳром* — ҳаж зиёратига кийиладиган кийим. Бу ерда муайян мақсадда кийилган кийим маъносига келаяпти.

<sup>4</sup> *Ақл эли* — оқиллар, донишмандлар. Тасаввуфда илоҳий маърифат ва ишқдан беҳабар диний, дунёвий илм соҳиблари кўда тугилади.

<sup>5</sup> Дунёвий мухаббатда эс-хушдан айрилиш қораланса, илоҳий ишқда бу удувланади. Чунки илоҳий маҳбубани ақл билан идрок этиб бўлмайди, уни фақат кўнгил орқали дарк этиш мумкин. Шунинг учун тасаввуфда илоҳий ишқ йўлида ҳамма нарсаши унутган, ақду ҳушиши йўқотган мажнувларининг мақоми баланд.

Ўз дилим сиррига маҳрам топмадим,  
Изладим ҳар қанча хосу омни<sup>1</sup>.

Бир дилором ила кўнглим шод эрур,  
Элтди дилдан бир йўла оромни.

Боқмагай ҳаргиз чаманда сарвга,  
Кимки кўрса ул сиҳиандомни<sup>2</sup>.

Сабр қил, Ҳофиз, туну кун ранжиги<sup>3</sup>,  
Бир куни топгайсан албат комни.



---

<sup>1</sup> *Хосу ом* — барча: юкори ва паст табақадагилар.

<sup>2</sup> Аслиятда бу сўз «симандом» — «қумушбадин» тарзида қўлланган. Чунки «сиҳиандом» деган сўз йўқ, «сиҳиқомат» — «ба-лаид қоматли» бўл.

<sup>3</sup> *Ранж* — меҳнат, машаққат, азоб, алам, озор; дард, беморлик.

\* \* \*

Ғами токим дилимда<sup>1</sup> тутди маъво<sup>2</sup>,  
Бонимга зулфи янглиг<sup>3</sup> тушди савдо<sup>4</sup>.

Унинг ўтдек лаби<sup>5</sup> оби ҳаётдир,  
Бўлибдир ул олов бағрим аро жо.

Қачонлардан бери ҳиммат қушига  
Бўлибдир ул қади раъно таманно<sup>6</sup>.

Баланд қаддига<sup>7</sup> мен бўлганман ошиқ<sup>8</sup> —  
Мудом ошиқ иши юксак ва аъло.

---

<sup>1</sup> Д и л — илоҳий сирлар хазинаси. Дунёнинг шунчалик ранг-баранг ва муттасил ҳаракатда яратилишидан мақсад дил эди, чунки унда Оллоҳ акс этади.

<sup>2</sup> М аъ в о — манзил, макон, хона, жой; мажозан; ибодатгоҳ.

<sup>3</sup> Я н г л и г — каби, сингари.

<sup>4</sup> С а в д о — шайдолик, девоналик, ҳавою ҳавас, орау; ғам-ғусса, ташвиш; ҳам ҳаёл.

<sup>5</sup> Л а б — суфийлар истилоҳотида маънавият олимидан вибиётга малақлар воситасида, явлиётга эса илҳом орқали назил бўладиган калом. Шунингдек, бирнинг илоҳий маърифатга қон суъай ва бу жошбахш каломнинг мазмуни ҳам қўяда тугилади.

<sup>6</sup> Т а м а н н о — орау, истак, умид.

<sup>7</sup> Қ а д (қ о м а т) — дилнинг ваҳдат оламига таваяжжўҳ қилиши.

<sup>8</sup> О ш и қ — илоҳий жамол ва камолга ошуфта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ таолони изловчи киши.

Сочар анбар<sup>1</sup> исин тонг ели бу кун,  
Магар ёрим қилибдур сайри сахро?

Оқар ёш гавҳари кўз дарёсидан,  
Дуру марварид ила тўлди дунё.

Мудом Ҳофиз тили, эй сарви нозим<sup>2</sup>,  
Қадинг мақтовида бурро ва гўё.



---

<sup>1</sup> *Анбар* — хушбўй модда; мажозан: соч, зулф.

<sup>2</sup> *Сарви ноз* — қадди баланд ва гўзал, ноали маҳбуба.

\* \* \*

Гул ёнда-ю май қўлда, рафиқ<sup>1</sup> дилбари жондур,  
Менга бу каби кўнда гулом<sup>2</sup> шоҳи жаҳондур.

Айт: шамъ<sup>3</sup> кетирмангиз-у базм ичра бу оқшом,  
Ой юзли гузалнинг юзи мажлисида аёндур.

Гар мазҳабимиз бода ҳалол дер эди, лекин,  
Эй сарв, юзинг бўлмас экан, бода ёмондур.

Доим қуловим банд наю нағмаю чанга,  
Лаъли лабу жом даврига қўзалар нигарондур.

Мажлиси атр ҳожат эмас, жонни димоғи  
Ҳар лаҳза сочинг исларидан атрга қондур.

Қанд ила шакар қанча ширин бўлса, дам урма,  
Ширин лабинг орзуси менга вирди<sup>4</sup> забондур<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> *Рафиқ* — дўст; ҳамроҳ; ҳамдард, сирдош; ёр, маҳбуба.

<sup>2</sup> *Гулом* — қул, банд, хизматкор.

<sup>3</sup> *Шамъ* — солиқ дилини қўйдирадиган илоҳий нур. Шўҳуд соҳибининг дилини ёндириб, уни мунаввар қиладиган ирфон нурига ҳам ишора.

<sup>4</sup> *Вирд* — бирор нарсага типимсиз такрорлаш, зикр эитиш.

<sup>5</sup> *Забон* — тил.

Ул чоқки, ваянинг хазнаси<sup>1</sup> жой олди дилимда —  
Шундан бери мен қулга хароботда<sup>2</sup> макондур.

Сўз қилма уятдан — мени расволигим ундан.  
Сўрма отим — ул от мени шармимга зиёндур.

Оч кўзники, ринд, майхўри оввора десанг — биз,  
Бу шаҳрда биздек эмас ул кимса қаёндур?

Айбимни дема мухтасиб олдидаки, ул ҳам  
Биздек қиладур айш талаб қанча замондур.

Хофиз, маю маъшуқасиз ўлтурма замоне —  
Ким, ёсуману<sup>3</sup> гул чоғи, ийди<sup>4</sup> рамазондур.



---

<sup>1</sup> *Хазна* — бу ерда ганж, хазина маъносига.

<sup>2</sup> *Харобот* — майхона; комил ишсон ҳузури; башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлиши.

<sup>3</sup> *Ёсуман* — оқ, сариқ, кўк рангли хушбўй гулли гиёҳ.

<sup>4</sup> *Ийд* — ҳайит, байрам.

\* \* \*

Икки рафиқ шу замон беваразу олижаноб,  
У — шеър тўплами ҳам сув қўшилмаган майи ноб.

Бу йўлга ёлғиз ўзинг юргил, офият<sup>1</sup> йўли тор,  
Кўтар пиёлани — ўтган умр эрур ноёб.

Билимга этмай амал қайғурувчи бир мен эмас,  
Қилтур ўзин уламо<sup>2</sup> илми беамалда хароб.

Ақл кўзи билда боққил бу фитна оламига,  
Жаҳон ила бу жаҳон ишлари жадал ва шитоб.

Юзингга етмак умиди кўп эрди дилда, бироқ,  
Ажал — умид ва умринг йўлида бир гирдоб.

---

<sup>1</sup> *Офият* — соелик-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, аҳволнинг яхши томонга ўзгариши.

<sup>2</sup> *Уламо* — бу ерда: шариат билимдонлари, диний арбоблар, муллалар.



Ҳикоя сўзлама, ой юзли ёр зулфини тут:  
Шум ила қутлуғ эрур Зухраю<sup>1</sup> Зуҳалда<sup>2</sup> ҳисоб<sup>1</sup>.

Тополмагайлар уни ҳеч бир нафас ҳушёр,  
Негаки, Ҳофиз азал бодаси<sup>1</sup> билан сероб.



---

<sup>1</sup> *Зухра* — Венера сайёраси: уни фалак чолғувчиси дейдилар ҳамда гўзаллик, музиқю рақс ва шоду хурсандлик тимоли ҳисоблайдилар.

<sup>2</sup> *Зуҳал* — Сатурн сайёраси. Ўтмиш мунажжимларининг ақида-сига кўра, еттинчи осмонда ҳаракат қиладиган бу сайёра наҳс, яъни шум — ёмонлик аломати ҳисобланади.

<sup>3</sup> Шарқ мунажжимлари Зухра ва Муштарий (Юпитер) сайёрасининг ўзаро яқинлашувини қирон буржи деб атаб, бахт-саодат аломати ҳисоблаганлар. Бу бурж остида тувилганлар қайси соҳада бўлмасин, юксак муваффақиятларга эришадилар. Чунончи, Искандар Зулқарнайи (Александр Македонский), Мўхаммад алайҳиссалом ва Амир Темур қирон буржида тувилган, дейдилар. Зухра ва Зуҳалнинг бир-бирига яқинлашuvi эса ёмонлик аломати бўлиб, бадбахтлик келтиради, дейдилар.

<sup>4</sup> *Азал бодаси* — бу ерда: азалий муҳаббат, яъни илоҳий ишқ.

\* \* \*

Кўзим қорачиғи қон ичра ноладап тун-қун,  
Қаро сенинг тилагинг-ла шу ҳолда халқ бутун.

Май ила маст кўзу<sup>1</sup> даъл лабингни ёди билан  
Қизил май ичдим-у, у ҳасратингда бўлгай хун<sup>2</sup>.

Юзинг қуёши сенинг машриқ<sup>3</sup> остонапгдан  
Агарда чиқса кулиб, порлагай бу бахти забун<sup>4</sup>.

Ҳикоя айлади Ширин лабин мудом Фарҳод,  
Ҳам этти Лайли сочи ҳалқасин макон Мажнун<sup>5</sup>.

Дилимни овла — қадинг сарви дилжўй<sup>6</sup> эмиш,  
Гапир — ёқимли сўзингда эрур дурри мазмун.

---

<sup>1</sup> *Кўз* — комил инсон тимсоли. Чунки у фақат ўзини кўради-ю, ўзгаларни кўрмайди. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади.

<sup>2</sup> *Хун* — қон.

<sup>3</sup> *Машриқ* — Шарқ, кунчиқар.

<sup>4</sup> *Забун* — ожиз, нотавон, бечора, эзилган; маълум; арзимас.

<sup>5</sup> Бу ерда Ширин лаби ва Лайли сочи сўз бирикмалари икки маънода келган: Ширин(нинг) лаби ва (ёрининг) ширин лаби ҳамда Лайлининг сочи ва (ёрининг) тун (даё қора) сочи.

<sup>6</sup> *Дилжўй* — жазибали, дилтўртар; кўнгил овловчи, дилга тасалли берувчи.

Шу бода<sup>1</sup> даврида бер жонга роҳат, эй соқий,  
Фалакни жорли<sup>2</sup> даври юракка солди тугун.

Ўшал замонки, кетибдур ёнимдан ул ёрим,  
Кўзимни теграсида бўлди ёшларим Жайхун<sup>3</sup>.

Нечук бу камли юрак шод ўлуб, қувонгайким,  
Йўқ ихтиёр ўзида, зарра йўқ қарору сукун<sup>4</sup>.

Эсин йўқотганидан ёр этар талаб Ҳофиз,  
Чунончи, истади йўқсил<sup>5</sup> хазинаи Қорун<sup>6</sup>.



---

<sup>1</sup> *Бода* — ишқ, ишқ галаёни, маърифат завқи.

<sup>2</sup> Бу ерда фалак айланишидан етадиган озор ҳақида сўз кета-  
япти.

<sup>3</sup> *Жайхун* — Амударё.

<sup>4</sup> *Сукун* — осойиш, ҳаракатсизлик; сабр, қарор.

<sup>5</sup> *Йўқсил* — камбағал, қашшоқ.

<sup>6</sup> *Қорун* — Мусо даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайр-  
ли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шахс. Бу  
такаббур кимсани охири оқибат бутун мол-дунёси билан бирга  
ер ютган. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва хасислик тимсоли  
ҳисобланади.

\* \* \*

Дил — саройи муҳаббатидур унинг,  
Кўз — ёритгучи талъатидур<sup>1</sup> унинг.

Икки дунёга бошни эгмасдан  
Гардан<sup>2</sup> узра миннатидур унинг.

Сену тўби-ю<sup>3</sup>, мен — қаддига асир.  
Ким на фикр этса, ҳимматидур унинг.

Ўтти Мажнун замони — гал бизга,  
Ўтказар, кимки навбатидур унинг.

Мен негай хилвати ароки, сабо  
Пардадор<sup>4</sup> ўлди — ҳурматидур унинг.

Ишқнинг мулки-ю, қувонч гапжи<sup>5</sup>  
Менда бор, бу — иноятидур унинг.

---

<sup>1</sup> *Талъат* — юз, чеҳра; гўзаллик, ҳусн; мажозан: дийдор.

<sup>2</sup> *Гардан* — бўйин.

<sup>3</sup> *Тўби (й)* — жаннатда ўсадиган ранг-баранг мевали ва хушбўй ҳидли серсоя дарахт.

<sup>4</sup> *Пардадор* — парда тортувчи, яширувчи, ҳожиб. Тасаввуфда Ҳақ ва банд ўртасидаги тўсиқ, солиқни сайру елудикдан чалғитадиган монъеликлар маъносиде келади.

<sup>5</sup> *Гапж* — бойлик, хазина.

Йўқ зарар дил билан мен ўласак ҳам,  
Қасдимиз тан саломатидур унинг.  
Бўлмагай ҳеч хаёли кўздан узоқ,  
Чунки бу бурчак хилватидур унинг.

Берса оро чаманга ҳар янги гул,  
Бори таъсир суҳбатидур унинг.

Ўзи йўқсил кўринса ҳам Ҳофиз,  
Кўкси ганжи муҳаббатидур унинг.



\* \* \*

Зоҳидо, айлама риодларга гуноҳкорча хитоб,  
Бошқаларнинг гуноҳи-чун сени қилмайди итоб.

Яхшиман, хоҳ ёмонман — ўз ишингни ўнгла,  
Ҳосил эканникидир, сен бу учун олма ҳисоб.

Масту хунёр — ҳама одамга талабдур дилдор,  
Фарқи йўқ — севги уйи масжиду ҳам дайри<sup>1</sup> хароб.

Май уйининг эниги тупроғига бош тутдим,  
Кимки сўз уқмаса, хишт-ла бошига урса савоб.

Мени қўрқитма азал ёзмишин айлаб такрор,  
Маълум эрмас сенга ким яхши эрур, ким побоб<sup>2</sup>.

Зухду<sup>3</sup> тақводан<sup>4</sup> узоқ бўлгучи ёлғиз мен эмас,  
Балки жаннатдан отам четлаттали қилди шитоб<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> *Дайр* — оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Сўфийлар истидоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳдиятдан ҳузурланишни билдиради.

<sup>2</sup> *Побоб* — ёмон, номувофиқ, номуносиб.

<sup>3</sup> *Зухд* — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шугулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик.

<sup>4</sup> *Тақво* — парҳезкорлик, порсолик, ҳудожўйлик.

<sup>5</sup> Бу байтда шоир Худо олдида гуноҳкор бўлган биргина мен эмас, отам, яъни Одам Ато ҳам ўзини гуноҳдан сақлаблмай, абадий жаннатни қўядан берган эди, деб киноя қилмоқда.

Тоатинг мақтама, эй сўфийки, тақдир қалами  
На билурсан, нима деб номинг атаб ёзди китоб?

Яратилмоқда бу бўлсанг — жуда тоза аслинг,  
Бу эса сенда табиат жуда ҳам олижаноб.

Бўлса жаннат боғи ҳам қанча ёқимли, лекин,  
Бил: ғанимат сенга тол сояси ҳам жоми шароб.

Ҳофизо, олсанг ўлим чоғида қўлга бир жом,  
Борасан тўғри биҳишт<sup>1</sup> боғига — кўп чекма азоб.



---

<sup>1</sup> *Биҳишт* — жаннат.

\* \* \*

Шаробу айиш надур ёшрин айламак бунёд,  
Қўнилдик ринд сафига — энди фойдасиз фарёд.

Юрак тутунларини еч, фалакни ўйлама ҳеч,  
Ечолмади бу тутунни бирор етук устод.

Қадаҳни тутгил адаб шартларин риоя қилиб,  
Бу коса таркиби Жамшиду<sup>1</sup> Баҳром<sup>2</sup> ила Қубод<sup>3</sup>.

Қаёнга Жамшиду Кай<sup>4</sup> кетдилар — биров билмас,  
Ким англагай — не учун бўлди тахти Жам<sup>5</sup> барбод?

Қўзимнинг олдидаким: Ширин ишқу ҳасратидан  
Ётарди долазор ичра ваган тутиб Фарҳод.

<sup>1</sup> *Жамшид* — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи.

<sup>2</sup> *Баҳром* — сасонийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Бу сулолада Баҳром номли бир неча подшоҳлар ўтган бўлса-да, улар орасидан фақат Баҳром Гўр Шарк адабиётининг асосий қаҳрамонларидан ҳисобланади.

<sup>3</sup> *Қубод* — қаёнийлар сулоласига мансуб подшоҳ — Ануширвонини одилнинг отаси.

<sup>4</sup> *Кай* — подшоҳ, улур подшоҳ, шоханшоҳ маъноларини билдириб, қаёнийлар сулоласига мансуб подшоҳларнинг земага қўшиб айтилган: Кайқубод, Кайхусрав, Кайковуе киби. Бу ерда Кайқубод номининг қисқарган шаклида келаяпти.

<sup>5</sup> *Жам* — Жамшид номининг қисқарган шакли.



Магарки лола жаҳон бевафолигин билди —  
Келиб-кешиб, қўлидан шиша бўлмади озод.

Узоққа кетгани менга ижозат бермаслар,  
Қўнгилда завқи Мусаллою наҳри<sup>1</sup> Рукнобод.

Дафу<sup>2</sup> чап<sup>3</sup> овози остида соф бодани ич,  
Севинч инакларидан қилди пардасин ижод.

Етишди ишқи вамида не етса Ҳофизга,  
Замонанинг кўзи ошиққа солмасин бедод.



---

<sup>1</sup> *Наҳр* — дарё, виҳор, сөй.

<sup>2</sup> *Даф* — чилдирма, доира.

\* \* \*

Юзларинг акси тушиб бода тўла жом ичра,  
Кулди май, сўфийни қўйди тамаъи хом ичра.

Топди май шуъласидан хонинг ила нарма ривож,  
Тушди бир нурки соқий юзидан жом ичра.

Ғайрати ишқ кесар хос кишиларнинг тилини,  
Йўқса ким фош этадур сирни эду ом ичра.

Бағри ёнган мен-у, дилбар қарани бошқа менга —  
Бу гадога нима лойиқ кўрур инъом ичра.

Тўғри кўргучи етар поклик ила мақсадга,  
Эгри кўргучи тушибдур тамаъи хом ичра.

Ҳайаб-ҳайаб, уни ғам тивини кутмак лозим.  
Ким унинг-чун бўладур яхши саранжом<sup>1</sup> ичра.

Осилиб зулфинга ул чоҳи занаҳдон чиқди,  
Оҳки, чоҳдан қутулиб, тушди яна дом ичра.

Мени кўрсанг керак, эй сўфий, ибодат уйда,  
Фикримиз соқий юзию кўзимиз жом ичра.

---

<sup>1</sup> Саранжом — оқибат, охир, шунинг охири.

Мен харобот сари кетмасдим ибодат уйдан,  
Солди тақдир мени бу ҳолга элу ом ичра.

На қилур юрмаса гардиш<sup>1</sup> четида паргордек<sup>2</sup>,  
Тушса ҳар кимсаки бу гардиши айём<sup>1</sup> ичра.

Сўфийлар барчаси бир фикрдадирлар, лекин,  
Қолди бу ўртада Ҳофиз номи бадном ичра.



---

<sup>1</sup> *Гардиш* — айланиш, ҳаракат; чарх уриш; ўзгариш; доира.

<sup>2</sup> *Паргор* — циркуль.

<sup>3</sup> *Гардиши айём* — дунё, кунларнинг ўтиши, замоннинг айланиши.

\* \* \*

Дилбар кетиб, асирларига қилмади хабар,  
Йўлдошу тенглари унутиб, айламини сафар.

Бахтим унутди ёки муҳаббат йўсинлари<sup>1</sup>,  
Ё ташламас нигор ҳақиқат сори пазар.

Мен шамъдек туриб тиладим: жон фидо қилай.  
Мен сори тоғ шамоли каби эмас у магар.

«Қилсам фиғон — бўлурми дили меҳрибон?» —  
дсдим,  
Эмғир у тош юракка қилурми экан асар?

Ҳар ким юзингни кўрса, уни бўса этди кўз,  
Ушбу баҳона бирла кўзим бўлди баҳравар.

Ҳайронман — улфат ўлди печун у рақиб билан,  
Бир жойда сақламас-ку киши мунчоғу гавҳар.

Ҳофиз, тили кесик қаламинг анжуман аро  
Айтмас сирингни кимсага, бош кетса ҳам агар.

---

<sup>1</sup> Йўсин — тара, тариқа, одат.

\* \* \*

Ҳар нафас ҳажр аламидан чекаман юз фарёд,  
Сенга сл нолами еткурмаса, вам менга зиёд.

Не қилай айламайин нолаю фарёду фиғон,  
Бўлмасин ҳеч кишининг ваъзи менингдек барбод.

Туну кун қон ютаман — бошқа иложим йўқдир,  
Ой жамолингдан узоқ мумкин эмас бўлмоқ шод.

Сен қачон бўлдинг узоқ мен каби дилсўхтадан<sup>1</sup>,  
Қон буловини кўзим қилди кўзимда бунёд.

Кипригим<sup>2</sup> решасидан<sup>3</sup> қон томадур юз қатра,  
Айрилиқнинг вамидан чекса дил оҳу фарёд.

Кечди Ҳофизга сени ёд этиш ила тун-кун,  
Сен-чи, бу қул вамидан бўйла<sup>4</sup> тамоман озод.

---

<sup>1</sup> *Дилсўхта* — юраги куйган, дили мажруҳ, кўнгли синиқ.

<sup>2</sup> *Киприк (мижа, мужгон)* — маъшуқанинг ногу қарапмаси ту-  
файли ошиқнинг кўксига санчилиб, уни яралайдиган ўқ, най-  
за, ханжар кўзда тугилади. Солиқнинг валюяти, ҳоли ва мар-  
табаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилинади.

<sup>3</sup> *Реша* — идиш, томир.

<sup>4</sup> *Бўйла* — бундай, бунақа, бу каби, бу хил, шунчалик.

\* \* \*

Дедим: «Ғаминг чекарман». Деди:  
«Ўтар бу ғам ҳам».

Дедимки: «Менга бўл ой». Деди:  
«Чиқар бирор дам».

Дедим: «Вафолилардан ўрган вафо йўлини».  
Деди: «Гўзал санамда меҳру вафо бўлур кам».

Дедим: «Сочинг иси-ла йўлдан бутун адашдим».  
Дедики: «Бандалик эт — бўлгай нигор ҳотам<sup>1</sup>».

Дедимки: «Тоза кўнглинг бўлгай қачон мулойим?»  
Деди: «Жафога сабр эт, шояд етар ўшал дам».

Дедим: «Хаёлинг ила термулди кўз йўлинига».  
Дедики: «Тун юрарнинг сўқмоғи бошқа олам».

Дедим: «Ажаб ҳаво бу — жаннатдан эсди гўё».  
Деди: «Бу ёр саридан эсан шабада — кўклам».

Дедим: «Лабинг майининг орзуси бирла ўлдим».  
Дедики: «Сабр қилсанг, бўлғуси дардга марҳам».

Дедимки: «Айшу суҳбат, кўрдинги, қандай ўтди?»  
Деди: «Жим ўлки, Ҳофиз, кечгай бу қайғу —  
мотам».

---

<sup>1</sup> Ҳотам — бу ерда раҳбар, раҳламо маъносига келган.

\* \* \*

Ҳар нечаким юзларинг ой, кунга нисбат қилдилар,  
Суратинг кўрмай туриб, тахмин-ла тухмат  
қилдилар.

Ишқимизнинг шўришидан<sup>1</sup> зарра миқдориндадир  
Ҳар наким Фарҳоду Шириндан ҳикоят қилдилар.

Жон бағишлар юзи гулларнинг оёқ гарди иси,  
Онглилар<sup>2</sup> ундан димовин чоғу роҳат қилдилар.

Қарға, қузғун ов учун боғлаб боқишга арзимас,  
Лочину қирғийни аммо шундай иззат қилдилар.

Боқмангиз риндларни таҳқирлаб, сафол<sup>3</sup> деб  
косаси,  
Бу ҳарифлар<sup>4</sup> жоми Жам<sup>5</sup> базмида хизмат  
қилдилар.

<sup>1</sup> *Шўриш* — изтироб, ҳаяжон; ишқ савдоси; исён.

<sup>2</sup> *Аслиятда* — орифлар.

<sup>3</sup> *Сафол* — дарди, синиқ кўнгил; фақр рамзи.

<sup>4</sup> *Ҳариф* — ёр, дўст; позиктабиат, ҳушёр.

<sup>5</sup> *Жоми Жам* — Жамшид жоми. Жамшид жоми жаҳоннамо — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Илоҳий сирларни ошкор қилиши жиҳатидан май қадаҳи ҳам жоми жаҳоннамога ўхшатилади. Шунингдек, илоҳий сирлардан огоҳ комил инсоннинг қалбини ҳам унга нисбат беришади.

Қилмади мужгон ўқи ҳам жодугар афсуслари<sup>1</sup>,  
Жаврларким, зулфу мушкин<sup>2</sup> холинг<sup>3</sup> одат  
қилдилар.

Бизга бир бўса етарди — қилмади рухсат лабинг:  
Бу ширин лаблар мудом шундай ишорат қилдилар.

Соқие, май бер — азал тақдирининг тадбири йўқ,  
Ҳеч бир ўзгармаслигин таъкиду ҳужжат қилдилар.

Ўтли, пардозли юзи бирла гўзаллар дам-бадам  
Сўфийларнинг дил билан динини фотат қилдилар.

Мақтади аҳсонларинг шеърида Ҳофиз ҳар қачон,  
Тинглаганлар шеърини таҳсин-у раҳмат қилдилар.



<sup>1</sup> *Афсун* — сеҳр, жоду.

<sup>2</sup> *Мушкин* — мушк ҳидли, хушбўй.

<sup>3</sup> *Хол* — касрат (кўплик) оламнинг ваҳдат (бирлик) оламида яқинлигини, илоҳий зотнинг ягоналиги тимсоли. Шунингдек, тоат нурлари ичидаги гуноҳ зулмати ҳам дейдилар.



\* \* \*

Офтоб каби ҳар кўзга юзинг жилвагар ўлсин!  
Хўблиқда<sup>1</sup> юзинг хўблиғи ҳар он дигар<sup>2</sup> ўлсин!

Давлат қуши — лочин<sup>3</sup> пари янглиғ қаро зулфинг  
Дунёдаги шоҳлар бошида тожи сар<sup>4</sup> ўлсин!

Ҳар дилки, сенинг зулфингга банд ўлмас экан, у —  
Бўлсин жигари қон, ўзи ундан батар ўлсин!

Ғамзанг<sup>5</sup> ўқи ётса, санамо, бошима ҳар дам,  
Ул ўқ қонида ғамзада<sup>6</sup> кўнглим сипар<sup>7</sup> ўлсин!

Бир бўса менга ушбу шакар лабдан эт эҳсон,  
Жон коми унинг лаззати бирла шакар ўлсин!

Ҳар лаҳза менга янгиланур шавқ<sup>8</sup> ила ишқинг,  
Ҳар дамда сенинг равнақи ҳуснинг дигар ўлсин!

Ҳофиз дилу жони ила дийдорингга муштоқ,  
Бир боқ унга — эҳсонинг ила баҳравар ўлсин!

<sup>1</sup> *Хўблик* — яхшилик, гўзаллик.

<sup>2</sup> *Дигар* — бошқа, ўзга.

<sup>3</sup> *Аслиятда*: ҳумо. *Ҳумо* — сояси (ёки пари) кимнинг бонига тушса, ўша киши подшоҳ (ёки бахтли) бўлади, деб эътиқод қилинадиган афсонавий давлат қуши.

<sup>4</sup> *Сар* — бош. *Т о ж и с а р* — бошдаги тож.

<sup>5</sup> *Ғамза* — умид ва кўрқув.

<sup>6</sup> *Ғамзада* — ғамгин, қайғули.

<sup>7</sup> *Сипар* — қалқон.

<sup>8</sup> *Шавқ* — Ҳақ ва солиқ ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак валаботида қалбнинг сурурга тўлиши.

\* \* \*

Юзингдек ёрқин ой осмонда ҳам йўқ,  
Қадингдек сарв ҳеч бўстонда ҳам йўқ.

Лабингдек лаъл йўқ — дил этгучи шод,  
Тишингдек тоза бир дур конда ҳам йўқ.

Лабинг жонбахш райҳон орасида —  
Бу хислат чашман ҳайвонда<sup>1</sup> ҳам йўқ.

Сенга бир тан тенг ўлмас бу жаҳонда:  
Тан эрмас, ушбу тенглик жонда ҳам йўқ.

Эрур Ҳофизни шеъри ширин, аммо,  
Ширинлик ёр лабидек онда<sup>2</sup> ҳам йўқ.



<sup>1</sup> Чашман ҳайвон — Хиар чашмаси, тириклик будови, оби ҳаёт.

<sup>2</sup> Онда — унда.

\* \* \*

Кўнгилда лабингни шавқи, жоно,  
Лаълингдан унга недир таманно.

Шавқинг майи, севгининг шароби  
Дил шишасида бори ҳувайдо<sup>1</sup>.

Зулфингни асирларига доим  
Дард ила балони доми маъно.

Дилдорим оти недир, сўрардим,  
Менга сира учрамак у барно.

Андиша қилувчи юрту элдан  
Ёри ила ўлтиролмас асло.

Шод ул кишининг дили ҳамиша,  
Дилдор ила айни бўлса барпо.

Бир ноз<sup>2</sup> ила ов қилишга дилни.  
Гул узра бинафша бўлди оро.

Ҳофиз, шу кўнгилли дам фанимат —  
Асбоби тараб<sup>3</sup> бори муҳайё.

---

<sup>1</sup> *Хувайдо* — ошкор, равшан, аён.

<sup>2</sup> *Ноз* — маъшуқанинг ошиққа илтифот қилиши, ишқ йўлида куч бағишлати.

<sup>3</sup> *Асбоби тараб* — баъз учун зарур нарсалар.

\* \* \*

Саҳарда булбул арз этди сабога,  
Гул ишқи нетди, деб биз бенавога.

Эрурман позанин эҳсонига қул,  
Қилур у яхши иш кетмай риёга.

Хайрли бўлсин унга тонг шамоли,  
Даво қилди тун уйроқ бедавога.

Сира бегоналардан<sup>1</sup> нолимасман,  
На бўлса — етди дўстдан ошинога.

У сунбул<sup>2</sup> зулфи гулдан парда<sup>3</sup> очди,  
Тугундан гунча чиқди соф ҳавога.

Юзу рангин кўриб, қон бўлди кўнглим,  
Дучор ўлдим тикан отлиғ балога.

---

<sup>1</sup> *Бегона* — тариқат йўлига қадам қўймаган, сайру сулукни ўтмаган киши.

<sup>2</sup> *Сунбул* — ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, қўшироқсимов ва хушбўй ўсимлик. Маъшуқанинг сочи ҳалқа-ҳалқа ва муаттар ҳид таратгани жиҳатида сунбулга нисбат берилади.

<sup>3</sup> *Парда* — Ҳақ ва банд ўртамадиги ҳижоб. Ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги тўсиққа ҳам ишора қилинади.

Қилур ҳар жойда булбул оҳу афрон<sup>1</sup>,  
Маза бу ўртада боди сабога<sup>2</sup>.

Кутиб султондан аҳсон янглишибман,  
Ўафо кўрдим ялингач бевафога.

Бориб май сотқучига<sup>3</sup> хуш хабар бер —  
Ки, Ҳофиз юрмагай энди риёга.



---

<sup>1</sup> *Афрон* — фивонлар, нолалар, фарёдлар.

<sup>2</sup> *Боди сабо* — тонг ели, майин шабада.

<sup>3</sup> *Май сотқучи* — ма...руш; мажозан: руҳоний раҳбар, пир, мурид, комил инсон.

\* \* \*

Билсангки, чангу уд неларни қилур баён,  
Таъзир этилмайн десанг, ич бодани ниҳон<sup>1</sup>.

Элтарлар ишқ номусин, ошиқнинг равнақин:  
Ешларни айбу чолни қилиб таънага нишон.

Дерлар: бу севги сирин эшитманг-у, сўзламанг,  
Мушқул ҳикоядурки, қилурлар уни баён.

Биз ташқарида алданамиз макру ҳийлага,  
Парда аро улар нима тадбирда бу замон.

Пири мўғонни вақтин олиб, ташвиш орттирар,  
Кўргил, мурид ирга на қилмоқчидир бу он.

Юз дилни бир боқиш ила мумкин сотиб олиш,  
Хўблар<sup>2</sup> тағофул<sup>3</sup> айлади бу ҳақда ҳар қачон.

Бир қанчалар уринса тилаб ёр васлини,  
Тақдир иши, дегай, уни бир қанчалар ҳамон.

---

<sup>1</sup> *Ниҳон* — яшири, пинҳон, махфий.

<sup>2</sup> *Хўблар* — гўзаллар.

<sup>3</sup> *Тағофул* — билиб бидмасликка олин, бирор нарсадан кўз юмиш; бепарволик, беҳабарлик.

Бўл эҳтиёт, иноиға, бу оламда йўқ сабот<sup>1</sup>,  
Ҳар дамда ўзгарувчи бир ишхона бу жаҳон.

Май ички, шайху Ҳофизу муфтию муҳтасиб —  
Алдарлар, англасанг, кўринур макрлари аён.



---

<sup>1</sup> *Сабот* — устуворлик, мустаҳкамлик, пойдорлик.

\* \* \*

Дилим олғач, юзини қилди пинҳон.  
Ҳийин қилмас бу хил дўстга қадрдон.

Мени ёлғиз топиб, қасд этди жонга,  
Хаёли қилди менга катта аҳсон.

Боним бўлди офир наргисларидан<sup>1</sup>,  
Нега дил бўлмасин лола каби қон?

Сабо, гар чора бўлса, вақти — кўрсат,  
Бу муштоқликни тортиб, битди дармон.

Мени бир шамъдек куйдирди, менга —  
Суроҳий<sup>2</sup> йиғлаб, этди чолғу афшон.

Демак мумкин эмас ҳеч меҳрибонга  
Бу хил сўзлар, бу хил иш қилди жонон.

Қилолмас бундай иш Хофизга душман:  
Қачон ё(й)<sup>3</sup> қошлар<sup>4</sup> отса тири мужгон.

<sup>1</sup> Н а р г и с — бўтакўза; мажозан: кўз.

<sup>2</sup> С у р о ҳ и й — бўйли узун май илғини. Суфийлар истилоҳида уш (яқинлик, дўстлик) мақомини суроҳий дейдилар.

<sup>3</sup> Ё й — камон, камалак; эгилган, қайрилма.

<sup>4</sup> Қ о ш — илоҳий ва моддий олам чегараси. Пайнасталиги — Оллоҳ ва оламнинг ягоналигини, қайрилмаслиги — суфий дилидаги нафе ва кибри, узун ва қалинлиги — ҳақ йўлининг узун ва мураккаблигини билдиради.



\* \* \*

Ул кимки, эҳсон йўлидан менга вафодорлик қилур,  
Мендек ёмонлик ўрнига, бир лаҳза ғамхорлик<sup>1</sup>  
қилур.

Соз айлаб аввал нағмани, дилбар сўзин менга  
дегай,  
Ул дам суниб бир коса май, менга харидорлик  
қилур.

Дилбарки, жоним ёқди у, кўнглимга тўлган орзу,  
Будир умид — ул жавржў<sup>2</sup>, шоядки, дилдорлик  
қилур.

Дедим: «Юракда ғам тугун, зулфинг яна айлар  
забун».  
Деди: «Мен айтдим, шул учун ул сенга таррорлик<sup>3</sup>  
қилур».

Ул малла тўн<sup>4</sup> кийган дағал, севги ишидан беҳабар:  
Бер унга мастликдан хабар, то тарки ҳушёрлик  
қилур.

<sup>1</sup> *Ғамхор* — ғамхўр, меҳрибон.

<sup>2</sup> *Жавржў* — жабру ситам қилувчи.

<sup>3</sup> *Таррор* — айёр, маккор, ҳийлагар; ўғри.

<sup>4</sup> *Аслиятда: напминацўш* — жуи хирқа кийган. *Хирқя* — шайх, мурид ва дарвешлар киядиган махсус кийим.

Мушкул топишлик ошно, меңдек нишонсиз  
бир гадо,  
Султон қачон кўриб раво, риндлар-ла майхорлик<sup>1</sup>  
қилур.

Майли, неча кўрсам ситам, ул жингалак сочдан  
бу дам,  
Занжир зулфидан, не вам, ҳар қанча айёрлик  
қилур.

Ул кўзда кўп найранг бор, Ҳофиз, ҳеч этма ихтиёр,  
Тундек қаро сочли нигор ҳар турли маккорлик  
қилур.



---

<sup>1</sup> *Майхор* — майхўр, кўп май ичувчи.

\* \* \*

Сарви равоним<sup>1</sup> не учун қилмайди ҳеч майли  
чаман?

Бўлмайди ҳамдам гул билан, ёдига келмайдур  
суман?

Кўп вақт эрур дайди дилим боғланди-кетди  
зулфига,

Ушбу узоқ сайридан у қилмайди ҳеч азми ватан.

Ё қошларин қарнисеида қанча хушомадлар қилай?

Бермайди ҳеч сўзга қулоқ, доим тавофул  
қилди фан<sup>2</sup>.

Гарчи бинафша зулфлар тўзди шамол ила бу чоқ,

Кўнглим унинг ёди билан қайтмайди ҳеч ўз  
аҳдидан.

Ёвди этаклардан гулоб<sup>3</sup>, ҳайрон эрурманким, сабо

Ўтган йўлин туфроқларин қилмас нега мушки  
Хўтан?<sup>4</sup>

---

<sup>1</sup> *Сарви равон* — юрвчи, хиром :тувчи сарв, яъни маҳбуба.  
<sup>2</sup> *Фан* — бу ерда: касб, ҳунар, мақсад.  
<sup>3</sup> *Гулоб* — гул суви, атиргул яфроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик; мажозан: кўз ёши.  
<sup>4</sup> *Мушки Хўтан* — Хўтан мушки. *Хўтан* — ўзининг гўзал оҳуларин билан машҳур бўлган Қашқардаги ноҳа. *Мушк* — оҳулардан бир турининг киндигида ҳосил бўладиган қора рангли хушбўй модда. Мушк берадиган оҳулар фақат Хўтан, Хитой ва Ҳиндистонда ашайди.

Лойиқ кўриб соқий агар супса тўла коса заҳар.  
Ким май каби ичмас уни, бўлмай оғиз жону бадан?

Рухсори орзусида дил жон бирла ҳамдам  
бўлмади —  
Тан хизматин қилмайди ҳеч, жондир унинг шавқи  
билан.

Мен зулфидан қилдим гила, ҳийла йўли-ла у менга  
Дедики: «Бу эгри қора олмас сўзимни ҳеч қачон.

Тортғил қўлинг, қилма жафо, оқмин қўзимнинг  
ёмғири —  
Кўз ёшларим қилмай мадад, бўлмайди ҳеч дурри  
Адан».

Ғамзангга бўлминдир фидо, Ҳофиз ўғитни  
тингламай.  
Тир ила ўлмакка сазо ҳар кимки сўз уқмас экан.

---

<sup>1</sup> *Дурри Адаи* — Адаи дури. Энг аъло сифатли дур. *Адаи* — Яманинг (Саудия Арабистони) жанубида жойлашган шаҳар. У ўзининг олий навли дурлари билан машҳур бўлган.

\* \* \*

Домлар минбар уза сўз қилса такрор ўзгача,  
Айлагай хилватда турли фитна бедор ўзгача.

Ушбу мажлиснинг билимдонига бор мушқул савол:  
«Тавба бергүчига тавба не учун ор, ўзгача?»

Миндир ўз энишакларига янги бойларни бу чоқ,  
Қул хачирга фахр этиб, ноз айлар изҳор ўзгача.

Хонақоҳнинг<sup>1</sup> соили<sup>2</sup>, кел, ўтпарастрлар дайрида  
Бир қадаҳ-ла дилни айла бою дедор<sup>3</sup> ўзгача.

Хусни бепоёни қанча ошиқин қилса ҳалок,  
Янги ошиқлар келиб, бўлгай гирифтор ўзгача.

Дод шу гавҳар билмаган саррофларнинг<sup>4</sup>  
дастидан —  
Ким, эшакмунчоқни дур деб, қилди бозор ўзгача.

Аршдан тонг човида келди товуш, ақл унга дер:  
«Ёд олур кўкда малак Ҳофиздан ашъор<sup>5</sup> ўзгача!»

<sup>1</sup> Х о н а қ о ҳ — сўфийлар йиғиладиган, зикр тушадиган жой.

<sup>2</sup> С о й и л — сўровчи, истовчи; гадо.

<sup>3</sup> Аслиятга кўра, бу ерда «бадавлат» маъносидаги сўз келиши керак.

<sup>4</sup> С а р р о ф — зарпуное, ҳақиқий пулни сохтасидан ажратувчи; пул алмаштирувчи, пул майдаловчи; сўз устаси.

<sup>5</sup> А ш ъ о р — шеърлар.

\* \* \*

Гўзал гул чови яшнар тоғу чўллар,  
Керак бу чоғда бўлсин қўлда соғар<sup>1</sup>.

Кўнгилни айлагил бир лаҳза хурсанд,  
Садафда доимо бўлмайди гавҳар.

Фанимат бил — гулистон ичра май ич,  
Иккинчи ҳафта гулнинг ҳоли дигар.

Қизиқ севги йўликим, ушбу йўлга  
Бош урганларда бош қолмас муқаррар.

Менга ҳамдаре эсанг — йиққил варақни,  
Бу ишқ илмини билдирмас у дафтар<sup>2</sup>.

Ушандай ёрга дил бовлагилким,  
Жамоли бўлмасин муҳтожи зевар<sup>3</sup>.

Кел, эй шайх, бода ич камхонамизда,  
Уялсин ушбу майдан ҳавзи Кавсар<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> *Соғар* — май ичадиган пиёла, жом, қадаҳ. Тасаввуфда гайб сирлари мушоҳада қилинадиган орифнинг қалби. Сукр ва шаяқни ҳам соғардан тилайдилар.

<sup>2</sup> Дафтар ва варақ бу ерда аохирий билимлар маъносига келияпти — улар илоҳий ҳақиқатни аниглашга халақит беради.

<sup>3</sup> *Зевар* — безак, зийнат.

<sup>4</sup> *Ҳавзи Кавсар* — жаннатдаги Кавсар ҳовузи, булоғи.

Қизил май бирла олтин жомни тўлдир,  
Бағишча — кимки эҳсонингни истар.

Худо ҳаққи, кумуш танли бутим<sup>1</sup> бор,  
Бу хил бут кўрмагандир балки Озар<sup>2</sup>.

Деса Ҳофизни шеърин кимки янглиш,  
Етишмас ақли: недир тоза гавҳар?



---

<sup>1</sup> *Бут* — бутпарастлар сикинадиған санам; мажозан: маҳбуба.

<sup>2</sup> *Озар* — Иброҳим пайғамбарнинг отаси. Бутгарош бўлган.

\* \* \*

Бу кеча майкадада базму айин фаровон эди:  
Хурушда<sup>1</sup> соқию кундуз каби чаровон эди.

Эмасдур ишқ сўзи овозу ҳарфга ҳеч муҳтож,  
Хурўнта солғучи най, дафлар этган афвон эди.

Бу телбалар йиринида на ўтса баҳсу жавоб,  
У мадраса ҳақида қилу қолу<sup>2</sup> дoston эди.

Кўнгил қувончада эди соқийнинг карашмасидан,  
Бу бахт қайтмоғи бир оз қўнгилга армон эди.

Аниқладим: у икки маест жоду кўзларни —  
Сеҳрчи сомирийнинг<sup>3</sup> минги банда фармон<sup>4</sup> эди.

Дедимки: «Менга лабингдан ҳавола қил бўса».  
Кулиб дедики: «Қачон бизда бунча бўлвон эди?»

Аниқки, бахту саодат менга юз очди кеча —  
Ой ила ёр юзи бир-бир билан гилахон эди.

Ул ой лаби эди Ҳофизни дардига дармон.  
Карам чоғида бироқ дўстига камэхсон эди.

<sup>1</sup> *Хуруш* (хурўш) — боғу садо, фарёд, ҳайқирӣқ, гавво.

<sup>2</sup> *Қилу қол* — баҳс, мунозара, тортишув.

<sup>3</sup> *Сомирни* — Мусо пайғамбарнинг холаваччаси. Олтинку кумунидан бузоқ ясаб, уни «тил»га киритади ва: «Сизнинг ва Мусонинг Худоси мана шу!» — деб бани Исроилни алдайди.

<sup>4</sup> *Банда фармон* — фармонингга муътазир.



\* \* \*

Мен номоз ичра шу қайрилма қошинг этдим ёд,  
Бўлди бир ҳолате — меҳроб<sup>1</sup> ҳам этди фарёд.

Энди, дил, шодлигу сабрни мендан кутма,  
Сабру оромки. кўрган эдинг — ўлди барбод.

Бода — хўб, тоза чаман, қушлари бўлмишлар маст,  
Ишқ эли даври келиб, бўлди ҳама иш бунёд.

Яхшилик ислари келмоқда жаҳонда менга ҳам:  
Гул қувонтирди мени, боди сабо айлади шод.

Эй севинчлар келини, қилма замондан ҳасрат,  
Пардалар тут, безат уйники, келибдур домод<sup>2</sup>.

Дилни банд этган ўсимлик бори зийнатланмиш,  
Ёримиз ҳусни эрур аслида ҳам шунча зиёд.

Ўзининг юклари остида қолиб барча дарахт,  
Хайрият, вам юкидан сарв бўлибдир озо<sup>3</sup>.

Ўқи, эй чолгучи, Ҳофиз ғазалин яхшисини,  
Токи аввалги қувончли човими айлай ёд.

---

<sup>1</sup> *Меҳроб* — масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой;  
мажозан: гўзалларнинг қайрилма қоши.

<sup>2</sup> *Домод* — куёв, қайлиқ.

<sup>3</sup> Бу ерда сарвнинг менаси бўлмагани учун қадди тиклигига ишора қилинмоқда. Мажозан: машуқанинг беғам, бепарволиги кўзда тутилмоқда.

\* \* \*

Қўл тортмагум тилакдан лутф этмагунча дилбар,  
Ё жон кетар танимдан, ё васл бўлур муяссар!

Ўлгач, очиб мазорим, боққил ўлик танимга,  
Бағрим ёниб, кафандан кўкка чиқар тутунлар.

Кўрсат юзингни, жонон. танг қолсин аҳли олам,  
Оч лабни — эр-аёллар қилсин фиғон баробар.

Жон лабга келди, кўнгул ҳасратдадир лабингдан,  
Мақсадга восил ўлмай жон чиқмоғи муқаррар.

Оғзингни! шавқи бирла қийналди хаста жоним,  
Йўқсиллар ул оғизда ҳеч ёд этилмагайлар.

Ёд айласа ошиқлар яхши сифатларини,  
Ҳар ерда, ҳар йиғинда Ҳофизни поми янграр!

---

<sup>1</sup> *Оғиз* — сўфийлар исталоҳида илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора қилади. Шунга мувофиқ, оғизнинг ағшишонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги — илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан пайшона.

\* \* \*

Умрим юзингни нури билан доимо баҳор,  
Кел, кел, юзингсиз ўлди хазон ушбу лолазор.

Бир зарра ташвин этмас ўлимда у кимсаким,  
Топган эса лабинг майидан умрига мадор.

Лойиқ агар кўаимдан оқар сел бўлиб ёшим,  
Жоним яшин каби вamu дардингда беқарор.

Беумр мен тирикман — ажабланма бунга ҳеч,  
Ким айрилиқни умр дебон берди эътибор?

Пойлайди ҳар тарафда фалокат қўшинлари,  
Ўтмакда умр, қолмади илгингда<sup>1</sup> ихтиёр.

Дийдор агар бир-икки нафас бўлса муддати,  
Бир йўлни топки, умри азиз ўтмагай бекор.

Майхўрлик ила тонг чори уйқу қачонгача?  
Уйғонки, умр ўтиб борадир олмайин қарор.

Суръат билан ўтар эди, боқмасди қайрилиб,  
Умр ўтди-ю, дил ўлмади бир зарра баҳрадор.

Ҳофиз, гапир, бу оламаро сўз дурини соч —  
Дунёда қолгуси қаламингдан шу ёдгор.

---

<sup>1</sup> Илик — қўл.

\* \* \*

Эй сабо, ёр ҳидидан руҳи равонимни<sup>1</sup> кетур,  
Хастаман қайғу билан — роҳати жонимни кетур.

Тилак олтинларига тўлдир бу йўқсил дилни,  
Яъни дўст даргоҳидан яхши нишонимни кетур.

Мунтазир кўз унга, кўнглимда уруш этди давом,  
Қош ила ғамзасидан ўқу камонимни кетур.

Кимсасизлик ғами ҳам ҳажр билан кексайдим,  
Тез менга бода тўла жоми жавонимни<sup>2</sup> кетур.

Инкор этгучига сун бир-икки жом бу майдан,  
Истамас бўлса, менга руҳи равонимни кетур.

Соқиб, эртага қўйма бу кун айнини<sup>3</sup> зинҳор,  
Ёки тақдир қўлидан хатти амонимни<sup>4</sup> кетур.

Қолмади дилда қарор илгаридан, Ҳофиз дер:  
Эй сабо, ёр ҳидидан руҳи равонимни кетур!

---

<sup>1</sup> *Руҳи равон* — жон, ҳаёт, тириклик.

<sup>2</sup> *Жавон* — ёш, янги, зўр.

<sup>3</sup> *Айш* — Ҳақ билан яқинлик лаззатига ишора.

<sup>4</sup> *Хатти амон* — озодлиқ хати.

\* \* \*

Тургил, олтин косани май қуйиб, обод айла,  
Тўлажак бош косаси тупроқ ила — ёд айла.

Охири манзил экан бизга шу жимлик водий,  
Еру осмонга солиб қулғула — фарёд айла!

Шу бошинг ҳурмати, эй сарв, гар ўлсам тупроқ,  
Нозни қўй, соя солиб, тупроғими шод айла!

Дилга етган сенинг ул зулфинг илонидан алам,  
Қил лабинг унга шифо, дардидан озод айла!

Кўз ёшим бирла ювиндим, бунга дер дарвешлар:  
Тозалан аввал ўзинг, покни кейин ёд айла!

Ё Раб, ул зоҳиди инжиққи, кўрур айбни фақат,  
Фаҳму идрок йўлига уни иршод<sup>2</sup> айла.

Фикри ифлоснинг кўзи тўшмас ул жонон юзига,  
У гўзал юзни дилинг пок тутиб ёд айла.

---

<sup>1</sup> Тасаввуф истилоҳида дарвеш иловчи, истовчи маъносини билдириб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасроф, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тим-соли булиб келади.

<sup>2</sup> *Иршод* — ҳидоят қилиш, ҳақ йўлни кўрсатиш, раҳнамолик қилиш.

Гулдек ул гул исидан тунни қабо<sup>1</sup> қил, Ҳофиз,  
Тунни повидози ул қомати шамшод<sup>2</sup> айла.



---

<sup>1</sup> *Қабо* -- эркакларнинг узун ва кенг уст кийими (жубба остидан кийилади).

<sup>2</sup> *Шамшод* -- кичик ва хушбўй гулли ҳамиша қўм-қўк яшнаб турайдиган хушқомат ва чиройли дарахт. Маъшуканинг келишган қоматини унга нисбат берадилар.

\* \* \*

Бу жаҳон гулшанидан ул юзи гул раъно бас,  
Бу чаманда у қади сарви равон танҳо бас.

Тилагим аҳли риё<sup>1</sup> суҳбатидан бўлмоқ узоқ  
Ҳам ёқимсиз кишидан менга қадаҳ сахбо<sup>2</sup> бас.

Қилмишингга яраша бергусидир жаннатни,  
Биз гадо — риндга муғ дайридаги<sup>3</sup> маъво бас.

Бир арифнинг лабида ўлтир-у, кўр умр ўтишин,  
Дунё қандай ўтишига шу қадар имо бас.

Боқ жаҳон ҳолига ҳам кўргил унинг озорин,  
Сенга кам бўлса, менга фойда-зиён савдо бас.

Ёр мен бирля эрур — бошқа на бўлсин тилагим,  
Давлати баъми агар бўлса кўнгулоро бас.

Қувма, Тангри ҳақи, жаннат сари даргоҳингдан,  
Остонанг менга борлиқдан эрур аъло бас.

Менга ёлғиз сени васлинг-у, йўқ ўзга ҳавасим,  
Айладим икки жаҳон моли билан савдо бас.

Ҳофиз, ўз тақдирдан ранжимак инсофсизлик,  
Мен учун таъби равон-у, вазали зебо бас!

---

<sup>1</sup> *Аҳли риё* — риёкорлар, иккиюзламачилар, мунофиқлар, қаллоблар.

<sup>2</sup> *Сахбо* — узумдан тайёрланган қизғиш май; мажозан; май қадаҳи.

<sup>3</sup> *Муғ дайри* — оташнаётлар ибодатхонаси; мажозан; майхона.

\*\*\*

Тол ости, сув лабида шеър ила олдингда ёр ўлсин!  
Ҳам улфат дилбари ширин-у, ёри гулгузор ўлсин!

Аё, эй бахт ила давлат, шу давлат қадрига етгил,  
Муборак бўлсин айнинг, ҳам бу дамлар пойдор  
ўлсин!

Келип табъимга нозик фикр дурру гавҳарин  
тақдим,  
Замона боқса — бўйнимда илондек зулфи ёр ўлсин!

Фанимат англа суҳбат тулларин, бўл доимо дилхун,  
Очилмиш лола, ойдин тунда ишрат барқарор ўлсин!

Нечук майдур у соқий кўзларининг косаси ичра —  
Ки, оқилларча маст этсин, ширин унда хумор!<sup>1</sup>  
ўлсин!

У одамларки, бир дилбарнинг ишқин дилда  
сақлабдир,  
Дегил: иериқ тутатсин, кўзлагучи шармсор ўлсин!

Ўтибдир умр, эй Ҳофиз, кел, этгил, азми майхона,  
Иш ўргат мастларга — яхши ишларда барор ўлсин!

---

<sup>1</sup> *Хумор* — пири комил ва муришиди восилга ишора.



\* \* \*

Ўз бахтимизни биз синадик бу шаҳар аро,  
Тортиб олиш керак — у ётар хавфли жар аро.

Бармоқни тиллаб оҳ чекарман, шунинг учун  
Ўтлар ёқилди гул каби жону жигар аро.

Хуш келди менга тундаги булбулнинг хониши,  
Ўз шохларини чирмади гул барглар аро.

Шод ўлгил, э кўнгилки, у нозу итобли ёр  
Ўз бахтидан итобда қолур бу шаҳар аро.

Дувёда ҳеч машаққат, азоб тортмайин десанг,  
Аҳдингда тур, сўзингни ботирма заҳар аро.

Бетинч қилувчи ҳодиса чекса фалакка боп,  
Тақдирин онгли кимсалар отмас зарар аро.

Ҳофиз, агарда васл абадий бўлса барқарор,  
Қолмасди Жамшид тахтидан ажраб, хатар аро.



\* \* \*

Ажаб Шерозким, йўқдир мисоли.  
Худоё, бўлмасин ҳаргиз<sup>1</sup> заволи!

Бу Рукнобод суви таҳсинга лойиқ,  
Берур Хизр<sup>2</sup> умрини салқин зулоли<sup>3</sup>.

Мусалло, Жаъфаробод орасида  
Эсар мушк ила анбардек шамоли.

Келиб Шерозга, ол файзу шарафлар,  
Жуда кўпдир азиз соҳибкамоли<sup>4</sup>.

Кишида Миер қандин<sup>5</sup> ёд атарга  
Ширишлар<sup>6</sup> олдида қолмас мажоли.

Сабо, ул шўх гўзал, мастлар ҳақида  
Не билгайсан, нечук онларни ҳоли?

Мени бу уйқудан уйғотмангиз ҳеч,  
Дилимни шод атар ширин ҳаёли.

---

<sup>1</sup> *Ҳаргиз* — ҳеч қачон, асло.

<sup>2</sup> *Хизр* — оби ҳиёт чашмасидан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар.

<sup>3</sup> *Зулол* — тиниқ, тоза, ширин сув; мажозан: шароб.

<sup>4</sup> *Соҳибкамол* — илму дониш ва фазлу адабда олий даражага етишган киши.

<sup>5</sup> *Миер қанди* — қанднинг олий навъи бўлган Миер лаботи.

<sup>6</sup> Бу ерда гўзаллар кўзда тутилмоқда.

Агар ул шўх бола қонимни тўкса,  
Онасининг сутидек қил ҳалоли.

Агар ҳажридан этсанг хавф, Ҳофиз,  
Нечун шукр этмадинг вақти висоли?



\* \* \*

Мисоли тонгсан-у<sup>1</sup>, мен шамъдек бўлибман адо,  
Кулиб қарар, нечук этгум бу жонни сенга фидо.

Шу зулфинг ўлди сабаб — тушди дилга ҳар  
неки доғ,  
Гўримдан унгуси ўлсам бинафша бирла ҳино.

Умид остонида кўз эшигин очган эдим,  
Бир айладинг назар — олдинг кўзим қаросида жо.

Нечук шукр қилай, эй ғам сели, кечирсин Ҳақ —  
Ки, мевдан ўлмас эдинг кимсасиз човимда жудо.

Кўзим қарочирига қулман — унга дил дардин  
Дегач ҳаминша у минг томчисини қилди даво.

Нигорим айлади жилва<sup>2</sup> ҳама назарга вале  
Қарашмасини кўролмайдим кимса менча расо.

Шамолдек ўтса ёрим қабрим устидан Ҳофиз,  
Қафанини шавқ ила албатта йиртаман гўраро.

---

<sup>1</sup> *Тонг* — ваҳдат ёки ваҳдат нурига ишора.

<sup>2</sup> *Жилва* — солиқи ориф дилида норлаб, уни волаю шайдо ай-  
лайдиган илоҳий нур.

\* \* \*

Кел, энди гул сочиб ҳар ён, қадаҳ қўлда  
Ўтургаймиз,  
Бузиб чарх эски томин, янги бир тарҳ ила  
қургаймиз!

Агарда тортса нам лашкар тўқишга ишқ эли қонин,  
Мен-у соқий бўлиб бирга, бу ташвишни  
битиргаймиз.

Эрур қўлда гўзал чолғу — ёқимли куйла, созанда,  
Ўқуб шеър-у, оёқ рақсини авжига кетургаймиз.

Сабо, элт жисмимиз гардин у юксак остон сори —  
Ки, шояд хўблар шоҳи юзин бир бора кўргаймиз.

Бири ақлидан ургай лоф, бири доим тўқир ёлгон,  
Кел, арзу додимизни энди ҳокимга<sup>1</sup> гапургаймиз.

Агар жаннат тиларсан, биз билан майхонага юргил,  
Сени хумнинг<sup>2</sup> тагидан ҳавзи Кавсарга етургаймиз!

---

<sup>1</sup> Бу ерда адлу дод соҳиби, яъни Худо қўзда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Хум — завоқ аҳли наздида сулуқнинг ибтидоси. Бунда солиқ хумга эндигина солинган майдек қайнаб-тошади.

Қадаҳни тўлдириб лим-лим қизил гул сингари  
майдан,  
Сочиб атр, уд<sup>1</sup> тутатгаймиз, улуғ бир базм  
қургаймиз.

Кел, эй жонон, юзинг нури билан мажлисни  
порлатгил,  
Қошингда шеър ўқуб бу дам, оёвингга бош  
ургаймиз!

Билимдонлик ва хушхонлик эмас Шерозда  
ҳеч манзур,  
Кел, эй Ҳофизки, биз юзни бўлак юртга  
ўгургаймиз.



---

<sup>1</sup> Уд — бу ерда: ўтга ташлаганда хушбўй ҳид таратадиган ёвоч-  
нинг бир тури.

\* \* \*

Ғариблик тунда ҳамдам оху фарёдим,  
Ғариблик наму ҳасратларидир ижодим.

Диёру ёр хаёлида зор йиғларман,  
Сафар отин йўқотин бўлди фикр ила ёдим.

Рақиб юртидан эрмас, у ёр элидан мен,  
Рафиқаларимга<sup>1</sup> етур — меҳрибон қил имдодим<sup>2</sup>.

Худо учун менга, йўлбошчим, айла энди кўмак —  
Ки, майкада аро шуҳрат-ла айласин ёдим.

Агарчи кексаман, аммо ҳавас бунга боқмас,  
Яна у ён нари ишқига бўлди иршодим.

Мени сабо шамолидан бўлак киши танимас —  
Ҳаводан ўзга на улфат, на дўсту ҳамрозим<sup>3</sup>.

Ҳаёт суви кабидур ёр манзилин шавқи,  
Сабо, кетур менга Шероз исин — қил имдодим.

Кўзим ёши тўкилиб юзга, сиррим айлади фош,  
Ҳамиша мен ила ғаммоз<sup>4</sup> хонабарбодим.

Дер эрди чанг чолиб Зуҳра юлдузи тонгда:  
Гўзал товунли, ширин сўзли Ҳофиз устодим.

<sup>1</sup> Бу ерда рафиқлар — дўстлар кўнра тугилмоқда.

<sup>2</sup> *Имдод* — мадал, ёрдам, кўмак.

<sup>3</sup> *Ҳамроз* — яқин дўст, сирдош, улфат.

<sup>4</sup> *Ғаммоз* — бу ерда: чакимчи, фош этувчи.

\* \* \*

Менга еткурди қисқақўллик озор.  
Баланд остоналиклар тутдилар хор.

Магар тутгай қўлим бир зулфи занжир,  
Бош ургум йўқса пайдоликка ночор.

Фалакнинг ҳолини сўр кўзларимдан,  
Кечар юлдуз санаб тунларда бедор.

Ўларман жом лабини шу учунким,  
Тириклик сирридан қилди хабардор.

Қўлим кучсизлигидан инод эрурман:  
Етишмас бир кишига мендан озор.

Дуо қилсам агар май соғқучини,  
Не бўлгай, марҳаматга шукр даркор.

Мени ердан қўтармайсан, агарчи —  
Ёш ўрнида қилурсам гавҳар исор<sup>1</sup>.

Бу даштда қўйма йиртқич деб менга айб,  
Олур татлимларим охуйи тотор<sup>2</sup>.

Бошим Ҳофиз каби мастдир ва лекин  
У бошлиқ<sup>3</sup> лутфидандирман умидвор.

<sup>1</sup> *Исор* — сочиш, бағишланиш, инъом.

<sup>2</sup> *Тотор* — мўғул, татар.

<sup>3</sup> Аслиятда: нари, яъни маҳбуба.



\* \* \*

Мен эмасдурман у ринд — тарки маю дилдор этай,  
Муҳтасиб билгай, бу ишдан мумкин эрмас ор этай.

Лола<sup>1</sup> жом ушлаб, бўтақўз<sup>2</sup> маст, биза фосиқ<sup>3</sup> — от,  
Дардиарим кўп — қайси ҳокимга<sup>4</sup> уни изҳор этай?

Майкада — дарё-ю, севги — гавҳар-у, изловчи —  
мен,  
Бунда бош эгдим, шу холда қайгача исро<sup>5</sup> этай?

Гарчи тупроққа қорилдим, ҳимматим қўймас мени:  
Кўз булоғидан тўкиб сув, қанча оҳу зор этай?

Ҳайъатим мисли гадо — у қўлда султон хаазнаси,  
Чарх эҳсонидан ўзни қандай уммидвор этай?

Бу фалакининг аҳд ила паймонида йўқ эътибор,  
Аҳдни жом ила тузиб, май шаргини тақрор этай.

Торт жиловни, тур бир оз, қўзватма, жоно,  
жилвалар,  
То йўлингга кўзни дурру гавҳарин исор этай.

<sup>1</sup> Лола — мушоҳада қилинадиган маърифатнинг натижаси.

<sup>2</sup> Бўта қўз — шарис. Наргис — амал орқали қўлга киритилган илмнинг натижасидан шоду хурсандлик.

<sup>3</sup> Фосиқ — фисқ ишлар қилувчи, бадкирдор, бадахлоқ.

<sup>4</sup> Бу ерда арзу додга стувчи маъносиди.

<sup>5</sup> Исро<sup>5</sup> — каттиқ киришиш, собитқадамлик, сўзидан қайтмаслик.

Мен учун ҳеч лойиқ эрмас эрди риндлик шеваси<sup>1</sup>,  
Тушгач ушбу ҳолга, нечун, ўзгалардан ор этай?

Тавба қилгонларни доим айблаб юрган эсам,  
Гул чоғи, девонаманми, бодадан инкор этай?!

Кўз ёши ёқуту<sup>2</sup> лаълидан хазинамдир тўла,  
Бас, қуёш файзу зарини не учун даркор<sup>3</sup> этай?

Қошларинг меҳробини бахтимдан айларман талаб,  
Унда Мажнун янглиғ ишқинг дарсини такрор этай.

Ушбу лаблар ишва айлар эрди Ҳофизга мудом,  
Не учун афсонага бовар<sup>4</sup> қилай, иқрор этай?



<sup>1</sup> *Шева* — одаг, равин; ҳунар, камол; тартиб-қоида.

<sup>2</sup> *Ёқут* — қизил, сариқ, кўк, яшил ва оқ тусли қимматбаҳо тош.  
Маънуканин ол лаби, ошиқнинг қонли кўз ёши, қизил май-  
га висбат берадилар.

<sup>3</sup> *Даркор* — керак, лозим, зарур.

<sup>4</sup> *Бовар* — ишонч, ишонич.

\* \* \*

Тонг отди, соқий, жомни лиқ-лиқ шароб қил,  
Чарх<sup>1</sup> айланишига ҳеч бир инсонч йўқ —  
  шитоб қил.

Фоний жаҳон хароб ўладур, ундан илгари  
Гулранг бодалар билa бизни хароб қил!

Хуршиди<sup>2</sup> май чиқарди бошин пиша шарқидан,  
Қувноқ бўлипини истар эсанг, тарки хоб<sup>3</sup> қил.

Ул кунки, лойимизни фалак кўза айлағай,  
Албатта, бошимиз косасин лиқ шароб қил.

Биз лофу тавба парҳез этувчи киши эмас,  
Тоza шаробу жом ила бизга хитоб қил.

Оч кўзни, яхши боқ: кўширибдир қадаҳ юзи,  
Дунё асосини шу кўпикдек<sup>4</sup> ҳисоб қил.

Гул мавсуми-ю, умр ўтишга шошилдилар,  
Гулранг майингни сунғали, соқий, шитоб қил!

Ҳофиз, эшитки, майга топинмоқ эрур савоб,  
Тур, вақтни қочирма-ю, тезда савоб қил.

<sup>1</sup> *Чарх* — осмон, фалак; давр, замон; тола, тақдир.

<sup>2</sup> *Хуршид* — қуёш, офтоб.

<sup>3</sup> *Хоб* — уйқу.

<sup>4</sup> *Кўпик* (*хубоб*) — ҳаракат, моҳиятнинг намоён бўлиши.

\* \* \*

Ўтдим<sup>1</sup> табиба вама ларни чандон,  
Мискин<sup>2</sup> гарибга қилмайди дармон.

Ҳар дам тиконнинг қўлида бўлди  
Булбулга боқмай гул юзли жовон.

Биз дардимизни<sup>3</sup> дилбарга<sup>4</sup> айтдик,  
Йўқдир табибдан ёширишга имкон.

Дўстлар юзини кўрсин яна дўст,  
Ё Раб, омон тут, қил лутфу эҳсон!

Ниқ сандигининг қулфи бузилмиш,  
Еткузмасини қўл ағёри<sup>5</sup> нодон.

Эй ёр, васлинг неъматларидан  
Бизга насиба афсусу армон.

Бўлмасди Ҳофиз дунёга шайдо,  
Доно сўзини олганда ҳар он.

<sup>1</sup> Бу ерда «айтдим» маъносига.

<sup>2</sup> *Мискин* — бечора, фақир, нотавон.

<sup>3</sup> *Дард* — Ҳақ ва замондан юзланмаган балою гуноҳлар.

<sup>4</sup> *Дилбар* — дилнинг дарду азобларига даво қилувчи. Илоҳий тажалли чоғида дилни нуроний қилувчига ҳам дилбар дейилади.

<sup>5</sup> *Ағёр* — бетоналар, бошқалар, рақиблар, душманлар.

\* \* \*

Яна риндлар сари бир айла назар яхшигина,  
Япа майхона томон айла гузар<sup>1</sup> яхшигина.

Мени ҳаққимда лабинг шўл қадар этган эҳсон,  
Жуда ҳам яхши бир оз ошса агар яхшигина.

Эй жаҳоннинг чигалли ечгучи допо одам,  
Фикр бер, айла бу ишларни басар<sup>2</sup> яхшигина.

Деди носихки<sup>3</sup>: «Недир ишқда ғамдан ўзга?»  
Дедим: «Эй муллаи ғофил, шу ҳунар яхшигина!»

Ғар десам сенга қадаҳ ол-у, пиёла лабин ўл,  
Мендан ўзга бера олмас бу хабар яхшигина.

Териб олгил, берадур меваки, Ҳофиз қалами,  
Йўқ бу боғ мевасида булдан ўтар яхшигина.

---

<sup>1</sup> *Гузар* — ўтиш.

<sup>2</sup> *Басар* — кўза, кўриш. Бу ерда яхшироқ назар солиши маъноси кўзда тутилмоқда.

<sup>3</sup> *Носих* — насихат қилувчи, насихатгўй.

\* \* \*

Қоронғумизни эшикдан кириб мунаввар қил.  
Шу мажлис аҳли димоғини ҳам муаттар қил.

Дилу жон этдим у жононни қош-қўзига фидо,  
Кел, эй нигор, тамошойи току манзар қил.

Шу ҳусн ила шу гўзалликки, сенда бор, келгил,  
Фақирлар<sup>1</sup> айшига жон киргизиб, тавонгар<sup>2</sup> қил!

Биҳишт хозинига<sup>3</sup> айт, бу базм тупровини  
Биҳишт ичра олиб бор-у, уди-анбар қил.

Висол нақдин умид айламоққа йўқдир ҳадимиз,  
Лабинга изи бериб, комимизни шақкар қил.

Чаман гўзаллари ҳуснингга бўлдилар мафтун,  
Суманга ноз-у, қадинг бандаси санобар қил.

Бу ҳажр оқвоми юлдузлари ёруғ бермас,  
Чиқ энди том уза — ой шамъини мунаввар қил!

Ҳикоят айлар ўзига бино қўйиб соқий.  
Ишингни бузма, хаёлинг шаробу соғар қил.

---

<sup>1</sup> *Фақир* — фақр мақомига (тариқатнинг тўртинчи мақоми) мансуб киши. У Оллоҳдан бошқага муҳтож бўлмай, таваккул эътиқоди билан яшайди.

<sup>2</sup> *Тавонгар* — кучли, қудратли; бой, бадавлат.

<sup>3</sup> *Хозин* — хазиначи.

Ўпиб пиёла лабин, мастларга сун ўша дам,  
Ақл димовини шу лутф ила муаттар қил!

Насихат этса, май ичманг, дер эрса донишманд,  
Пиёла сунгил-у, этгил<sup>1</sup>: томовингни тар<sup>2</sup> қил!

Юзингни шуъласидур сезги кўзига парда,  
Қуёшни чодирига бас келиб, мунаввар қил!

Нигор ишрату ишқин бажо кетир, сўнгра  
Ўзингга Ҳофизи Шероз шеърин аз бар<sup>3</sup> қил!



---

<sup>1</sup> *Этгил* — бу ерда: айтгил.

<sup>2</sup> *Тар* — ҳўл, нам.

<sup>3</sup> *Аз бар* — ед, сллаш.



Бу жандапўшлар<sup>1</sup> ила бўлма ҳамдам,  
Ўғирма риндлардан юзни ҳар дам.

Эрур бу жанда тўн воятда ифлос,  
Эрур пок майфурун кўнгли, дили ҳам.

Қилурсан мастлик, ёшрин ўғурма —  
Ичирдинг бода, ютдирма захар ҳам.

Чидолмайсан — танаиғ воятда нозик,  
Ҳазар қил — малла тўнлар мушти бардам.

Эрур бедард бу сўфийнамолар,  
Май ичганлар бўлишсин поду хуррам!

Лаби майгун-у<sup>2</sup>, мастона — кўзинг оч,  
Сенинг шавқингда май қайнар дамодам.

Келиб бу ҳийлагарлар ёлвонин кўр:  
Қадахнинг барри қон, чолғуда мотам.

Ҳайиқ Ҳофиздаги ўгли юракдан,  
Қозондек кўкес қайнар, кўнглида нам.

<sup>1</sup> Бу ерда сўфийлар назарда тутилмоқда. *Жанда* — сўфий-дарвешлар кийими, хирқа.

<sup>2</sup> *Майгун* — майга ўхшаш, яшил дарах.



\* \* \*

Хўблар шаҳи, бир боқ — бу гадойингни ризо қил,  
Куйган бош-оёқсизга қарам айла, вафо қил.

Бир боқмоғинг орауси бу йўқсил дилидадир,  
Боқ намзадага: маст кўзинг оч — рамзу имо қил.

Баҳслашса гўзалликда жамолинг-ла тўлин ой,  
Кўрсат юзунг-у, халққа танит, юзи қаро қил.

Эй сарви равон, бир нафасе боғу чамандан  
Базм ичра келиб деки: тўнинг йирт-у, қабо қил!

Парвонаву<sup>1</sup> шамъу гулу булбул йиғилибдур,  
Ёлғузлама, жоно, келиб айшимни расо қил!

Дил бергучига токай ўлур жабру жафолар,  
Бир айла вафо Тангри учун, тарки жафо<sup>2</sup> қил!

Тангри ҳақи, душманларинг иғвосин эшитма,  
Ҳофиз каби ўз йўқселингга лутфу ато қил!

<sup>1</sup> *Парвона* — маҳбуб йўлида ишқу вафою фидойилик юзасидан ўзини ишқнинг ёниқ шуъласида куйдириб, ҳалок бўладиган машҳур ҳашарот. У ошиқ ва фано рамзи ҳисобланади. Шамъ ва парвона тасаввуф шеъриятидаги машҳур тимсоллардан. Бунда шамъ — илоҳий ишқ, парвона — ошиқ тимсоли бўлиб келади.

<sup>2</sup> *Жафо* — солиқ дилининг маориф ва мушоҳададан тўсилиши. Маҳбубанинг бевафолигини ҳам жафо дейдилар.

\* \* \*

Дилим зулфинг учиди тутди маскан,  
Қўйи солма, синур, дилбарлик эт фан.

Агар зулфинг каби тортса кўнгул бош,  
Қўлингга ол, оёққа солма бошдан.

Агар тунда келур бўлсанг чаровдек,  
Кўзим бўлгай жамолинг бирла равшан.

Гулистон энди менга завқ<sup>1</sup> бермас,  
Юзингни кўрсам — олам менга гулпан<sup>2</sup>.

Қадинг сарвини васфига тутинсам,  
Таним бори<sup>3</sup> тил ўлгай мисли савсан<sup>4</sup>.

Қачон кўнгай шакар солган идипга,  
Чибин андиша қилса елпиғичдан.

Қилолмас ишқбозлик<sup>5</sup> можаросин  
Жаҳонда кимса Ҳофиздек муайян.

<sup>1</sup> *Завқ* — ишқ чақмони чақнаган лаҳзада солиқнинг Ҳақни мушоҳада қилишдаги илк ҳолати ва даражаси.

<sup>2</sup> *Гулшан* — Ҳақ ишқига тўлиб-тошган солиқнинг руҳияти.

<sup>3</sup> *Бори* — бари, ҳаммаси, барчаси.

<sup>4</sup> *Савсан* — гудгафсар.

<sup>5</sup> *Ишқбозлик* — бирор нарса ёки кишига қаттиқ берилганлик, ошиқлик.

\* \* \*

Эй кўзларимни нури, эпитгил сўзим бу дам,  
Ичгил тўлиқ пиёлани, бер сўнгра менга ҳам.

Айтдимки, тажриба била сўзлайди кексалар,  
Тингла насихат, ўғлим-у, бўл пири муҳтарам.

Эслик киши оёғига ишқ урмади кишан,  
Ошиқ бўлишни истасанг, ақлингни айла кам.

Бермайди мастлик кайфини тасбеҳу малла тўн,  
Бу ишда май сотувчига бўйингни айла ҳам.

Жон бирла молни дўст қилур дўстга фидо,  
Сўз тинглагучи ёрга юз жонни берса кам.

Севги йўлида девларнинг иввоси қўн эрур,  
Ақлингга кел, хато сарига қўймагил қадам.

Сарғайди баргу қолмади шодликни чолгуси,  
Тонг, айла нола, доира, ғавғони айла зам<sup>1</sup>.

Бўлсин ҳаминша тоза майинг жом ила тўла,  
Соқий, шароб қолдирини<sup>2</sup> бизга қил карам.

Зарбоф тўн ичра мастлик ила тушса гар йўлинг,  
Назр айла бўса Ҳофизини эски чопонга<sup>3</sup> ҳам.

<sup>1</sup> З а м — қўшиш, жамлаш.

<sup>2</sup> Шароб қолдирини — дурд, куйқа. Дурд — қаноят ва номуродлик. Маҳбубнинг ошиқни бегоҳат қилувчи ёдини ҳам билдиреди.

<sup>3</sup> Аслиятда: пашминапўш.



Хирқамни гаров қўйгум — бир коса шароб авло!<sup>1</sup>  
Бемаъни насиҳатдан менга майи ноб авло!

Ҳар қанчаки кўз тутдим — беҳудага умр ўтди,  
Бас, менга фақирлик-ла бир кунжи<sup>2</sup> хароб авло!

Зоҳидни юрак сиррин халққа демагайман ҳеч,  
Бу қиссани айтмоққа чанг ила рубоб авло!

Шундай фалак аҳволи: бош ҳам сўнгги йўқ,  
Соқийнинг хаёли-ла қўлларда шароб авло!  
бундан —

Бир сен каби дилбардан кўнглимни узолмасман,  
Сендан бош агар тортсам, бўйнимга таноб<sup>3</sup> авло!

Кексайдинг, аё Ҳофиз, тарк эт маю майхона,  
Ёшликда ҳаваскорлик, риндлик, майи ноб авло!

---

<sup>1</sup> А в л о — яхшироқ, афзалроқ, муносиброқ.

<sup>2</sup> К у н ж — чет, бурчак, хилват.

<sup>3</sup> Т а н о б — арқон, ип, сиртмоқ.

\* \* \*

Сен, эй зоҳид, ўз орзуйинг сари бор,  
Менинг ҳам худди шундай мақсадим бор.

Қадаҳ бўли доимо лола қўлида,  
Кел, эй соқий, кетур ҳар нарсаки бор!

Мени торт энди девона сафига,  
Шу мастлик яхшидур бўлгунча ҳушёр!

Ҳазар қил мендан, эт, эй сўфий, парҳез,  
Ки парҳездан қилибман тавба миш бор.

Кел, эй кўнгил, унинг зулфига боғлан.  
Халос бўлмаққа гар бўлсанг ҳаваскор.

Қўйиб тур тавбани гул мавсумида,  
Давом этмас — утар гул фасли ночор.

Чаман атрофидан ел ўтганидек,  
Умрнинг кўклами ўтмоқда, эй ёр.

Кел, эй Ҳофиз, эшит аччиқ насиҳат,  
Нечун вафлатда ўтсин умр бекор.

\* \* \*

Бу юрт тўла ҳарифдир, ҳар бир тарафда дилбар,  
Қўнғайсиз ишққа ҳисса, ишланг бу ҳақда, дўстлар!

Чарх кўзи кўрган эрмас бундан қизиқ ҳарифни,  
Ҳеч овчи қилмагандир бундай бир ов — мусаххар<sup>1</sup>.

Бор ичра барча гулдан ҳусн ила нозанинсан,  
Пок этагинга асло ёпишмасни тиканлар!

Кимнинг кўзи кўрибдур, ким жондан ишлаган тан,  
Гард юқмаган танига бир ёри ҳур найкар<sup>2</sup>.

Мендек дили яримни қувдинг нега ёнингдан?  
Бўлғайми бўса ёхуд қучмоқ менга муяссар?

Тез кел, кўнгил очар май, шодлик нафас ғанимат,  
Келгуси навбаҳордан кимда умиду бовар?!

Бўстонда тенгу тўшлар гул бирла лола янглиғ,  
Ҳар бирлари тутиб жом, ёр исми тилда аз бар.

Гар бу тутунни ечсам, бу сирни фоп қилсам,  
Ишлар чатов-у, дардлар эзмакда тоғ баробар.

Ҳофиз танида ҳар тук ул шўҳ пари қўлида,  
Мушкул туриш бу янглиғ бир юртда, э биродар!

---

<sup>1</sup> *Мусаххар* — асир килинган, бўйсундирилган, аябл этилган.

<sup>2</sup> *Найкар* — жусса, гавда; сурат, шакл, кўриниш. *Ҳур найкар* — пари сурат.

\* \* \*

Бўлди яна гул бирла чаманлар биҳинтосо<sup>1</sup>,  
Гулгун май ила жомни тўлат, соқийи зебо!

Ғам зангини дилдан йўқотар ушбу қизил май,  
Қутлар эди бу сўзни баланд таъбли доно!

Манъ айлағучи май қовоғин тош била урса,  
Сен хишт ила ёр бошини — раҳм айлама асло!

Онғисизлигими — илмингга боқмайди фалак ҳеч,  
Чунки кўзи йўқ: яхши-ёмон унга муаммо.

Хур ила биҳинт нақд бўлибдир менга, зоҳид,  
Нечун қилайин нася ҳикоят сари парво?

Ул хожа<sup>2</sup> камол аҳлидур<sup>3</sup>, айлаб йўлини пок,  
Олтун йўқ эса, хишт-ла йўлин бергумиз оро.

Тарсобачае<sup>4</sup> кечагина дердики: Ҳофиз,  
Афсуски, бутхона аро айлади маъво.

---

<sup>1</sup> *Биҳинтосо* — жаннатга ўхшаш, жаннатсимон.

<sup>2</sup> *Хожа* — бу ерда: раҳнамо, раҳбар.

<sup>3</sup> *Камол аҳли* — орифлар, комил инсонлар.

<sup>4</sup> *Тарсобача* — пасроний динидаги бола. Тасаввуфда гузаллик, ҳусну малоҳат мазҳари. Орифлар раббоний жалиба ва руҳоний жалиба (жалб қилувчи, маҳбуба)ни тарсобача дейдилар.

\* \* \*

Эй бод, нишони ёр эурсан,  
Дилбар соридан чопор эурсан.

Зинҳор қўлингни чўзма, сақлан —  
Зулфин силаб, айбдор эурсан.

Эй гул, юзига не нисбатинг бор?  
У мушку тиканга ёр эурсан.

Райҳон, нимасан, қаро хатин кўр:  
У тоза-ю, сен ғубор эурсан.

Наргис, қанисан, у маст кўзлар  
Кайфин сурар-у, хумор эурсан.

Эй сарв, у баланд қад олдиди сен  
Бор ичра камъатибор эурсан.

Эй ақл, ушинг ишқига берилдинг.  
Бу чоқда беихтиёр эурсан.

Ҳофиз, сенга васл ўлур муяссар  
Гар сабрда барқарор эурсан.



\* \* \*

Умид ила минг уриндимки, ёр бўлсанг деб,  
Бу беқарор дилимга қарор бўлсанг деб.

Кел энди ишқ эли вамхонасига — будир умид,  
Бу вамли кўнглима шояд мадор бўлсанг деб.

Тилайман уйқуси йўқ кўзларим чароғи бўлиб,  
Умидли кўнглима ҳамдам нигор бўлсанг деб.

Менга ярим кечада уйқудан мурод шудир,  
Кўзим ёши каби кўкрактумор бўлсанг деб.

Юрак ақиқ<sup>1</sup> лабинг ишваси билан қондур,  
Шикоят айлар эсам, вамгусор<sup>2</sup> бўлсанг деб.

Малоҳат иқлими шоҳини қулгадур нози,  
Бу ишда сендан умид — сулҳкор бўлсанг деб.

Вазифа айладинг икки лабингдан уч бўса,  
Вазифани қил адо: «Ол, хумор бўлсанг!» — деб.

Гўзаллар ишқ элини қўллаган чаман ичра,  
Умид ила боқаман менга ёр бўлсанг деб.

Шаҳарда Ҳофиз ўлуб, арзимасман арпага ҳам,  
Карамларинг кутаман вамгусор бўлсанг деб.

---

<sup>1</sup> *Ақиқ* — қизил рангли қимматбаҳо тош; мажозан: лаб.

<sup>2</sup> *Вамгусор* — вамхўр, меҳрибон; кўнгил очувчи.

\* \* \*

Бордим саҳарда боғ сари гул териш учун,  
Ногоҳ қулоққа келди — чекар эрди булбул ун.

Бир гулнинг ишқига у бўлиб мен каби асир,  
Ғавво қилар эмиш бу чаман ичра ушбу кун.

Сайр айлар эрдим ул чаману боғ аро фақат.  
Ўйлар эдим у булбулу гул ҳаққида бутун.

Гул ёр этиб тиконни-ю, булбулда йўқ қарор,  
На гулда ўзгарини, на у булбулдадир сукун.

Булбул фиғони қилди дилимга овир асар,  
Қайтдим, чидолмадим жуда ҳолим бўлиб забун.

Гулшанда гуллар очилар — асло ҳисоби йўқ,  
Қўямас тикал балоси бирор гул узини учун.

Ҳофиз, суюнч умидини тутма замонадин,  
Минг айб бор, фазилатидир макр ила фусун<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Фусун — сехр, ҳийла, найранг.

\* \* \*

Ўтпараст дайрида ҳам мен каби йўқ бир мафтун,  
Бўлди ҳар жойда гаров хирқаю дафтар май учун.

Айладим бода сотувчи қўлида минг тавба:  
Ёрсиз томчи май ичмай, демайин базму ўйин!

Бояладим кўз ариғини этагим бирла агар,  
Конки ёнимга ўтирилгуси сарви мавзун<sup>1</sup>.

Балки бу сир ҳақида сарв тили сўзлағуси,  
Йўқса парвонада тил йўқ, ўзи ғоятда забун.

Менга бода кемасин тезда кетур, дилбарсиз —  
Ғамдан оқмоқда кўзим бурчида наҳри Жайхун.

Қилма бегона сўзин ёрга топингучи менга,  
Йўқ ишим ўзга билан — менга пиёла май сун!

Ранжима, нарғис агар кулса кўзинг шевасидан,  
Юрмагай кўр изидан кимки, кўзи бўлса бутун.

Жуда ёқмиш бу сўзим — тонг чоғида бир тарсо<sup>2</sup>  
Майкада олдида най, даф ила куйларди бутун:

«Ғар мусулмонлик эса Ҳофиз тутиб турган иши,  
Оҳ, агар бўлса бу кун орқасидан тонгласи<sup>3</sup> кун!»

<sup>1</sup> *Мавзун* — келишган, чиройли, гўзал.

<sup>2</sup> *Тарсо* — насроний. Сўфийлар наздида нафси амморани маҳв этиб, нафси ҳамидага эришган ориф инсон.

<sup>3</sup> *Тонгласи* — эрталаб, эртага. Бу ерда: қиёмат кuni.

\* \* \*

Эй подшоҳи хўбон<sup>1</sup>, ёлғизлик вамидан дод!  
Қийналди вариб кўнглим, кел, айла варибинг ёд.

Дардинг менга дармондир навмидлик<sup>2</sup> ётоғида,  
Ёдинг менга ҳамдамдир ҳажр айлар эса бедод.

Мунтоқлигу айрилиқ бир ҳолга келтирмишим,  
Сабрим этаги қўлдан кетди-ю, кўнгил барбод.

Бўстон гули ҳар доим яшнаб, очилиб турмас,  
Мўнгувлар дилии овла, давринг экан эт имдод.

Юз боди сабо бунда зулфинг тараб ўйнайдур  
Будир ҳариф, ай кўнгул, маврурлингинг эт барбод.

Доираи тақдирда биз нуқтаи паргормиз,  
Лутф улки — сен ўйлайсан, ҳукм ул — қиласан  
ижод.

Бебошлигу ўжарлик ринд оламида йўқдир,  
Ринд мазҳабида буғлар бир кўфр деб ўлмиш ёд.

---

<sup>1</sup> *Хўбон* — гўзаллар.

<sup>2</sup> *Навмидлик* — умидсизлик, маъюслик.

Кўнгили сирини, дўстлар, кимга очай оламда:  
Ҳар ёнда юрар ёрим — кўрмас юзин одамзод.

Мен тонг елига оқшом қилдим гила зулфидан,  
Айдики: қалатдир бу савдойи каби фарёд.

Соқий, чаман-у гулда сенсиз сира равнақ йўқ,  
Шамшодди хиромон қил, бовни безаб, эт обод!

Бу гардиши зумраддан<sup>1</sup> қондир жигарим —  
май бер,  
Зумрад косадан мушқил ҳал бўлғуси, кўнгул шод.

Ҳижрон тугади, Ҳофиз, васл ислари келмоқда,  
Эй ошиқи шайдойи, бу айш муборакбод!



---

<sup>1</sup> *Зумрад* (Зумуррад) — яшил тусли қимматбаҳо тош.

\* \* \*

Сабо, дегил, у кийик кўзли шўх раънога:  
Равона қилдинг ўзинг бизни тоғу саҳрога.

Шакарфурушки, омон бўлсин, ул нега боқмас  
Мудом шакар егувчи тўтин шакархога?

Ичинда ёр ила май эсла майварастларни,  
Шу хилда ўтди улар ҳам келиб бу дунёга.

Чирой гурури магар руҳсат этмади, э гул,  
Табассум айламадинг булбулингга — шайдога.

Тузоғу донга илинмайди асли зийрак қуш,  
Асиру банд бўлур хулқи яхши зебога.

Дилида меҳри нега йўқ — қараб тополмасман —  
Ки, қанча сарвқад, ой юзли, кўзи шаҳлога.

Жамолнинг айбли эмас, бемисол эрур-ку, фақат  
Вафою меҳр узоқ эрмиш чиройли барнога.

Бу бахту суҳбат у дўстларни шукрин эт, эсла  
Ғарибларингники, овора дашту саҳрога.

Тараннум айласа Ҳофиз сўзини Зухра атар,  
Ажаб эмаски, келур завқи рақс Исога<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Исо — Исо Масих (Иисус Христос) — насроийлик динининг асосчиси. Ўлимга ҳукм қилиниб, хочга миҳлашган Исоши Тапгри кўкка кўтариб кетади.

\* \* \*

Бахт тонгидир — қани ул жоми мисли офтоб?  
Қайда бундан яхши фурсат, менга сун бир жом  
шароб.

Соқий ёру холи уй, машшоқ<sup>1</sup> ҳазилкаш хўб ширин,  
Бу йигитлик даври — майнинг навбати ишратга  
боп.

Машқ этар созанда, ёр қарсақда, мастлар рақеда,  
Қувди мастлар уйқусин ноз бирла соқий бениқоб.

Хос хилват тинчу инсонга томошо жойидур.  
Буки, мен кўрмоқдаман: ўнгимми, ё Раб, ёки хоб?

Покиза майнинг хаёли бирла шўх эсан сабо,  
Ёширур хўб яхши гул баргига гулшанда гулоб.

Қўнғил очмоқлик, гўзаллик, шоду хурсандлик учун  
Яхши бўлмай қўлда олтин жом-у лиммо-лим шароб.

Тингла Ҳофиз сўзларин — бўлди харидор  
тўлган ой,  
Янграгай ҳар бир нафас Зуҳро қулоғида рубоб.

---

<sup>1</sup> *Машшоқ* — созанда.

\* \* \*

Марҳамат қил, дўст саломин келтур, э боди сабо,  
Айлайин завқим билан дўст номига жоним фидо.

Худди булбуддек қафас ичра бу кўнглим тўтиси,  
Дўстни шаккар лаълу бодомига<sup>1</sup> бўлмиш мубтало.

Холи — дола, жингалак сочи — тузоқ, мен —  
қуш каби,  
Донадан айлаб умид, тушдим — илишдим дом аро.

Кимки дўст жомидан ичса мен каби бир журъа<sup>2</sup>май,  
То жаҳон борича бошини кўтармас мутлақо!

Севгига бир пома ёздим ушбу ҳолимдан — етар,  
Бўлғуси бош овриги оргиқча сўздан дилрабо.

Мен висолин изласам, у айрилиқнинг қасдида,  
Хоҳишим тарк айладим — мақсадга етсин  
маҳлиқо!<sup>3</sup>

Ғар муяссар бўлса ёр юрган йўлин тууроғидан,  
Минг шараф менга — қилай икки кўзимга тўтиё.

Ҳофизо, дарду вамида куй — давосин излама,  
Ёр васлидан бўлак бу дардинга йўқдир даво.

<sup>1</sup> *Бодом* — мажозан: маъшуқанинг бодомшакли кўли.

<sup>2</sup> *Журъа* — қултум, қатра, томчи. Солик босиб ўтадиган тариқат мақомлари кўзда тутилади. Шунингдек, солик етолмаган ерлар ва мақомларга ҳам журъа дейилади.

<sup>3</sup> *Маҳлиқо* — ой юзли.



\* \* \*

Ёру дўстлар суҳбати-ю, завқли бўстон яхшидур!  
Яхши гул фасли, май ичмоқ вақти обдон  
яхшидур!

Тонг насимидан кўнгиллар очилур ҳар лаҳзада.  
Тоza дил. тоza нафаслар, чунки ҳар он яхшидур!

Гул очилмасдан туриб кетмоққа қасд этди яна,  
Ийла, булбул, кўнгли мажруҳларга афрон  
яхшидур!

Мужда! бўлсин тунда какку қушга ишқинг йўлида,  
Ёр учун ҳар кимки бўлса тунда нолон<sup>2</sup> яхшидур!

Гарчи шодликнинг жаҳонда исми бор-у,  
жисми йўқ,  
Хуш табиат шўхлик расми-ла жонон яхшидур!

Бояда савсаннинг тилидан бу садони тингладим.  
Дер эди: дунёдан ўтмоқ тезу чаққон яхшидур!

Ҳофизо, тарки жаҳондан сўзламоқ кўнгил очар,  
Уйламайсан: шоҳларга даври даврон яхшидур!

---

<sup>1</sup> Мужда — хушхабар.

<sup>2</sup> Нолон — нола қилувчи, фирон қилувчи.

\* \* \*

Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?  
Ўртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?

Бу замон дину дилимни хонавайрон айлади,  
Билмадим кимнинг эрур у мунису ҳамхонаси?

Лабларининг бодаси ҳаргиз лабимдан кетмасун,  
Кимга сўз бермиш вафодан — май тўла  
паймонаси?<sup>1</sup>

Ул саодат шамъининг базми эрур кимга насиб,  
Сиз, Худо ҳаққи, сўранг, кимдур унинг парвонаси?

Ҳар киши афсун билан тортмоқчи, аммо билмадик,  
Тортадур нозик дилин кимнинг ширин афсонаси?

Ё Раб, ул ой юзли, юлдуз чеҳрали олий нишон,  
Қайси коннинг гавҳари, кимнинг эрур дурдонаси?

Қилди ичмасдан лабининг бодаси дилин хароб,  
Кимга улфат, ким эрур ҳамкоса, ҳампаймонаси?

«Оҳким. Ҳофиз дили девонадур сансиз», — дедим.  
Шўҳ табассум бирла: «Бу кимнинг, — деди, —  
девонаси?»

---

<sup>1</sup> *Паймона* — қадих, май пийлваси.

\* \* \*

Шаҳраро ой юзлигим йўқ — ҳафта бўлди менга  
йил,  
Билмагайсан, айрилиқ мушқилдир-у, ўртанди дил.

Севги лутфи-ла юзига тушди кўзим нуқтаси,  
Кўрди ёр ҳуснида аксин — хол, деди, мушқин  
асил.

Марҳамат бармоғини чўздинг шаҳарларга қараб,  
Балки парвонг йўқ вариблар ҳолига сенда, дегил.

У шакардек лабларидан сут ҳиди келгай ҳануз,  
Ғамза бирлан гарчи киприклар олур жонни дадил.

Битта гавҳар икки тақсим бўлмоғи мумкин экан,  
Чунки лълинг, э гўзал, бу сўз учун яққол далил!

Биз томон бир келмоғингдан хуш хабарлар  
бердилар,  
Ниятингдан қайтма, қутлуғ фол эрур бу —  
яхши бил!

Қай йўсин ҳажринг гамин тоғин кўтаргай нотавон.  
Ноладан-ку бўлди Ҳофизнинг тани бир тола қил.

\* \* \*

Мастман ёдинг билан — менга писанд эрмас  
шароб,  
Хумга айт, кетсин олиб бош, бўлди хумхона<sup>1</sup> хароб.

Гар биҳиштнинг бодаси ҳам бўлса, сиз ерга тўкинг,  
Ҳар ширин шарбатки эрса, ёрсиз бергай азоб.

Минг таассуф<sup>2</sup>, дилбарим келди-ю, кўзим ёшланиб,  
Ёр хату<sup>3</sup> холин кўришга томчилар бўлди ҳижоб<sup>4</sup>.

Уйвон, эй кўз, чунки бепарво ётиш мумкин эмас,  
Уйқу жойидан келур бу сел — дамодам беҳисоб.

Ёр ўгар сенга жамолин ошкоро кўрсатиб,  
Ўзгалар ҳам кўрмасин, деб ҳуснига тутгай ниқоб.

Гул сенинг алвон юзингда кўрди тернинг жилвасин,  
Рашик ўтида қолди, шул дам гулни фарқ этди гулоб.

Ёнди юз-юз шам ҳуснингдан кўнгил базмиаро,  
Бу таажжубким, юзингда бор эди қат-қат ҳижоб.

---

<sup>1</sup> *Хумхона* — қалбда плоҳий тажаллининг зоҳир бўлиши ва ишқ валаботининг тўхташи.

<sup>2</sup> *Таассуф* — афсус, ҳасрат, надомат.

<sup>3</sup> *Хат* — қиларининг лаби устидаги майин туклар. Истилоҳда вайб олами.

<sup>4</sup> *Ҳижоб* — парда, ниқоб.

Дашту сахро яшпади, қўлдан бу фурсат кетмасин,  
Май билан ссроб бўлгил, бу жаҳон буткул сароб.

Энди завқим хонасида йўқ насихатта ўрин,  
Навмага тўлдирди бу уйни наю чангу рубоб.

Севги йўли қанчалар кенгдирки, таъзими учун  
Осмон бўлмиш бу денгиз ичра гўё бир хубоб.

Эй кўнгилнинг нури, дилоро юзингни кўрмагач,  
Рақе этар гўёки ўт устидан дил жизгин кабоб.

Тонг эмасдир<sup>1</sup> бўлса Ҳофиз ошиқу шайдою ринд,  
Негаким, бу вазъият ёшлик чоғида созу боп.



---

<sup>1</sup> *Тонг эмас* — ажаб эмас.

\* \* \*

Юзинг хуснинг-ла туади иттифоқ-у, олди дунёни,  
Жаҳонни олса бўлгай иттифоқлик бирла ҳар они.

Муҳаббат аҳлининг сиррини очмоқ бўлган эрди  
шамъ,  
Худога шукрим, қўйди тили-ю, кетди дармони.

Сенинг рану ҳидингдан сўзламоқни хоҳлаб эрди  
гул,  
Сабо қизганди-ю, дам тортди — гулнинг битди  
имкони.

Ёрур айлаб, бошига эгри қўйди дўпписин лола,  
Қизил май қўксини дов этди — равшандир юрак  
қони.

У кун бир коса май ишқи бутун куйдирди боримни,  
Гўзал соқий юзининг аксидан ўт тушди пинҳони.

Замона ишлари бир нуқтадек жисмим ўраб олди,  
Юрардим айланиб паргор каби — солди бу рафъони.

Ёзибдурлар буни гул япровига лола қонидан,  
Кимики пухтадур, олгай қизил май қўлга ҳар они.

Қўлимга жами Жамшидийда май бер тонгда,  
майнушлар!<sup>1</sup>  
Қуёшдек нур сочар тири билан фатҳ<sup>2</sup> этди дунёни!

Кўз оч, фурсатга боқ — оламаро кўп фитна  
қўзғалгач,  
Май ичди вам билан, саз олди қўлга юртнинг  
эшони.

Менинг қалбимаро ҳар дамда ёнган ёспирин ўтдан  
Қуёш бир шуъладурким, кўкка чиқди —  
бўлди нуроний.

Латофат сувлари, Ҳофизки, назмингдан томиб  
тургай,  
Бўлақлар қай йўсин фаҳми олур бу хилда  
маънони.



---

<sup>1</sup> *Майнушлар* — май ичувчилар.

<sup>2</sup> *Фатҳ* — забт этиш: ғалаба, зафар.

\* \* \*

Қўрқаман — вам пардасин йиртар оқиб Ёшим  
қатор,  
Дилдаги пинҳон сирим оламга бўлгай ошкор.

Бир мақомда сабр этиб, тош лал бўлгай дейдилар,  
Бўлга-ю, аммо жигар қони-ла бўлгай эътибор.

Арау дод этмоқни хоҳларман бу кун майхонада,  
Шояд унда дил бўлур вамдан йиров-у бевубор.

Кеккайиш бордур гўзал ул сарви қаддинг бошида,  
Қисқа бу қўллар қачон у белга<sup>1</sup> етгай, э нигор?

Тўлган ойсан бу кўринган бахту давлат қасрида,  
Бошлар остонасин тупрови бўлгайлар қатор.

Ҳар тарафдан йўлладим сенга дуолар ўқларин.  
Лоақал ундан бири албатта қилгай сенга кор.

Сап-сариқ зардек юзим, меҳрингни кимёси<sup>2</sup>  
билан —  
Ҳимматинг тупроқни олтин айлагай, э бахтиёр.

<sup>1</sup> *Бел* — қомил ишонинг фикру тахайюли. Солиқнинг вужуди хижобига ҳам ишора қилинади.

<sup>2</sup> *Кимё* — ал-кимё: ўтмишда оддий майдонларни олтинга қумушга айлантириш йўлларини излаган илм.



Ёрима оҳиста-оҳиста сўзимни ара қил,  
Эҳтиёт бўл, беҳабар қолсин сабо, э жони зор.

Ногаҳон ғам келса сенга, ўзни тут — бўлма  
тажанг,  
Шукр қилвил, токи баттаровига бўлма дучор.

Сен ишонгил, ғам ема, сабр айла, эй дил, оқибат  
Шомдан тонг, кечадан кундуз келур, қишдан  
баҳор.

Мен ажаб ҳайратдадурман ул рақибнинг кибридан,  
Топмасин, ё Раб, бу хил номард ҳаргиз эътибор.

Ҳурмати албатта кун-кундан ошар халқ олдида,  
Ҳуснидан бошқа фазилат ҳам агар инсонда бор.

Дилда меҳринг, бонда ишқинг сун билан кирган  
эрур,  
Танда жоним борича қолгай танимда барқарор.

Бош чиқаргай қабридан Ҳофиз оёқ ўпмоқ учун,  
Қабрин устига қадам қўйсангиз — унга ифтихор.



\* \* \*

Ширин ҳосил берур — дўстлик дарахтин ўтқаз,  
эй инсон,  
У душманлик ниҳолин юлки, бергай ғам, алам,  
армон.

Бўлиб майхона меҳмони, май ич мастоналар<sup>1</sup>  
бирлан,  
Хумори бўлма ҳаргизким, бошинг оғрийди,  
эй жонон!

Бу суҳбат тунларин билгил ванимат, шоду  
хандон бўл.  
Қоронғулик, ёруғликлар келур, кўр ўзгарур даврон.

Йўлин Мажнунга бурсин — Лайлининг сорбонини  
йўлла,  
Унинг ҳукмидадир, ё Раб, қуёш бирлан маҳи<sup>2</sup>  
тобон<sup>3</sup>.

Ҳаёстингни баҳорин топки, йўқса бу чаман ҳар йил  
Очар юз гунча насриндек<sup>4</sup>, кўрар булбулча минг  
хушхон.

<sup>1</sup> *Мастона* — мастларча, мастлардек; шўх гўзал, дилбар.

<sup>2</sup> *Маҳ* (Моҳ) — ой; мажозан: гўзал, маҳбуба.

<sup>3</sup> *Тобон* — порлоқ, ёрқин, дурахшон.

<sup>4</sup> *Насрин* — оқ тусли хушбўй гул.

Менинг мажруҳ дилим зулфингга боғланмиш,  
Худо ҳаққи,  
Буюр, жонимга ором берсин ул лаъли лабинг  
шул он.

Мадоринг кетмиш, эй дил, вам юки остида  
қолмипсан,  
Бориб бир коса май ич, балки бўлғай дардингга  
дармон.

Қариллик чоғида Ҳофиз тилар бу бонда Тангридан:  
Ариқ бўйида топса сарвақоматлик гўзал жонон!



\* \* \*

Гул жамоли дилга ёқмас бенигор,  
Завқи йўқдир бодасиз бўлса баҳор.

Баҳраси йўқ боғу бўстон сайрини,  
Бўлмаса бир лола юзли гулъузор<sup>1</sup>.

Қилмаса булбул тарапнум боваро,  
Сарву гул рақсида бўлмас эътибор.

Нозу неъмат, боғу гул яхши вале  
Лаззати йўқ бўлмаса суҳбатда ёр.

Ёр юзидан ўзгаси манзур эмас,  
Ҳушни банд этгучи ҳар суратки бор.

Гулбадан, лаъли шакар дилдор билан  
Бўсасиз бўлса висол — не завқи бор?

Қадри йўқ Ҳофиздати жон нақдини,  
Арзимас қилмоқ учун ёрга нисор.

---

<sup>1</sup> Гулъузор — гул юзли, гузал, гулчеҳра.

\* \* \*

Бахтим недурки, ёр лабидан бермагай нишон?  
Сирри надур, хабар демагай толсим ҳамон?

Ҷоним нисор этай лабининг бўсаси учун,  
Ё бўса бермади-ю ва ё олмади у жон.

Ё парда ичра йўл йўқ-у, мен интизорман,  
Ё бор-у, парда тутгучи қилмас сирин аён.

Сабр айлаган киши етар охир муродига,  
Аммо замона фитнаси бермас менга омон.

Зулфин сабо учирди — у нокас фалакка боқ:  
Бермас мажол кокилидан узсам ушлабон.

Паргор сингари юраман четда айланиб,  
Бир нуқтадек бу ўртага йўл бермади замон.

Дерманки, ухласам кўраман ёр жамолини,  
Ухлатмагай мени сира Ҳофиздаги фиғон.

\* \* \*

Булбул ўйларким, ҳамиша унга гул гўёки ёр.  
Гул хаёли: нози булбулнинг дилига қилса кор.

Дилраболик биргина ишқ аҳлин ўлдирмоқ эмас,  
Гар еса қўллар вамин — иулдир улуклик, э нигор!

Лаълнинг қалбида қон мавж урмоғи қимматлидир,  
Бода нархин наслатур, афсус, сафолда бодахор<sup>1</sup>.

Булбул ўрганди ширин сўлашни гулнинг  
файзидан.  
Йўқ эди унда бу хил назму тараннум, ёр-ёр.

Кетди дилдор — қанча диллар бирга йўллоши эрур,  
Қайда бўлса сақлагил доим саломат, Бирубор!<sup>2</sup>

Сен агар нафсинг тийиб, беҳуда йўлга юрмасанг,  
Шубҳасиз васлига етгайсан, бўлурсан бахтиёр.

Эй йўловчи, дилбаримнинг кўчасидандур йўлинг,  
Бош ёрар девори, ҳушёр бос қадам, оҳиста бор.

---

<sup>1</sup> *Бодахор* — май ичувчи.

<sup>2</sup> *Бирубор* — Худо.

Гарчи суҳбат, ишратинг хўб яхшидур, аммо,  
Бермагил ишқни қўлингдан — у азизу эътибор,<sup>кўнгул,</sup>

Сўфий ичган бўлмаса, нега қулоҳи<sup>1</sup> қийшаюр?  
Икки жом ичса яна, салла чувалгай, э нигор.

Ўрганиб қолмиш жамолинга бу Ҳофизнинг дили,  
Парвариш қилмиш висолинг, бермагил озор, ёр!



---

<sup>1</sup> *Қулоҳ* — бош кийим.

\* \* \*

Бўлдим ишқингда куйиб, машҳури жаҳон  
шамъдек.

Тунда ошиқлар йўлида мен ниғаҳбон<sup>1</sup> шамъдек.

Юмшади мумдек гаминг илгида сабрим тоғлари,  
Ўту сув ичра эрур, чунки тану жон шамъдек.

Эй кўёш юзли, бўлибдур кеча сенсиз кундузим,  
Менда ишқинг зўрлигидап тўлди нуқсон шамъдек.

Қирқилур сабрим пилик янглиғ гаминг қайчисидан,  
Ўртапур ҳажринг-ла тан ҳар вақт сўзон<sup>2</sup> шамъдек.

Кўзларимдан балки тез-тез оқмаганда қонли ёш,  
Фош бўлмас эрди сиррим бунча ҳар ён шамъдек.

Рамга ўрганган кўзимга уйқу келмас туну кун,  
Чунки ҳижрон дардидан кўз бўлди гирён<sup>3</sup> шамъдек.

Ўту сув ичра сенинг ишқингда ўртанди кўнгул,  
Ёши ёмғирдек оқар ҳар лаҳза, ҳар он шамъдек.

Менга ҳижрон кечаси йўлла висол парвонасин,  
Иўқса, оҳим айлагай оламини вайрон шамъдек.

---

<sup>1</sup> *Ниғаҳбон* — посбон, қоровул, назорат қилувчи.

<sup>2</sup> *Сўзон* — куйган, ёлқинли, ёниб турган.

<sup>3</sup> *Гирён* — йиқловчи, йиқлаб турган.



Кўкка еткизгил бошимни бир кеча васлинг билан.  
Кел, ёрит қалбимни ҳуснинг бирла, жонон,  
шамъдек.

Қолди умрим бир нафас сенсиз, нигорим,  
тонг каби —  
Шул замон кўреат юзингни — тошширай  
жон шамъдек!

Қандай ўчгай дил ўти — кўз ёш билан  
меҳринг ўтин  
Бошига Ҳофиз кўтарди, бўлди сўзон шамъдек.



\* \* \*

Дилимга ғамзадан ўқ урма, жонон,  
Сузук кўзинга боқиб, чиқмасин жон.

Чиройинг давлати етди нисобга<sup>1</sup>,  
Закотин<sup>2</sup> менга бер — мен ҳақли инсон!

Қадаҳ тўлдирки, ишқинг давлатидан —  
Агар чолман, бўлибман бахтли ўғлон!

Кўнгул ёрим хаёли бирла тўлди,  
Бўлак ҳеч нарса сивмас дилга шул он.

Маю машшоқдан ўзга айтса бир сўз,  
Қалам синсин, танимда қолмасин жон!

У ғавво ичра ким бир-бирга боқмас,  
Келур пири муғондан менга эҳсон.

Сенинг, зоҳид, менга токай фирибинг,  
Асал, сут, олма деб, ҳам боғу бўстон!

Мен ул қушманки, ҳар шому саҳарда  
Юракдан сайрашим-ла тўлгай осмон.

<sup>1</sup> *Нисоб* — закот бериш лозим бўлган даражадаги бойлик.

<sup>2</sup> *Закот* — шариатга мувофиқ, муайян даражадаги бойлик ва дарамадан канишоқ ва фақирлар фойдасига олинадиган солиқ.

Ичарман ғамли кунларда фақат май,  
Қилибман майфуруш-ла аҳду паймон.

Бу қандай яхши фурсат — бода ичгач,  
Вазир, шоҳ ваҳми йўқ — роҳатдадир жон!

Мени кўрганда даъвогар гадо дер  
Вале ғам бойлиги дилда фаровон!

Кўнгилни ул замон Ҳофиздан уздим,  
Қачонким, бўлди соқий муниси жон.



\* \* \*

Эй сабо, сенда у мушкин кокилин хуш бўйи бор,  
Сен шу ҳид бирлан қолурсан олам ичра ёдгор.

Тоза сақласанг, ишонч-ла топшириш  
мумкин сенга  
Хусну ишқнинг сирри-ю дурдонасинким, бегубор.

Бемисол хуснинг ёқимли — айби йўқ ҳаргиз,  
фақат —  
Бордир атрофингда юрган шум рақиблар, э нигор!

Сенга, эй гул, булбул овози қачон бўлгай писанд,  
Қаргалар сўзи қуловингда топибдур эътибор.

Мен сен ичган бодадан хушкайфман — бўлсин  
ҳалол!  
Қайси хумдан бу пиёланг тўлди, айт, мастона ёр?

Хусн нарҳини оширмақлик ишидир сенга хос,  
Чунки гулдек рангу хуш бўйи сенда доим  
барқарор.

Мушку анбарни замопа елга совурса бутун,  
Садқа бўлсин сенга — мушкин холу хатлар сенда  
бор!

Сенга арзийди чиройдан лоф уриш мисли қўёш,  
Чунки ой юали ғуломлар сенда бор саф-саф,  
қатор.  
Кеккайиб, ноз айлама, эй сарв, бу гулшанаро  
Хам бўлур хижлатда<sup>1</sup> бошинг, келса сарви  
гулгузор.

Қилсам оҳиста дуо, шўх-шўх табассумлар билан:  
«Сен ўзинг ким, мен билан қандай сўзинг бор?»  
— дейди ёр.

Мадраса бурчидап ипқ дуррини, Ҳофиз, излама,  
Хоҳласанг топмоқни — чиққил ташқари  
мардонавор!



---

<sup>1</sup> Бу ерда «хижлат» сўзи ваан талаби билан шундай қўлланган

\* \* \*

Бир хуш тушимда кўрдим: қўлда экан пиёла,  
Таъбири яхшиликка албатгадир ҳавола!

Қирқ йилча дард чекдим, дерлар давоси шулдир:  
Икки йиллик май ичгил, қилмасдан истиҳола.

Эрди чигил муродим — ечмоқ йўлини топдим:  
Они беркитган эрмиш ёр зулфи тола-тола.

Севги хумори барбод этган эди вужудим,  
Бахтимни кўрки, келди май лиқ тўла пиёла!

Майхонага борурман ҳар кун чекиб фиғонлар,  
Ҳал этгай унда чулки мушкулни оҳу нола.

Ҳар дамда қон ютарман, аммо шикоятим йўқ,  
Зероки, қисматимда шундай экан навола<sup>1</sup>.

Солдим назар баногоҳ<sup>2</sup> тонг чоғида чаманга,  
Гул ишқи бирла булбул дилдан чекарди нола.

Ҳар кимки меҳр қўйди, мақсад гулини термай,  
Елнинг йўлида бўлди пойлоқчи ул ниҳола.

---

<sup>1</sup> *Навола* — ризқ, насиба, ҳисса; таом, вазо.

<sup>2</sup> *Баногоҳ* — кутилмаганда, дафъатан.

Гулшан насими ёқди қушлар дилига оташ,  
Ул доеданки, они сақларди дилда лола.

Дилкаш ғазал ёзибмиш ёр мақтовига Ҳофиз,  
Ҳар байтига берар тан юлаб ғузал рисола.



\* \* \*

Кўрдинг яна, эй дилки, вами ёр на қилди?  
Ўз ёри вафодорига дилдор на қилди?

Жоду кўзига боқ: кўрасан не-не ўйинлар,  
Маст зулми аро ўйлари хунёр на қилди?

Ёр ҳажрида кўзимдаги ёш бўлди шафақранг,  
Шумтоле жанманки, бу хунбор<sup>1</sup> на қилди?

Эй соқий, қадаҳ тут, бўлак ишти қўя қолгил,  
Билмас кишиким, соҳиби асрор<sup>2</sup> на қилди?

Кўргилки, фалакка берибон зеб ила зийнат,  
Айланасимон санъати паргор на қилди?

Тонг чови яшин чақнади Лайли ҳарамидан,  
Қайе қалбини куйдирди баякбор<sup>3</sup>, на қилди?

Ёндирди муҳаббаг ўти Ҳофиз дилин, эй воҳ,  
Боқ ёри қадрдонига — ул ёр на қилди?

---

<sup>1</sup> *Хунбор* — қонли ёш тўқувчи, қон йиғловчи.

<sup>2</sup> *Соҳиби асрор* — сирлар соҳиби, ориф, комил инсон, шир.

<sup>3</sup> *Баякбор* — бир бора, биратўла.



\* \* \*

Зулфингиз қилса мабодо бир хато, не бўлгуси?  
Атр уриб, борди-ю, кўрсатса жафо, не бўлгуси?

Ишқ ўтидан жанданўшнинг<sup>1</sup> хирмони куйса,  
не бок<sup>2</sup>,  
Шоҳдан зулму ситам кўрса гадо, не бўлгуси?

Ҳечқиси йўқ, вамаангиз гар дилни қурбон айласа,  
Қилса жанжал жону жонон ўзаро, не бўлгуси?

Ранжимоқ йўқдур муҳаббат маслагида —  
майни қуй,  
Ҳар кудурат бўлса ҳам, топгай сафо<sup>3</sup>, не бўлгуси?

Ишқбозликда керакдир сабру тоқат, эй кўнгил,  
Гар малол келса не бўлмай, ё хато, не бўлгуси?

Бедаво вийбатчилардан турли яяво қўзғалур,  
Сухбат аҳли қилса ҳамки можаро, не бўлгуси?

Хонақоҳдан кетди Ҳофиз, зоҳидо, айб этмагил,  
Топгуси эркин киши ҳар қайда жо, не бўлгуси?

---

<sup>1</sup> Бу ерда сўфий, дарвешлар кўзда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Бок — кўрқинч, хавф; зарар; андиша, парво; ажаб.

<sup>3</sup> Сафо — риёзат чекиш натижасида дилнинг нафе хоҳишлари, ёмон иллатлар, ваддор дунё ва Худо ёдидан бўлак нарсалардан қутулиб, покланиши.

\* \* \*

Мужда келди: энди ҳеч қайғу билан вам қолмагай!  
Аввал-охир неки мавжуд бўлса, ул ҳам  
қолмагай!

Хокисор ўлдим агарчи ёрнинг наздида мен,  
Қошида авёр ҳам инду мукаррам<sup>1</sup> қолмагай!

Бу забаржадли<sup>2</sup> равоққа ёзилибдир зар ила:  
«Яхшилик қолгай жаҳонда, ўзга олам қолмагай!»

Пардадорким, барчани бир-бир кесар шамшир ила,  
Ҳеч бир инсон даҳраро<sup>3</sup> мангую маҳрам қолмагай!

Неку<sup>4</sup> бад<sup>5</sup> нақшин кўриб, шукру шикоят не керак?  
Хатти борлиқда рақамлар ҳам мужжасам қолмагай!

Мажлиси Жамшид аро шундай қўшиқдир —  
мазмуни:  
«Бода тутгил, жом узатгил, бир куни Жам  
қолмагай!»

<sup>1</sup> *Мукаррам* — азиз, муҳтарам, ҳурматли.

<sup>2</sup> *Забаржад* — сариққа мойил яшил тусли қимматбаҳо тош.

<sup>3</sup> *Даҳр* — дунё, ер юзи; давр, замон; ҳаёт.

<sup>4</sup> *Нек* — яхши, эзгу.

<sup>5</sup> *Бад* — ёмон, ярамас.

Эй тавонгар, сен бу дарвешнинг дилини шод қил,  
Бу хазина ичра зар, ё ганжу дирҳам<sup>1</sup> қолмагай!

Сен ванимат англагил парвонанинг васлини, шамъ,  
Бил, қуёш чиқдач, бу позик дилрабо ҳам қолмагай!

Ёрдан сен тамаъю уммидни узма, Ҳофизо,  
Ҳам жабрдан бир нишон, нақши ситам ҳам  
қолмагай!



---

<sup>1</sup> *Дирҳам* — пул бирлиги, қумуш танга.

\* \* \*

Замон андуҳига<sup>1</sup> ҳеч соҳилу поён<sup>2</sup> кўрмасман,  
Бу дардга аргувон<sup>3</sup> майдан бўлак дармон  
кўрмасман.

Дедим: майхона пирин хизматин тарк этмагум  
асло,  
Бу аҳддан ўзга ўзимга бирор имкон кўрмасман.

Хуморман — томчи майни менга лозим кўрмагай  
ҳеч ким,  
Демак, аҳли жаҳонда дўст ила ёрон<sup>4</sup> кўрмасман.

Ошиқ аҳли Худо билан яқин дерлар,  
ўзингни тий —  
Ки, шаҳрим шайхларида ишиқдан унвон кўрмасман.

Белингда кокилинг — унга дилимни  
боғламишман мен,  
Бўлибман зулмати зулфинг аро пинҳон,  
кўрмасман.

<sup>1</sup> Андуҳ — ғам, алам, қайғу, ранж, дард.

<sup>2</sup> Поён — чегара, охир, шитиҳо, хотима.

<sup>3</sup> Аргувон — гуллари ниҳоятда қизил бўлган дарахт; мажозан: қизил ранг.

<sup>4</sup> Ёрон — дўстлар.

Сенинг қаддинг менинг кўз ёшларимдан баҳралар  
олгай,

Бу хил оби<sup>1</sup> равону ҳам сўлим бўстон кўрмасман.

Бу ҳайрон икки кўзимдан, минг афсуским, минг  
афсуским,

Икки оинадирки, хусни нурафшон<sup>2</sup> кўрмасман.

Бу дарё мавжида Ҳофиз дили бир кемадек сузгай,  
Қуруқ сўзу сухандан<sup>3</sup> фойдаю эҳсон кўрмасман.



---

<sup>1</sup> *Об—сув. Оби равон* — оқар сув.

<sup>2</sup> *Нурафшон* — нур сочувчи, нури.

<sup>3</sup> *Сухан* — сўз, калом, нутқ. Сўфийлар истилоҳида илоҳий ишоралар ва огоҳликларга сухан дейилади.

\* \* \*

Сенга иаҳори дил қилмоқ ҳавасдир,  
Сенинг қалбингни ҳам билмоқ ҳавасдир.

Рақиблардан, қаранг, онкор дардим  
Ниҳон тутмоққа интилноқ ҳавасдир.

Қадр оқшоми-ку<sup>1</sup> олий, муқаддас,  
Сенинг-ла тун бўйи бўлноқ ҳавасдир.

Нафис дурдоналарни тори дилга  
Меҳр-ла инжудек<sup>2</sup> илмоқ ҳавасдир.

Мадад бергил, сабо, тун ичра менга,  
Саҳарда гул-гул очилмоқ ҳавасдир.

Бу лутфинг-чун кўчангни кипригим-ла  
Супурмоқликка эгилмоқ ҳавасдир.

Ёзиб риндона шеърлар худди Ҳофиз,  
Даъво аҳлига бас келмоқ ҳавасдир.

---

<sup>1</sup> *Қадр оқшоми* — рамазон ойининг 26 сидан 27 сита ўтар кечаси. Лайлат ул-қадр ўтадиган бу тунда гўё барча орзу ва дуолар қабул ва ижобат бўлармиш.

<sup>2</sup> *Инжу* — марварид, дур.

\* \* \*

Тонг-саҳар вақти, қаранг, сабру саботим бердилар.  
Қоп-қора тундан олиб, оби ҳаётим бердилар.

Ногаҳоно порлатиб жисмимни азгу шуъласи,  
Сарбаландлик<sup>1</sup> жомиди янги сифотим бердилар.

Не муборак тун эди ул ва не хуррам кеч эди,  
Ул қадр кечда менинг қутлуғ баротим<sup>2</sup> бердилар!

Сўнгида насфи жамолим кўзгуда кўз-кўз этиб,  
Мужда келди-ю, шул он жилваи зотим бердилар.

Мен агар шодмон етибман мақсудимга, не ажаб,  
Бу менинг ҳаққим эди — ҳаққу закотим бердилар!

Ул шараф айёми бахтим муждасин берди яна,  
Меҳнату қадрим баланддир — нақлиётим  
бердилар.

Гар тилимдан кетма-кет шахду шакарлар ёғилур,  
Бу сабр инъомидирким, ул наботим бердилар.

---

<sup>1</sup> *Сарбаландлик* — улувлик, юксаклик.

<sup>2</sup> *Барот* — лайлат ул-қадр кечасида содиқ бандаларга насиб бўладиган гуноҳдан поклиги ҳақидаги ёрлик.

Кимёдир бир ажаб нири муронга бандалик,  
Майкада тупровидан оҳанг — баётим бердилар.

Доимо Ҳофиз саҳарҳез<sup>1</sup> субҳидам<sup>2</sup> олғай нафас,  
Неча заҳматдан халос айлаб, нажотим бердилар.



---

<sup>1</sup> Саҳарҳез — уйқудан эрта уйғонувчи.

<sup>2</sup> Субҳидам — тонг пайти, бомдод.



\* \* \*

То магар дунёда бор майхонадан ному нишон,  
Бошимиз майхона пирин йўлида хоку<sup>1</sup> тўзон.

Ҳам қулоқда дайр пирин ҳалқаси бордир азал,  
Ҳалқа бирламиз ҳамиша, ҳалқа бўлгайдир ҳамон.

Қабримиз устидан ўтсанг, ҳиммат айлагил талаб,  
Қилгусидурлар зиёратгоҳ они ринди жаҳон.

Пок пойинг<sup>2</sup> кафти теккан бу замин йиллар мудом  
Саждагоҳи қиблаи хунёрдил бўлгай, ишон.

Кет, йўқол, зоҳиди худбин кўзимиздан то абад,  
Парда ортинда жаҳоннинг сирлари биздан ниҳон.

Ишқи тушган гўзалим турк қизи бул кун яна маст,  
Ишқида хуни дилим бўлди ёноқлардан равон.

Таъна этма мастни, эй зоҳидки, ҳеч маълум эмас,  
Ким нечук кетгай бу оламдан ва билмасмиз қачон?

Шавқинг ичра кирса гўрга кўларим бил, эй нигор,  
То қиёмат бўлажак сенга нигорон ҳар бир он.

Ҳофизо, бахтинг агар шундай олар бўлса мадад,  
Севгилинг зулфи ҳам ўзга қўлда бўлгай бегумон.

---

<sup>1</sup> *Хоку* — тупроқ.

<sup>2</sup> *Пой* — оёқ.



Кетмоқда дил қўлимдан — дил аҳлидир<sup>1</sup> сабабкор,  
Дилда ниҳон сирим ҳам бўлгуси энди ошкор.

Бизнинг кема синиқдир, денгиз шамоли, қўзғал,  
Балки яна кўрармиз ошно<sup>2</sup> юзини бир бор.

Беш кунлик умр вафоси афсонаю хаёлдир,  
Инсонга яхшилик қил, фурсат ванимат, эй ёр!

Гул шохи узра булбул мастона қилди нола,  
Тонг отди, эй хумори, келтир шаробни такрор!

Эй соҳиби каромат<sup>3</sup>, шукрона қил — сихатсен,  
Тараннумингни дарвеш аҳлига айла бисёр<sup>4</sup>.

Бу оламу у олам осойиш икки ишдан:  
Дўстларга чин мурувват, ёвларга зарда даркор!

Бизни киритмадилар аслида яхши йўлга,  
Хуш келмаса дилиннга, қилгин қазони<sup>5</sup> бекор.

Аччиқ бу сувви сўфий дер: «Манбаи фалокат!»  
Қизлар лабидан аъло менга шароб — мададкор.

---

<sup>1</sup> *Дил аҳли* — маърифат аҳли, орифлар.

<sup>2</sup> Бу ерда ёр, дўст назарда тutilмоқда.

<sup>3</sup> *Соҳиби каромат* — авлиёуллоҳ.

<sup>4</sup> *Бисёр* — кўп, ортиқ, зиёда.

<sup>5</sup> *Қазо* — тақдир, қисмат; илоҳий ҳукм.

Йўқлик чоғида, эй дўст, тарк этма ишратингни,  
Май — кимё, гадони айлар Қорунча молдор!

Саркашлик<sup>1</sup> этма шамъдек, куйдирмасин дилингни  
Тафтида хора<sup>2</sup> тошни мум айлагувчи дилдор.

Искандар ойнаси<sup>3</sup> ҳам май жоми-ку — назар сол,  
Доро<sup>4</sup> диёри ҳолин у сенга қилгай изҳор.

Форсий забонли турклар умрга йил қўшарлар.  
Соқий, рицдона май тут, рақс айласин азмкор.

Майга тегибди жанда — киймайди они Ҳофиз,  
Бизни кечиргил энди, эй шайхи поккирдор<sup>5</sup>.



---

<sup>1</sup> *Саркаш* — ўжар, қайсар, итратсиз.

<sup>2</sup> *Хора* — қаттиқ тош, гранит.

<sup>3</sup> *Искандар ойнаси* — Александр Македонскийга нисбат бериладиган, гўё киши нимани истаса, ўшани кўрсатадиган кўзгу. Мажозан: ойини жаҳоннамо.

<sup>4</sup> *Доро* — Искандар маъдуб этган Эрон подшоҳи.

<sup>5</sup> *Поккирдор* — эзгу хулқли, гўзал ахлоқ соҳиби.

\* \* \*

Сийна<sup>1</sup> лиммо-лим алам-ку, қайда малҳамдан  
дарак?

Яккаликдан ҳар нафас ҳалқумга жоним келажак.

Соқис, бир коса май бер — бир нафас ором олай,  
Кутмагил ором фалакдан — ул ўзи ҳам жонсарак<sup>2</sup>.

Мен дедим зийрак кишига: «Кўргил аҳволин  
печук?»

Ул деди: «Олам — паришон, ишларидир  
чархпалак».

Сабр чоҳинда куйиб ўлдик Чигил моҳи<sup>3</sup> учун,  
Турк шоҳи<sup>4</sup> ҳеч хабар олмас, қани Рустамбилак<sup>5</sup>?

Ишқбозлик кўйида хотиржам ўлтирмоқ хато,  
Минг тилинсин дардингга дору қидирган ҳар юрак!

<sup>1</sup> *Сийна* — кўкрак, кўкс, юрак.

<sup>2</sup> *Жонсарак* — безовта, гангиб қолган, саросимага тушган.

<sup>3</sup> *Чигил моҳи* — Чигил гўзали. *Чигил* — қадимий туркий қаби-  
лалардан бирининг номи. Чигил қизлари ўз гўзалликлари би-  
лан машҳур бўлишган.

<sup>4</sup> Бу ерда ҳасадўйларнинг ифвоси билан ўзига яқин ва содиқ  
бўлган Сиёвуши бегуноҳ ўлдирган турк шоҳи Афросиёб кўзда  
тутилмоқда. Кўчма маънода турк шоҳи деганда ситамгар, жа-  
фокор маънуқа ҳам тушунилади.

<sup>5</sup> *Рустам* — «Шоҳнома» қаҳрамони.

Нозу неъмат аҳлининг риндлик қўйинда йўқ иши,  
Бўлмагай йўлбошчи кўймак билмаган беғам сўтак.

Чин киши кўзга чалинмас — олам ичра истама,  
Ўзга одам, янги олам қайтадан тузмоқ керак!

Тургил ўрнингдан, берайлик дилни ул маҳға агар,  
Мўлиённинг<sup>1</sup> бўйи келса лабларидан бевўнак<sup>2</sup>.

Ҳофизо, кўз ёшидан не суд<sup>3</sup> бу ишқ равғосида,  
Уммонингдан етти дарё томчидир ёки пуфак.



---

<sup>1</sup> *Мўлиён* — Рўдакийнинг машҳур разалида тилга олинган Бу-хородаги Мўлиён ариғи.

<sup>2</sup> *Бўнак* — ҳисса, улут.

<sup>3</sup> *Суд* — фойда, наф, баҳра.

\* \* \*

Жон бежамоли жонон майли жаҳони йўқдир,  
Майли жаҳони йўқдир, демакки, жони йўқдир.

Ҳеч кимда дилбаримнинг тополмадим нишонин,  
Ё мен хабарсиз омий, ё ҳеч нишони йўқдир!

Ҳар шабнами бу йўлнинг оташли баҳри<sup>1</sup> уммон,  
Ҳар дарди бир муаммо — шарҳу баёни йўқдир.

Қўлдан чиқора кўрма фароватин дамин ҳеч,  
Эй сорбон<sup>2</sup>, жилов торт — йўлнинг поёни йўқдир.

Чанг қомати эгилган — ишрат аро чалурлар,  
Чол сўзига қулоқ сол — асло зиёни йўқдир.

Дил, риндлик тариқин сен муҳтасибдан ўрган,  
Ичиб юрар-у, элнинг ундан гумони йўқдир.

Қорун йивибди бойлик, замон этибди барбод,  
Зар йиғмагил, дея айт, вафо ҳаёни йўқдир.

Агар рақиби шамъдир — ундан сирингни беркит,  
Билгилки, шўх дилафрўз, банди забони йўқдир.

Ҳар кимсанинг жаҳонда Ҳофиз каби қули йўқ,  
Ҳеч кимсанинг сенингдек шоҳи замони йўқдир!

<sup>1</sup> *Баҳр* — азим дарё, денгиз.

<sup>2</sup> *Сорбон* — тувкаш; мажозан: етакчи, раҳбар.

\* \* \*

Ёрим қўлига қадаҳки олгай,  
Бозори санам касодга қолгай.

Ҳар кимки, кўзини кўрса дейди:  
«Бу — маст, қани муҳтасиб, тутолгай?»

Ашк<sup>1</sup> баҳри аро балиқ бўлибман,  
Қармовини ёр чу<sup>2</sup> сувга солгай.

Зор ила аёғига йиқилдим,  
Уммид этамен: қўлимдан олгай.

Ҳофиз каби хуррам ул кишиким,  
Жоми азали(й)ни нўш<sup>3</sup> этолгай.



---

<sup>1</sup> *Ашк* — кўз ёши.

<sup>2</sup> *Чу* — чулки.

<sup>3</sup> *Нўш* — ичимлик, ичиш.

\* \* \*

Кеча дoston бўлди ошиқ даврада гисуларинг<sup>1</sup>,  
То ярим тун баҳсага боис бўлди анбар мўларинг<sup>2</sup>.

Кипригинг новакларидан<sup>3</sup> қонга айланди кўнгил,  
Ваҳ, яна қўмсар, ажабким, ул камон абрўларинг<sup>4</sup>.

Авфилиллоҳким<sup>5</sup>, сабо келтирмаса сендан хабар,  
Ҳеч насиб бўлмасди кўрмак бизга кўча-кўларинг.

Беҳабар эрди жаҳон аввалда ишқ ошубидин<sup>6</sup>,  
Қолди вавога у кўргач вавзаи жодуларинг<sup>7</sup>.

Мен ҳам авваллар эдим дарди жунундин<sup>8</sup> беҳабар,  
Қўйди домин йўлларимга кокили ҳиндуларинг<sup>9</sup>.

---

<sup>1</sup> *Гису* — соч, зулф, кокил.

<sup>2</sup> *Мў(ти)* — соч, соч тозаеси.

<sup>3</sup> *Новак* — ўқ, камон ўқи.

<sup>4</sup> *Абрў* — қош.

<sup>5</sup> *Авфилиллоҳ* — Оллоҳ кечирсинким; Оллоҳ учун афв этиш.

<sup>6</sup> *Ошуб* — ваво, тўполон, фитна; ҳаяжон.

<sup>7</sup> *Жоду* — сеҳргар, жодугар. Бу ерда: кўз маъносиди.

<sup>8</sup> *Жунун* — ошиқлик, беқарорлик, савдойилик, дсвоналик. Та-  
саввуфда мастликнинг интиҳосию дарवेशликнинг ибтидоси.  
Ишқда ўзидан беҳабарлик.

<sup>9</sup> *Ҳинду* — Шарқ мумтоз шеъриятида қора ранг, маҳбубанинг  
қора сочи ва холи, қул маъноларида келади.



Тугмаларни ечгил-у, дил мушкулин айла кушод<sup>1</sup> —  
Ким, ечиламоғимга боис дилкушо кулгуларинг.

Кел вафо айлаб, қадам қўй Ҳофизингнинг хокига —  
Ким, бу оламдан олиб кетмиш мени орзуларинг.



---

<sup>1</sup> К у ш о д — очик, очилиш, ечилиш.

\* \* \*

Бир умр майхона бурчи хонақоҳимдур менинг!  
Пири майхўрлар ҳамиша қиблагоҳимдур<sup>1</sup> менинг!

Тонг чоғи май бўлмаса — ҳеч бир хатарли  
жойи йўқ.  
Тонгдаги қилган фивоним узрхоҳимдур<sup>2</sup> менинг.

Шукр этурман — йўқ эрур шоҳу гадо бирла ишим,  
Дўст даргоҳин гадоси подшоҳимдур менинг!

Масжиду майхонадан мақсад фақат дийдор кўриш,  
Ўзга йўқ фикрим — Худовандим гувоҳимдур  
менинг!

Остонанг бошга ёстиқ бўлди-ю бир тахт каби,  
Офтобинг тожу тахти такагоҳимдур<sup>3</sup> менинг!

Етмагунча то ажал тиғи бошимга, шубҳасиз,  
Юз ўғирмак эшигиндан иштибоҳимдур<sup>4</sup> менинг.

Носавоб ишларга йўқ, Ҳофиз, сенинг майлинг вале  
Хушодобликдан дегинким: бу гуноҳимдур менинг!

<sup>1</sup> Қиблагоҳ — сивилладиган жой, ибодатгоҳ, зиёратгоҳ.

<sup>2</sup> Узрхоҳ — узр сўровчи, афв тиловчи.

<sup>3</sup> Такагоҳ — суянчиқ, суянадиган жой; мажозан: ҳомий.

<sup>4</sup> Иштибоҳ — мос, мувофиқ; шак, шубҳа.

\* \* \*

Лабларингнинг шарбатидан чиқмади комим ҳануз,  
Лаъл жоминг ораусида бўш турар жомим ҳануз.

Кеча вора<sup>1</sup>т бўлди диним икки зулфинг домида,  
Ушбу савдода не тус олгай саранжомим ҳануз.

Янглишиб тунда Хўтан мушки, дедим,  
зулфингни мен,  
Тивдайин ботгай сочинг, қон сочгай андомим<sup>2</sup> ҳануз.

Юзларингни шуъласин хилватда кўрди офтоб,  
Тивига бўлди нишона эшигу томим ҳануз.

Бир куни номимни тилга олди жонон янглишиб,  
Барча ошиққа мисоли жон эрур номим ҳануз!

Лабларингнинг соқи(й)си берди азалдан қатра май,  
Кетмагай мастлар тилидан ному пайғомим<sup>3</sup> ҳануз!

То бўлай ороми жонинг, ўт, дединг, жон баҳридан,  
Фамларингга жонни бердим — йўқдир оромим  
ҳануз.

Ёзди Ҳофиз меҳр ила лаъли лабингнинг қиссасин,  
Чанмадур оби ҳаётга шеър у илҳомим ҳануз.

<sup>1</sup> *Ворат* — талон-торож.

<sup>2</sup> *Андо* — бу ерда: жисм, тан мавъносида.

<sup>3</sup> *Пайғом* — хушхабар, мужда, башорат.

\* \* \*

Мудомим маст тутгайдир насими жаъди<sup>1</sup> гисуйинг,  
Хароб этгай мени ҳар дам фириби чанми<sup>2</sup>  
жодуйинг.

Неча сабру тоқатдан сўнг туни, ё Раб, кўролғаймен  
Кўзим шамъини ёқмовини бир меҳроби абрўйинг.

Саводи лавҳи<sup>3</sup> кўрмоқни анинг-чун мен азиз  
тутгум:  
Жонимға нусхае бўлғайми нақши холи ҳиндуйинг.

Агарда жовидон<sup>4</sup> дунёни яшнатмоқни истарсан,  
Сабога айт, кўтаргайким замоне бурқазги<sup>5</sup> рўйинг<sup>6</sup>.

Ва гар расми фано<sup>7</sup> истарсан оламдан буриб юзни,  
Ки силкиб ер уза тўксин минглаб жонни ҳар  
мўйинг.

---

<sup>1</sup> *Жаъд* — сочининг жингиласи, зулф.

<sup>2</sup> *Чашм* — кўз.

<sup>3</sup> *Саводи лавҳ* — кўз қорачиги.

<sup>4</sup> *Жовидон* — абадий, доимий, мангу.

<sup>5</sup> *Бурқаз* — парда, ниқоб, ҳижоб.

<sup>6</sup> *Рўй* — юз, чеҳра, руҳсор.

<sup>7</sup> *Фано* — йўқ бўлиш, йўқлик. Тасаввуфда банданинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илоҳий сифатлар ичра маҳв бўлиши.

Ману боди сабо мискин — ики сарсони беҳосил<sup>1</sup>,  
Мен афсун маст кўзингдин-у, у масти бўйи  
гисуйинг!

Яшаб ҳиммат-ла Ҳофизингни дунёю охираддан,  
Кўринмас ҳеч кўзига жуз<sup>2</sup> ул хоки сари кўйинг.



---

<sup>1</sup> *Беҳосил* — бу ерда: бебаҳра, маҳрум, ноком, бебахт.

<sup>2</sup> *Жуз* — бўлак, бошқа.

\* \* \*

Дардимизга йўқ дармон, алғиёс!<sup>1</sup>  
Ҳажримизга йўқ поён, алғиёс!

Дину дилни олди-ю, жон олғуси,  
Алғиёс, эй жабри жонон, алғиёс!

Ўптириб бир — эвазига жон сўрар,  
Бағритош ул шўхи ҳубон, алғиёс!

Бевафолар қонимизни ичди-ку,  
Эй муслмонлар, не дармон, алғиёс!

Мисли Ҳофиз кеча-кундуз тинмайин  
Йиғладигу йиғладик қон, алғиёс!

---

<sup>1</sup> *Алғиёс* — нидо сўзи: дод, фарёд, мадад қил, додимга ет маъ-  
поларида.

\* \* \*

Ёр зулфининг йўлида хато кетса — кетибдир!  
Бизга қаро холидан жафо кетса — кетибдир!

Ул ёр хирманида ишқ барқи<sup>1</sup> куйса — куймиш,  
Шоҳ жабри биз гадога раво кетса — кетибдир!

Дил хотири тариқат йўлида йўқ — кетир май,  
Кўрган кудуратинг ҳам сафо кетса — кетибдир!

Севги сабот сўрайдир, қўнгилгинам, сабр эт,  
Малол келса — келибдир, хато кетса — кетибдир!

Дилдор ғамзасидин дил хор ўлса — ўлибдир,  
Ҳонону жон аро можаро кетса — кетибдир!

Сўз аҳлидин<sup>2</sup> маломат<sup>3</sup> аён келибдир, аммо,  
Даврадошлар аро тек низо кетса — кетибдир!

Ҳофиз айбини, воиз<sup>4</sup>, айт, нега хонақоҳда  
Боглабсан эрк оёгин, қўй-о, кетса — кетибдир!

---

<sup>1</sup> *Барқи* — чақмоқ, чақин, яшин; ўт, олов, аланга; шуъла, нур.

<sup>2</sup> *Сўз аҳли* — ношиқлар, сўз усталари, донишмандлар.

<sup>3</sup> *Маломат* — малоллик, азият, ранжиш; ғам, гусса.

<sup>4</sup> *Воиз* — ваъз айтувчи, панд-насихат қилувчи.

\* \* \*

Салоҳ<sup>1</sup> биздин не истарсенки, мастларга сало<sup>2</sup>  
дебмиз,

Ажиб маст наргисинг даври саломингга дуо дебмиз.

Менга майхонанинг очил эшикин — хонақоҳ  
берқдир,

Ишонғил, гар ишонмассен, шудир сўз, биз  
адо дебмиз.

Сенинг кўзингдан, ай соқий, хароб бўлдим,  
хароб бўлдим,

Вале дўстдан бало<sup>3</sup> келса, яна минг  
марҳабо дебмиз!

Мурувват этмасанг бизга, пушаймонлиг  
бўлур охир,

Унутма ҳеч бу маъноники, хизматдин санго дебмиз.

---

<sup>1</sup> Салоҳ — ахшилик, тўғрилиқ; парҳезорлик, эҳду тақво. Та-  
саввуфда ҳидоят йўли тариқини салоҳ дейдилар.

<sup>2</sup> Сало — чақириқ, нидо, даъват, мурожаат.

<sup>3</sup> Бало — офат, мусибат, имтиҳон. Сўфийларга кўра, дўстнинг  
турфа балолар орқали имтиҳон қилиши бандани унга яқин-  
лаштиради. Бало набийларнинг таомию валийларнинг либоси-  
дир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг марҳамат қилишларича,  
балонинг энг қаттиги пайғамбарларга келади, кейин авлиға,  
шундан сўнг кишиларнинг даражасига қараб наъбати билан.





\* \* \*

Дедим: «Лабинг қачон-о бир комрон<sup>1</sup> айлаюр?»

Деди: «Наки деюрсан — кўзга, шу он айлаюр!»

Дедим: «Миср хирожин<sup>2</sup> айлаюр талаб лабинг».

Дедики: «Бу талабда бир оз зиён айлаюр».

Дедим: «Ким ул — даҳонинг<sup>3</sup> нуктасига<sup>4</sup> топди йўл?»

Дедики: «Бу қиссани ул нуктадон<sup>5</sup> айлаюр!»

Дедим: «Самад-ла<sup>6</sup> ўлтир, санампараст<sup>7</sup> бўлма!»

Дедики: «Ишқ унга ҳам, бунга равон айлаюр!»

Дедим: «Майхона завқи камни олур дилдин».

Деди: «Яхшидур улким, дил шодмон<sup>8</sup> айлаюр!»

Дедим: «Шаробу хирқа мазҳабга<sup>9</sup> одят эрмас».

Деди: «Қабул мазҳаби пири муғон айлаюр!»

---

<sup>1</sup> К о м р о н — мақсадга эришган, бахтли, бахтиёр.

<sup>2</sup> Х и р о ж — солиқ.

<sup>3</sup> Д а ҳ о н — оғиз.

<sup>4</sup> Н у к т а — назик ва чуқур маъноли сўз, ҳикмат, сир.

<sup>5</sup> Н у к т а д о н — сўз устаси, доно, назикфаҳм.

<sup>6</sup> С а м а д — абадий, Худонинг номларидан бири.

<sup>7</sup> С а н а м п а р а с т — бутпараст.

<sup>8</sup> Ш о д м о н — хурсанд, шод, мамнун.

<sup>9</sup> М а з ҳ а б — йўл, маслак; дивий оқим; таълимот.

Дедим: «Лаъли лабингдин мен кексага не суддир?»  
Дедики: «Бўса болдур, ул навқирон айлаюр!»

Дедим: «Қачон хожа ҳажла<sup>1</sup> томон боргай?»  
Деди: «Қачонки ой-у Зухро қирон<sup>2</sup> айлаюр!»

Дедим: «Дуойи жонинг этмак Ҳофизга шондир!»  
Деди: «Етти осмон дуойи жон айлаюр!»



---

<sup>1</sup> Ҳ а ж л а — чимилдиқ, чодир, келин-куён учун ясалган уй.

<sup>2</sup> Қ и р о н — икки сайёранинг бир буржда ўзаро яқинлашуви. Шарқ мунажжимларининг башиоратига кўра, Ой ва Зухра (Венера)нинг б:ч-бирига яқинлашуви яхпилик аломати ҳисобланади.

Бир дилбари жононимиз олди-ку дилу жонимиз,  
Олди-ку дилу жонимиз бир дилбари жононимиз.

Берса ўлич жононимиз қайта тирилгай жонимиз,  
Қайта тирилгай жонимиз, берса ўлич жононимиз.

Чин равзаи ризвонимиз<sup>1</sup> ёр эшигин тупроғидир,  
Ёр эшигин тупроғидир чин равзаи ризвонимиз.

Бизнинг дили ҳайронимиз ошуфтаю<sup>2</sup> шайдосидир,  
Ошуфтаю шайдосидир бизнинг дили ҳайронимиз.

Ул Юсуфи Канъонимиз<sup>3</sup> ҳусн иқлимнинг  
шоҳидир,  
Ҳусн иқлимнинг шоҳидир ул Юсуфи Канъонимиз.

Сарви боғу бўстонимиз зебо, келишган қомати,  
Зебо, келишган қомати сарви боғу бўстонимиз.

Шу Ҳофизии хушхонимиз<sup>4</sup> фазлу камол тимсолидир,  
Фазлу камол тимсолидир шу Ҳофизии хушхонимиз.

<sup>1</sup> *Равзаи ризвон* — жаннат, жаннат боғи.

<sup>2</sup> *Ошуфта* — ошиқ, шайдо, девоиш, гирифтор.

<sup>3</sup> *Юсуфи Канъон* — Канъонлик Юсуф. Юсуф алайҳиссалом. Диний-тасаввуфий адабиётларда айтилишича, Оллоҳ таоло ҳуснни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Бу бир улushi яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. Бинобарин, Юсуф алайҳиссаломда бутун инсониятда мавжуд ҳусндан тўққиз баробар ортиқ ҳусн бор. Шунинг учун ҳам у ҳусну малоҳатда тенгсиз бўлган, ҳусн иқлимнинг шоҳи ҳисобланган.

<sup>4</sup> *Х у ш х о н* — хушовоз, хушоҳанг.

\* \* \*

Қайтади Канъонга ул Юсуфи сарсон<sup>1</sup>, ғам ема!  
Бир куни ғам кулбаси<sup>2</sup> бўлгай гулистон, ғам ема!

Бўлма бадбин<sup>3</sup> — ғамзада кўнглинг иши ўнлангуси,  
Тоабад савдоли бош қолмас паршон, ғам ема!

Бошга тортарсан яна гул пардасин бўстон аро  
Келса умринг кўклами, булбули хушхон, ғам ема!

Бу фалак биз истагандек бир нафас айланмади,  
Лек мудом бир хилда қолмас чархи гардон<sup>4</sup>,  
ғам ема!

Номид бўлма, илоҳий сирга ақлинг етмаса,  
Кўп ўйинлар, билсанг, ул пардада пинҳон, ғам ема!

---

<sup>1</sup> Маълумки, Юсуфни акалари миерлик савдогарларга сотиб юборган эдилар — бу ерда тунга ишора қилинмоқда.

<sup>2</sup> *Ғам кулбаси* — байт ул-аҳзон. Севишли житарбанди Юсуфдан ажралган Яъқуб алайҳиссалом йўл бўйида бир уй тиклаб, унинг йўлига кўз тикиб, кеча-кундуз йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолади. Бу уй байт ул-аҳзон номи билан маншур. Батъан дунё маъносида келади.

<sup>3</sup> *Бадбин* — тушкун, умидсиз.

<sup>4</sup> *Чархи гардон* — айланувчи фалак.

Гар фано сели<sup>1</sup> ҳаётининг асосини йиқар,  
Нух<sup>2</sup> паноҳинг бўлса, келсин, майли, тўфон,  
Ғам ема!

Қаъба шавқида биёбонларни қагъ эсанг<sup>3</sup> агар,  
Шох-тикан тилса оёқни, айласа қон, ғам ема!

Бизга ёр ҳажри, рақиб озори, бас, қисмат эмиш,  
Ҳолимиздан бохабар аслида Яздон<sup>4</sup>, ғам ема!

Кимки саргардон бўлиб, оламда ғамхўр топмади,  
Оқибат бир меҳрибон топгай ул инсон, ғам ема!

Гарчи манзил кўп хатарлик, гарчи мақсад ноаён,  
Йўқ бирор йўлки, унга бўлмаса поён, ғам ема!

Бу фақирлик гўшаси<sup>5</sup>, тун хилватида, Ҳофизо,  
То ишинг зикру дуо, таҳсили Қуръон, ғам ема!

---

<sup>1</sup> *Фано сели* — ҳалок қилувчи тўфон.

<sup>2</sup> Нух алайҳиссалом кўрсатган ҳақ йўлга юрмаганлари учун унинг қавми Оллоҳ томонидан тўфонга гирифтор қилинган. Бу тўфондан фақат Нухга эргашганларгина омон қоладилар. Бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

<sup>3</sup> *Қагъ этин* — босиб ўтиш.

<sup>4</sup> *Яздон* — Худо.

<sup>5</sup> *Гўша* — чет, бурчак, хилват.

\* \* \*

Дўстлар базму висолин ёдда тут!  
Утган ул кунлар хаёлин ёдда тут!

Бир вафоли дўст тополмайсан бу кун,  
Ул вафо аҳли камолин ёдда тут!

Қилди ғам аччиги оғзимни заҳар,  
Жом жаранги, май аулолин ёдда тут!

Мен-ку ғамга чора топмай ёнаман,  
Чорасиз ҳоли маҳолин ёдда тут!

Гарчи дўстлар мен фақирни эсламас,  
Ҳар нафас дўстларни ҳолин ёдда тут!

Мен бало домига бўлдим мубғало,  
Ҳақпарастлар сазъ-жидолин<sup>1</sup> ёдда тут!

Қолди Ҳофизнинг сири айтилмайин,  
Сирдош улфатлар жамолин ёдда тут!

---

<sup>1</sup> *Сазъ-жидол* — бу ерда: сазъ-ҳаракат, иштилош маъносиде.

\* \* \*

Жаҳонда бўлди одат бевафолик,  
Бировда йўқ нишони ошнолик.

Хунар аҳли фақирлик ҳасратидан  
Хасислар қошида қилгай гадолик.

Бу кун ҳар кимки донишманд жаҳонда,  
Унга қисмат аламга мубталолик.

Киши жоҳилу нодон бўлса қанча,  
Бу бозорда унинг моли баҳолик.

Ўқиб шоир чиройли шеърларини  
Кўнгилларга улашса рўшнолик;

Тарикча хайру эҳсон айламаслар,  
Санойидек<sup>1</sup> агар шеъри сафолик!

Кеча ақлим қулоғимга шивирлар:  
«Чида, кетмас бошингдан бенаволик!»

Кел, эй Ҳофиз, бу пандни тингла жондан,  
Адо қилгунича шеърга фидолик.

---

<sup>1</sup> Машҳур форс мутасаввиф шоири Абулмажид Маждул бинни Одам Саной (1048—1141). Ҳаким Саной номи билан машҳур бу шоир рубойларидан намуналар Жамол Камол томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.



\* \* \*

Эй шом, кўйимиз сари гузар қил!  
Эй тонг, ҳолимизга бир назар қил!

Тун зулматида эзилди жисмим,  
Ё Раб, қора тунларни саҳар қил!

Эй тонг ели, ул санамга айтгил:  
Қурбонларинг сари гузар қил!

Ҳажринг гамида агарчи ўлдим,  
Эй ёр, мени ўқингга сипар қил!

Қошини камонидан ҳазир бўл,  
Ноз-инҳаси ўқидан ҳазар қил!

Мақсадга етолмасанг, аё дил,  
Жим бўл-у, сўзингни мухтасар<sup>1</sup> қил!

Ёр васлини, Ҳофиз, истар эрсанг,  
Жон бер йўлида-ю, тарки сар қил!

---

<sup>1</sup> *Мухтасар* — қисқа, ихчам.

\* \* \*

Ёр ишқи менга ниҳоли ҳайрат,  
Ёр васли менга камоли ҳайрат.

Васли майига чўмин бас, охир —  
Кўрсатгуси юз жамоли ҳайрат.

Бас, қолгуси на висол, на восил<sup>1</sup>,  
Ҳар қайдаки бор ҳаёли ҳайрат.

Тутмиш еру кўни бир овоза,  
Эшитдим эса: саволи ҳайрат.

Тан берди удувлигига буткул,  
Ким англади не жалоли<sup>2</sup> ҳайрат!

Ҳофизни вужуди бошдан-охир  
Ишқ ичра эмиш ниҳоли ҳайрат.

<sup>1</sup> *Восил* — васлга эришган; Ҳудонинг муқарраби.

<sup>2</sup> *Жалол* — удувлик, шуқуҳ. Ошиқнинг маъшук олдида қанчалик ожиз эканлиги, севгилисизининг қанчалик удур ва ўзига эҳтиёжсизлигини англаб, кибру ҳаводан воз кечиши.

\* \* \*

Дардим мени дилдордан-у, дармон ҳам,  
Дил бўлди ўшал ёрга фило-ю, жон ҳам.

Хусн ичра топилмас тенги ёрни, аммо.  
Ул ишқу муҳаббатда шаҳи даврон ҳам.

Қонимга эмиш ташна у — тутсин ёдда:  
Синдирди-ю аҳдини, унут паймон<sup>1</sup> ҳам.

Мен-ку яширур эрдим азал ишқимни,  
Афсона эмиш эл ичида, дoston ҳам.

Бас, давлати насли-ку муяссар бўлди,  
Албатта ўтар айрилиғу ҳижрон ҳам.

Ёр хуснининг бир жилваси икки олам,  
Ундан яна не пайдо бўлар, пинҳон ҳам.

Дунё ишига йўқдир ишончим асло,  
Юрмайди раъйингга чархи гардон ҳам.

Ошиқ чўчимас ҳеч кишидан — май келтир,  
Ҳеч қозини қаҳри-ю, ҳукми султон ҳам!

---

<sup>1</sup> *Паймон* — аҳд, ваъда.

Ул мухтасиб яхши билар: Ҳофиз — ошиқ,  
Шу мулки Осаф<sup>1</sup>, давлати Сулаймон<sup>2</sup> ҳам!



---

<sup>1</sup> *Осаф* — Сулаймон пайғамбарнинг вазири; оқиллиги ва одиллиги билан машҳур бўлган.

<sup>2</sup> *Сулаймон* — пайғамбар ва подшоҳ. Довуд пайғамбарнинг ўғли. Унинг мол-мулки беҳисоб бўлганлигидан ташқари, қушлар, инсу жинслар тилини ҳам билган. Қўлидаги узуги (Сулаймон хотами) жуда катта сеҳрли кучга эга бўлган.

\* \* \*

Эйки, доим ўзинга маъмурсан,  
Бўлмаса ақлинг сени, маъзурсан.

Сенки ишқ аҳлига теккизма тилинг,  
Ақлу оқиллик ила машҳурсан.

Ишқ майининг мастлиги йўқ бошингда,  
Чунки узум суви-ла маъмурсан<sup>1</sup>.

Ранги сомон, оҳи мисоли оташ,  
Ошиқ элининг нишонин сўрсанг.

Баҳридан ўт номусу орнинг, Ҳофиз,  
Иста май жоминиким, махмурсан<sup>2</sup>.



---

<sup>1</sup> *Маъмур* — бу ерда: тўла, лиммо-лим.

<sup>2</sup> *Махмур* — маст, хумор. *Махмурлик* — беҳудлик мартабаси.

\* \* \*

Мусулмонлар, менга вақти дил эрди,  
Дедим ёримга ҳар не мушкил эрди.

Бироқ ҳамдардў ёри маслаҳатгўй  
Азал суянчи ҳар аҳли дил эрди.

Ғамидан май каби гирдобга тушдим,  
Илож ёлғиз умиди соҳил эрди.

Менингдек ёр кўйида йитди кўплар,  
Этақдан тутгучи не манзил эрди?

Бу телба бандага раҳматлар айтинг,  
У бир вақт қорвони қомил эрди.

Менга сўз дарсини ўргатди то ишқ,  
Сўзим қатта-кичикка маъқул эрди.

Талаб йўлида дурлар тўқди кўзим,  
Бироқ ёр васлидан беҳосил эрди.

Етар, айтмаки, Ҳофиз нуқтадондир,  
Ахир, кўрдик-ку биз: кўп воқил эрди.

\* \* \*

Зоҳиди зоҳирпараст<sup>1</sup> ишқ аҳлидан огоҳ эмас,  
Бас, маломат қилса-қилсин — сўзлари дилхоҳ<sup>2</sup>  
эмас.

Ҳар не юзланса сулукда<sup>3</sup> дутғ эрур солиқ учун,  
Ул сироти мустақимда<sup>4</sup> ҳеч киши гумроҳ эмас.

Ҳайнар-у рух минг мақомда, биз пиёда сургамиз,  
Дона сурса тахтада риндлар мажоли шоҳ эмас.

Бу мунаққаш<sup>5</sup>, сержило, олиймақом айвон недур?  
Бу муаммодан жаҳонда ҳеч киши огоҳ эмас.

Демагил билмас ҳисобни соҳиби девонимиз<sup>6</sup>,  
Баски, иқроринг нишони ҳасбатанлиллоҳ<sup>7</sup> эмас.

Хоҳлаганлар келсин-у, хоҳлаганини сўзласин,  
Ушбу кибр этгучи, ҳожиб тутгучи даргоҳ эмас.

---

<sup>1</sup> *Зоҳирпараст* — шаклга берилиб, мазмунни унутган киши.

<sup>2</sup> *Дилхоҳ* — маъқул, мувофиқ, кўнгилга ёқадиган.

<sup>3</sup> *Сулук* — тариқат йўли — Ҳақ сари сайр.

<sup>4</sup> *Сироти мустақим* — дўзах устидаги қил кўприк.

<sup>5</sup> *Мунаққаш* — нақшли, зийнатланган.

<sup>6</sup> *Соҳиби девон* — дафтар соҳиби, яъни Худо.

<sup>7</sup> *Ҳасбатанлиллоҳ* — Худо учун.

Бош уриш майхонага ошиқи содиқлар иши,  
Худфурушлар<sup>1</sup> майфурушларга сира ҳамроҳ эмас!

Келса ҳар не кўргулик — боиси бизнинг қилғилик,  
Бўлмаса, лутфу караминг кимсага кўтоҳ<sup>2</sup> эмас.

Мен харобот пирига<sup>3</sup> қулман — мудом лутф  
кўргузар,  
Чунки лутфи шайху зоҳид қавмининг ҳар гоҳ эмас.

Ҳиммати Ҳофизни юксак: истамас мавқе-мақом,  
Кўҳна май ошиғи<sup>4</sup> орзуманди молу жоҳ<sup>5</sup> эмас.



<sup>1</sup> *Худфуруш* — ўзини бозорга солувчи, баҳосини оширувчи.

<sup>2</sup> *Кўтоҳ* — калта, қисқа, кам.

<sup>3</sup> *Харобот шари* — муршид, ориф, комил инсон.

<sup>4</sup> *Кўҳна май ошиғи* — дурдаш: май қуйқасини ичувчи, ўта майхур. Тасаввуф адабиётида яқрали сўфийлар, маломатийлар тушунчасида ўтган, қўлдан кетган иш маъносига келади.

<sup>5</sup> *Жоҳ* — бойлик, давлат; амал, мартаба; шайх-шавкат.





Зоҳиди хилватнишин<sup>1</sup> келди кеча майхонага,  
Тавбасин синдирди-ю, чўзди қўлин паймонага.

Давра сўфийси кеча жомларни синдирган эди,  
Қатра май ичди-ю, айланди яна фарзонага<sup>2</sup>.

Ёши ўтган борки, рафлат баҳрига чўмган эди,  
Кексаликда дўнди<sup>3</sup> қайта ошиқи девонага.

Дину дил овлаб юрар эрди туну кун муғбача<sup>4</sup>,  
Ёр йўлида айланибди ҳаммадан бегонага.

Гул юзининг оташи куйдирди булбул хирманин,  
Шамъни кулган чехраси офат эрур парвонага.

Кеча-кундуз йиғлагандик, шукр, зоеъ кетмади:  
Қилди тенг кўз ёнимиз ҳар қатрасин дурдонага.

Сеҳру жоду оятин ўқийди соқий кўллари,  
Ҳалқаи аврод<sup>5</sup> берар жой мажлиси афсонага.

Энди Ҳофиз манзили подшоҳлар даргоҳидир,  
Кетди дил дилдор билан, бовланди жон жононага.

---

<sup>1</sup> *Хилватнишин* — хилватда ўтирувчи, ёрилик ихтиёр қилган; тарки дунё қилиб, тоат-ибодат билан умр ўтказиш.

<sup>2</sup> *Фарзона* — оқил, фозил, донишманд.

<sup>3</sup> *Дўнди* — айланди.

<sup>4</sup> *Муғбача* — муғлар — оташпарастлар кизматидаги бола. Сўфиёна адабиётда содиқ мурид, чин ошиқ ва соқий тимсоли бўлиб келади.

<sup>5</sup> *Аврод* — тинимсиз қайтариладиган оят ва дуолар. *Ҳалқаи аврод* — зикр ҳалқаси, доимий зикр.

## СОҶИЙНОМА

Фитнасин бошлагай бу кун рўзгор<sup>1</sup>,  
Мену майхўрлигу ёр — кўзи айёр.

Кел, соқий, май келтир, тузалсин аҳвол,  
Етишсин фароғат, етишсин камол.

Бода тут — йиқилдим вайрон ўлиб дил,  
Бу ҳар иккисидан олмадим ҳосил.

Кел, соқий, келтиргил шароб тўла жом,  
Кайхусрав<sup>2</sup>, Жамшидга юборай пайғом.

Най ила айтайин, эшитсин улус<sup>3</sup>,  
Қай бири Жамшиду қай бири Ковус<sup>4</sup>.

Фотиҳлик<sup>5</sup> кимёсин келтир, эй соқий,  
Қорун ганжи Нуҳдек<sup>6</sup> топсин умр боқий.

Қадаҳ тут — умрингга умр қўшилсин!  
Орзуйинг эшиги шунда очилсин!

<sup>1</sup> *Рўзгор* — дунё, олам; давр, замон; ҳаёт, умр; тақдир.

<sup>2</sup> *Кайхусрав* — кавнийлар сулоласига мансуб Эрон подшоҳи.

<sup>3</sup> *Улус* — халқ, эл, омма.

<sup>4</sup> *Ковус* (Кайковус) — кавнийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори.

<sup>5</sup> *Фотиҳлик* — очин, ҳал қилиш, волиблик.

<sup>6</sup> *Нуҳ* — минг йилдан ортиқ умр кўрган пайғамбар.

Соқий, Жам жомидан тутгил шундай май,  
Йўқликда ободлик лофини ургай.

Менга берки, агар ёрлик қилса жом,  
Жамдек билай олам сиррин батамом!

Бу кўҳна оламнинг сайридан гапир,  
Ўтмишдаги ноҳлар умрида не сир?

Бизга ҳамон манзил бу хароб жаҳон,  
Афросиёб<sup>1</sup> тахти кетмишдир қаён?

Ланкарбоши Пирон<sup>2</sup> турмас оёқда,  
Турон қиличбози Шеда<sup>3</sup> қаёқда?

Пирон қайга кетди, лашкари қани?  
Туронли Шеда-чи, ханжари қани?

Фақат тахту қасри бўлмади барбод,  
Мозорин ҳам ҳеч ким айламайди ёд.

Ҳали ҳам бизларга бекат биёбон,  
Тур<sup>4</sup> лашкари унда гум бўлган<sup>5</sup> осон.

Не хуш сўз демипди Жамшиди доно:  
«Арпа донча турмас беш кунлик дунё!»

---

<sup>1</sup> *Афросиёб* — Мовароуннаҳрнинг қадимги ҳукмдори.

<sup>2</sup> *Пирон* — Афросиёбнинг валири.

<sup>3</sup> *Шеда* — Афросиёбнинг ўғли.

<sup>4</sup> *Тур* — «Шоҳнома» қаҳрамони. Фаридуннинг ўғли.

<sup>5</sup> *Гум бўлган* — йўқолган, войиб бўлган.

Соқий, ўшал тобнок<sup>1</sup> оташни келтир,  
Зардуштни<sup>2</sup> чиқорсин тупроқдан ахир!

Менга бер-чи, ичиб бўлай ринду маст,  
Наздида бир оташ ё дунёпараст.

Кел, соқий, ҳар кимда ниҳоний иффат,  
Харобот ичинда ўлтирар фақат.

Май бергилки, бадном бўлмоқ истайман,  
Хароби маю жом бўлмоқ истайман.

Андишага олов солгувчи май бер,  
Ўрмонга ўт қўйсин уни ичса шер.

Ичиб, шергир<sup>3</sup> фалак бошига борай,  
Бу кекса бўрига тузоқ ҳам солай.

Шундай май бер, соқий, жаннатий оташ  
Ила ҳур атрини қилиб аралап.

Бу хушбўйликни ҳам урай оташга,  
Бир хушлуқ келтирай ақлу дил гашга.

Май бергил, эй соқий, келтирсин шоҳлик,  
Поклигидан кўнгил берсин гувоҳлик.

Май бергил гуноҳдан пок айлаган чоқ,  
Гўрдан бош кўтарай, ишратда қувноқ.

Руҳонийлар боғи бўлмиш масканим,  
Нечун тахта узра банддадир таним?

<sup>1</sup> *Тобнок* — нурли, ворлоқ.

<sup>2</sup> *Зардушт* — оташпарастлик динининг асосчиси.

<sup>3</sup> *Шергир* — шер овловчи; мажозан: жасур, ботир.

Менга шароб бер-у, давлатим кўргил!  
Хароб айлаб, ганжи ҳикматим кўргил!

Мен шундай қўлимга қадаҳ олган он  
Бўладир кўзгуда ҳар сир намоен.

Мастиликда подшолик дамин ургайман!  
Шоҳликда гадолик дамин ургайман!

Мастиликда сир дуррин терайин чандон,  
Бехудликда сирни ким тутар пинҳон?

Агар Ҳофиз қўшиқ айтса мастона,  
Зухра рубоб куйи тўлар осмона.

Муганний, қайдасан, янгротиб рубоб,  
Шоҳона қўшиқни эсга ол шу тоб.

Бехудлик йўлини танлабон биз ҳам,  
Зикр шўҳ рақсига тушайлик бул дам.

Тахту тож иқболи фаровон бу кун,  
Дарахтида шоҳлик меваси тўкин.

Замон подшоҳи, замин сардори,  
Давлат осмонининг ойи, тождори.

Ул шоҳлик тахтининг устуворлиги,  
Балиқдан қўшгача тинчлик ёрлиги.

Иқбол эгаларин кўз нур ҳикмати,  
Соҳибдил<sup>1</sup> кишилар валинеъмат<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> *Соҳибдил* — дили уйвоқ, илоҳий маърифатдан хабардор киши.

<sup>2</sup> *Валинеъмат* — эҳсон соҳиби, неъмат эгаси, сахий; мураббий, подшоҳ.

Ало<sup>1</sup>, ай ҳумою ҳумоюнназар<sup>2</sup>,  
Фариштатабиат, муборакхабар,

Фалак садафида сендек гавҳар йўқ,  
Фаридун<sup>3</sup>, Ҷамшидда сендек жавҳар<sup>4</sup> йўқ.

Искандар тахтида даврон сур қўп йил,  
Донишмандлик ила кашф этиб қўнгил.

Бировнинг дилига тир урса рўзгор,  
Бошқа биттасини қилур мансабдор.

Муғанний, чалиб бер янги бир наво,  
Рубоб чалиб, айла рақибга нидо:

Бу кун ёв устидан топуرمىз зафар,  
Осмондан келмоқда яхшилик хабар.

Муғанний, хурсандлик куй-ла қўн ҳисса,  
Ғазал қавли<sup>5</sup> бирла бошлагил ҳисса.

Ғам юкидан ерга ботминдир оёқ,  
Усулинг зарби-ла қўзватгил бу чоқ.

Улуғлар қўнглини куй ила шод эт,  
Парвизу<sup>6</sup> Борбаднинг<sup>7</sup> номини ёд эт!

Муғанний, пардадан шундай нақш ол,  
Парда тагидаги гапни эста сол.

<sup>1</sup> *Ало* — нидо аломати: ҳой, огоҳ бўл, эшит.

<sup>2</sup> *Ҳумоюнназар* — назари муборак, бахт кезтирувчи.

<sup>3</sup> *Фаридун* — пейодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор.

<sup>4</sup> *Жавҳар* — гавҳар; асос, унсур, моҳият; нодир, ноёб.

<sup>5</sup> *Қавл* — сўз, гап, ҳадис.

<sup>6</sup> *Парвиз* — сосонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор.

<sup>7</sup> *Борбад* — марвлик машҳур бастакор (VI—VII). Хусрав Парвиз саройида хизмат қилган.

Муסיқа садосин янгат шу зайл,  
Ноҳид<sup>1</sup> ҳам рақса тушсин муттасил.

Шундай чалки, сўфий ҳушидан кетсин!  
Маст бўлиб, хаёлан висолга етсин!

Муғанний, чилдирма, созингни соз эт,  
Яхшилик одати бирла овоз эт!

Фирибгар жаҳоннинг қиссаси равшан,  
Ҳомиладор бу тун не туғар экан?

Муғанний, озурда<sup>2</sup> хотирим куйла,  
Ягона бўлса ҳам бу сирим куйла.

Даврондан ғам-алам кўради дилим,  
Билиб бўлмас кимга интизор ўлим.

Муғ ринди ёқмоқда яна оловин,  
Кимнинг ўчовини бузар қалови?

Қон тўқувчи бундай қисмат қуни,  
Косаю кўзаси синсайди уни.

Мастларга ашула пайғом юбормиш,  
Кетган дўстларга ҳам салом юбормиш.

Кел, соқий, ўпал май оташга ошно,  
Юбор, ватдан халос бўлай мутлақо!

Менга май бер — кўнгиел султони эдим,  
Бу кун олис кетдим, дил жони эдим.

---

<sup>1</sup> Ноҳид — Зухра сайёраси (Венера).

<sup>2</sup> Озурда — озор чеккан, хафа бўлган.

Кел, соқий, келақол, умр — бевафо,  
Май — восита, унга гадо бўл, гадо!

Фақат май умрга қўшадир умр,  
Ғойибнинг эшигин ҳар дам очадир.

Кел, соқий, шароб суз, мажлис эт барпо,  
Дунё бевафодир, дунё бевафо!

Унинг қилмишидан шуни олдим ёд,  
Кайқубод тожини ул этди барбод.

Кел, соқий, дил комин майдан эт талаб,  
Дил оромин истаб, ич кеч, эрталаб.

Агар дарду вамга сабр этса дил,  
Дилдан қутқармоқни майдан талаб қил.

Кел, соқий, косани қил лиммо-лим май,  
Сўзлаб берай нечук ўтди Кисро<sup>1</sup>, Кай.

Кел, соқий, дунёдан гафлатда қолма,  
Охир қонинг тўкар — ичиндан толма!

Кел, соқий, келақол, саркашлик қилма,  
Сен ҳам тупроқдансан, ўтдан деб билма!

Қадаҳга майни қуй, ёқимли оташ.  
Айниқса, соф бўлса ва эрса беваш<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> *Кисро* — Анушервони одилнинг лақаби (подшоҳлик йиллари — 531—575).

<sup>2</sup> *Беваш* — тоза, пок.



Кел, соқий, эсганда хуш бўйли насим,  
Дунёда қолмагай на олтин, на сим<sup>1</sup>.

Келтир, соқий, бода бўлсин латын, соф,  
Қўлга тут, тугасин бу ёлғону лоф.

Тасбеҳу хирқадан безорман мудом,  
Май-ла икковидан бўшат, вассалом!

Майхона кунжидан келақол, соқий,  
Ундан узоқлашма, унда умр боқий.

Деса ким: майхона юурсан нечун?  
Не жавоб берурсан? Де: “Хайрли тун! “

Келтир, соқий, менга арғувон қадаҳ,  
Ундан дилга шодлик ва жонга фараҳ<sup>2</sup>.

Менга тутгил, намдан халослик берар,  
Баамга кўрсатиб йўл, хослик берар.

Кел, соқий, май тутки, бўлсин жонпарвар,  
Хаста дилга жондек намхўр диловар<sup>3</sup>.

Май бергил, жаҳонга қурай бир чодир,  
Сарпардам<sup>4</sup> осмондан баланд бўладир!

Кел, соқий, қуёндек, ойдек, тутгил жом,  
Тахтим оёғида фалак, вассалом!

<sup>1</sup> *Сим (Сяйм)* — кумуш, танга, пул.

<sup>2</sup> *Фараҳ* — шодлик, хурсандлик.

<sup>3</sup> *Диловар* — жасур, қўрқмас; кўнгил кўтарувчи, шод қилувчи.

<sup>4</sup> *Сарпарда* — аслида сарпарда: шоҳона катта парда.

Кел, соқий, кўҳна ул майхўрлик бўлсин!  
Маст бўлай, қадаҳинг пайдарпай<sup>1</sup> тўлсин!

Беваш қадаҳингдан агар бўлсам маст,  
Хуш куйларни куйлай мен — ишратпараст.

Кел, соқий, жаннатдек бўлди анжуман,  
Юзингдан яшнади мисоли гулшан.

Майдан четга, соқий, тушмайдир йўлим,  
Бир қадаҳ боқий май ила тут қўлим.

Жопимни ҳалқумга келтирди даврон,  
Муғлар дайри томоп йўл олдим равон.

Бу жаҳон вамидан наф йўқдир, ҳеч наф.  
Уни қилмоқ мумкин бода ила даф.

Кел, соқий, завқбахш майдан суз бул кун,  
Ул майдан Раҳишга<sup>2</sup> минмоқлик мумкин.

Таҳамтан<sup>3</sup> мисоли олайлик майдон,  
Дилимиз коми-ла қилайлик жавлон.

Кел, соқий, узатгил ёқутдек ичкун<sup>4</sup>,  
Шодлик эшигини дилга очар у.

Кел, соқий, май тутгил мисли Салсабил<sup>5</sup>,  
Жаннат борлигидан дилга у далил.

<sup>1</sup> *Пайдарпай* — кетма-кет.

<sup>2</sup> *Раҳиш* — «Шоҳнома» қаҳрамони Рустамнинг оти.

<sup>3</sup> *Таҳамтан* — Рустамнинг лиқабларидан бири.

<sup>4</sup> *Ичкун* — ичимлик, май.

<sup>5</sup> *Салсабил* — жаннатдаги чанма; жаннат суви.

Май бер, шўх куйласин чилдирмаю най,  
Кай тожидан авло менга ундай май!

Кел, соқий, подшоҳ ҳузурига бор,  
Жамшид тожли шоҳга сўзим эт ошкор:

«Бенаво мискинлар дилини овла,  
Сўнгра жаҳоннамо жомингни ковла...»

Муғанний, чалгил чанг ила арғанун<sup>1</sup>,  
Кўнгилдан қув нокас бу дунё фикрин.

Агарда бир замон бўлсам хотиржам,  
Кўнгилда қолмагай на дарду на вам.

Мастларга ашула ва жом юборгил,  
Кетган ёронларга салом юборгил.

Муғанний, бери кел, мен-да этма жанг,  
Чилдирмага қўл ур гар бўлмаса чанг.

Эшитдимки, бошга тушса вам, бало,  
Чилдирма овози кўнгилга даво.

Муғанний, қайдасан, гул вақтидир, гул,  
Чаманни чаҳ-чаҳга тўлдирди бўлбул.

Қоним қайнат, дилни урушга келтир,  
Бир нафас чангингни хурушга келтир!

Муғанний, бери кел, удинг бўлсин соз,  
Янги-янги наво айласин овоз!

---

<sup>1</sup> *Арғанун* — мусиқа асбоби.

Бир нагма ила қил дардимга чора,  
Дилим мисли хирқа айла садпора<sup>1</sup>.

Муванний, не бўлур қилсанг лутфу қут<sup>2</sup>,  
Найинг бирла дилга солсанг оташ, ўт.

Мени фикру ўйдан халос эт бир дам,  
Дардим куйиб кетсин, барбод ўлсин ғам!

Муванний, қайдасан, наво эт ният,  
Биздек бенавога бер имконият.

Охир бўшар экан биздан бу дунё,  
Билиб қўй, шоҳликдан гадолик аъло!

Муванний, тинчима, куйла чалиб соз,  
Биз бечораларга ўзинг чорасоз<sup>3</sup>.

Ироқ<sup>4</sup> йўлин кўрсат ўзинг чалиб руд<sup>5</sup>,  
Кўаларим сувини айла Зиндаруд<sup>6</sup>.

Муванний, кел, эшит мендан ушбу панд,  
Менинг тилим билан сўалар донишманд.

Агар ғам бошласа хужум — туз лашкар:  
Чилдирма, рубоб, най, чанг бўлсин аскар.

Муванний, сиримга сен ёлғиз маҳрам,  
Бир муддат най чалиб, ҳамдам бўл бир дам.

<sup>1</sup> *Садпора* — юз пара, чок-чок, респ-респ.

<sup>2</sup> *Қут* — озиқ; руҳ, жон.

<sup>3</sup> *Чорасоз* — чора топувчи, илож қилувчи.

<sup>4</sup> *Ироқ* — «Шашмақом»нинг олтинчи куйи.

<sup>5</sup> *Руд* — торли мусиқа асбоби.

<sup>6</sup> *Зиндаруд* — тириклик дарёси. Исфаҳондаги дарё.

Май бирла улоқтир дилда бўлса нам,  
Бир дам найинг чалки, бир дамлик олам.

Муғанний, қайдасан, чалсанг-чи, рубоб,  
Кел, соқий, косага солсанг-чи шароб!

Кел, ишрат қилайлик ўлтириб боҳам<sup>1</sup>,  
Енгилтаклик қилиб, кулайлик бир дам.

Муғанний, шеъримдан ўқиб бир газал,  
Барбат<sup>2</sup> куйи ила дардга топ амал.

Келақол, дунёга ҳирс қўйма зинҳор,  
Киши мол-дунё-ла топмагай қарор.



---

<sup>1</sup> *Боҳам* — бирга.

<sup>2</sup> *Барбат* — саккиз торли қадимий мусиқа асбоби.

## ТАРЖЕЪБАҢД

Дўстликни нега совурдинг, эй ёр?  
Шуи бўлдимۇ ваъда, э вафодор?

Мажруҳу заиф дилимга токай  
Ғам илгида бергузарсан озор?

Зулфинга асиру беқарорман.  
Айтгилки, бўлак не хислатинг бор?

Токай бу варибларингни жонин  
Қийнаб этасан жафо билан хор?

Ҳар қанчаки дилини кўйдирурсан,  
Мен тоқат этарман, э ситамкор!

Раҳм ила, дедим, ситам қилишдан  
Қўл торғасан энди балки, дилдор?

Йўқ зарра умидки, сан бирор кун  
Ошиққа бўлурмидинг вафодор?

Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Мақсадга шу йўл билан старман.

Соқий, ичай энди қона-қона,  
Тун бодасидан сун ошиқона.

Бошимда агар ҳушим бўларкан,  
Тўхтатма қадаҳни — қил равона!

Опёнасидан чаманда қуплар  
Бошлабди ёқимли шўҳ тарона.

Созанда қўлингга созинг олгил  
Сеи ҳам шу нафасда бебаҳона.

Ёр васлидин айлагил тараннум,  
Дилдан чиқар уд каби тарона.

Токай бу замон вამин егайсан,  
Ҳофиз, май ич, айла шодиёна!

Кўксимда аланга олди кўп вақт,  
Кўнглим вамин ўти волибона.

Гар бўлмаса ҳажр денгизининг  
Қирроқларидан бирор нишона.

Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Мақсадга шу йўл билан етарман.

Ўдсам агар ишқ азобидан ман,  
Дилни уза олмагум вамингдан.

Ой бирла қуёш дилини эзгай,  
Нолам мени кўк сари етаркан.

Ҳар лаҳзада қошларин камони  
Ўқлар отади карашмасидан

Завқин тугатолмагай Аторуд<sup>1</sup>  
Ўткир қаламини шарҳи бирлан.

Гўдакман-у, ишқ вамида кекса,  
Кексаман-у, ишқ вамида ёшман.

Бошимни тутиб мисоли Саъдий<sup>2</sup>,  
Сабр айлайин, ўлтирай бериб тан.

Ғам бандига солди бу замона,  
Ташлаб мени кўп узоққа сендан.

Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Мақсадга шу йўл билан етарман.

Эй позли нигору ишқ дилдор,  
Ойдек юзинг оч — боқар кўзим зор.

Бошлаб яна умр аввалидан,  
Тавбам ушатай тамоман, э ёр!

Кўзим йўлагидан элга, эй дўст,  
Сиррим эл ичида бўлди ошкор.

Ишқ ичраки, ҳажр бошланибдир,  
Қай хилда бу жонга тинчимоқ бор?

---

<sup>1</sup> *Аторуд* — Меркурий сайёраси. Фалак котиби ҳисобланади.

<sup>2</sup> *Саъдий* — машҳур форс-тожик шоири Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1203—1292). Ушбу таржебандни Ҳофиз Саъдийнинг:

Лол ўлтирамен, сабр килиб лол,

Иш оқибати хаёлда, алҳол, —

байти такрорланиб келадиган таржебандидан таъсирланиб яратган (Қаранг: Саъдий Шерозий шеърятидан. — Тошкент, 1976. 141—145-бетлар).



Умрини бутун совурди елга,  
Ҳар кимки, вәминггадур гирифтор.

Ғам кўраси ичра инқ ўтида,  
Эй дил, куй-у, уд каби дегил: ёр!

Босган изидан ўпишга ёрни  
Қўймайди замона бирла ағёр.

Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Мақсадга шу йўл билан тарман.

Эй қомати сарву, э гуландом,  
Хижлатда юзингдан ой ҳар оқшом.

Келгил яна, ўт ёқувчи ҳажринг  
Кўнглимдан олибди сабру ором.

Дил қушдек илинди у тузоққа,  
Хол — донаяю кокилинг бўлиб дом.

Кўп кездим-у, етмадим муродга,  
Ҳажринг била ҳам олурман ором.

Ғам бирла фироқу мен, бу аҳвол  
Қайга етадур топиб саранжом?

Ҳажринг ғамидир мудом насибам,  
Ё йўқми аламдан ўзга айём?

Ҳофиз, шу эрур жаҳонда мақсуд:  
Ёр суҳбати бўлса-ю, маю жом!

Ҳозирдаки бўлмагай муяссар  
Дил мақсади сендан, эй дилором!

Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Мақсадга шу йўл билан етарман.

Жон роҳати — севгили нигорим,  
Ораули дилим умиди — ёрим.

Шодман ваянинг ила, чунки ҳар вақт  
Ўтлув аламинг менинг мадорим.

Кетдинг-у, унутдим ўзни, эй дўст,  
Маълум эмас йўқ ила борим.

Жонимда висолинг орауси,  
Ҳажрингда ўтар бу умри зорим.

Ўтди бу кеча, нигор, селсиз,  
Кўз ёшим оқиб, тугаб мадорим.

То тутмагунча ажал ёқамдан  
Илгим этагингда — шул қарорим!

Саъйим била хаста дил муроиди  
Ҳеч бўлмади ҳосил, эй нигорим!

Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Мақсадга шу йўл билан етарман.

Эй, дилга ваянингни захми<sup>1</sup> марҳам<sup>2</sup>,  
Ишқинг юрагимга ёру ҳамдам.

Жон бўйнида кокилинг таноби,  
Кўнглим узуги лабингни билсам.

---

<sup>1</sup> *Захи* — яра, жароҳат.

<sup>2</sup> *Марҳам* — малҳам, даво.

Қошинг тигидир жонимга жаллод,  
Дил ҳокими бўлди кўзларинг ҳам.

Кўнгилда нигор-у, мен ўт ичра,  
Ёр ишқи кўнгилда — бошқа не там!

Мақсадга етолмай, энди дерман:  
Бошимни олай узоққа шул дам.

Ҳофиз, на бўларди баҳра олсанг  
Дил оламиданки — файзли олам!

Дилбарни висоли мулки дилга  
Осонгина бўлмагач мусаллам.

Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Мақсадга шу йўл билан етарман.



## Қ И Т Ъ А Л А Р

Шоҳ, вазирлар ваъдасига берма қўнгил, эй жигар,  
Ким билур — қай йўл билан бўлгай кушод иш  
охири?  
Бор — таваккал қил: қаламдан тўкилур ҳар бир  
замон  
Янги нақшу янги ранг, аммо қаён онинг сирин?!

\* \* \*

Менинг шерьим гулқанд<sup>1</sup> эрур,  
Новвот эмас, шаҳду асал.  
Кимнинг оғзи новвотдан шўр,  
Айб этма, ким қанддан ўсал.

Ғавво тушар бошига, ким  
Зулол сувдан бўлса касал.  
Ким онадан турмиш басир,  
Қўнглин ололгай қай гўзал?

\* \* \*

Булбул айлар нола-ю, гул ханда қилгай ҳар замон,  
Не учун дил куймасин дилдори оташ ташлагач?  
Чакмани жун зоҳиду шайхдан етар ноҳушлик,  
Мен гуломи мутриб ўлдим савти<sup>2</sup> беваш ташлагач.  
Зоҳидо, қилма ҳазар мужғони тийридан ҳечам,  
Захми пинҳондир они қоши камонкаш<sup>3</sup> ташлагач.

<sup>1</sup> *Гулқанд* — қизил гул япроғи билан шакарни аралаштириб, оф-тобда тайёрланган бир хил ширинлик.

<sup>2</sup> *Савт* — овоз, товуш; куй, оҳанг.

<sup>3</sup> *Камонкаш* — камон отувчи, ўқ отувчи.

\* \* \*

Яхши-ёмонни сен ўзингдан сўра,  
Муҳтасиб, бошқадан сўрамак нечун?  
Емондан узоқлаш, яхшига ёндаш,  
Беҳуда ўтмасин умринг туну кун.  
Биласан, ризқимиз берувчи — Худо,  
Сен тамаъ кетидан бўлма кўп дилхун<sup>1</sup>.

\* \* \*

Мардумозордан<sup>2</sup> ит ҳам эгар ор.  
Итдан пастроқда — ким мардумозор!  
Ҳақиқат бу сўз ичра муҳайё,  
Дилга жо бўлсин ундаги маъно.

Одам-ку сен билан бир дастурхонда,  
Ит эса кўчада — совуқ, бўронда.  
Минг ҳайф, шул одамдан чиқади душман,  
Аммо доим вафо кўрасан итдан!

\* \* \*

«Тўрт хил жойда — тўрт гавҳарман, —  
Деди жомга лаълини шароб. —  
Зумурадман ток ичинда,  
Шиша ичра ақиқ, ноёб.  
Хум ичинда Зухро арсам,  
Жом ичинда — ёрқин офтоб...»

\* \* \*

Эй покиза, олий зотинг бўлса ҳирсу адоватдан,  
Эй тоза дил, бахт асосинг бўлса ёлғону фириб,

---

<sup>1</sup> *Дилхун* — юраги қон бўлган, қайғули.

<sup>2</sup> *Мардумозор* — дилозор, ситамгар, аҳлим.

Улуф насаб сепга қандай раво бўлсин, бу таъбини  
Девга торғиқ этган бўлса, ҳагто паридан олиб.

\* \* \*

Мадрасалар саройи, тоқу равоқ, илму баҳс,  
Дили доно бўлмаса, фойда келтира олмас.  
Фазилатнинг манбаи бўлса ҳам қозихона,  
Кўзи бино<sup>1</sup> бўлмаса, фойда келтира олмас.

Эй одам, фалакдан эркинлик, шодлик,  
Хуррамлик, айш-ишрат истасанг анар,  
Молу ҳашамату мансаб фикрин қўй,  
Боридан кеч — фақат талаб эт соғар!

\* \* \*

Жаҳон моли кетидан югургандим бир замон  
Охири тушундимки, фойдасидан қўш зарар.  
Фалак менга не берса, ўлпонини<sup>2</sup> ундирди,  
Фарёд қилганим билан ёнлик ўтди саросар<sup>3</sup>.  
Умр ўтиб кетмоқда — молу мулк тўхтатолмас,  
Умр андуҳи бул қун барча аламдан баттар.

\* \* \*

Энди бир нафас умрим икки жаҳон молига —  
Алишмайман, қўш жаҳон назаримда мухтасар.  
Вайрона дилим ичра ҳунаримдир хазинам,  
Дилим дарё бўлса гар — осту уст тўлиқ гавҳар.  
Бундан кейин бошнингга не иш тутса ҳам, Ҳофиз,  
Ғам емайин шод яша — жаҳон ўткинчи, ўтар!

<sup>1</sup> *Бино* — бу ерда: кўрувчи, ўткир кўзали.

<sup>2</sup> *Ўлпон* — содиқ.

<sup>3</sup> *Саросар* — бошдан-оёқ, ҳаммаси, тўла.

## РУБОЙЛАР

### 1

Жонон бу кечани мен билан ўтказди,  
Бу бахтни менга Худо ўзи етказди.  
Ўлим вами йўқ энди менга, чунки санам  
Жонбахш лабидан оби ҳаёт тутқазди.

### 2

Ул шамъи Чигил<sup>1</sup> дардини айтиб бўлмас,  
Куйган бу кўнгил дардини айтиб бўлмас.  
Андин юрагимда вапки, йўқ маҳрами роз<sup>2</sup>,  
Ҳар кимсага дил дардини айтиб бўлмас!

### 3

Бир лаҳза лабингни олмагил жом лабидан,  
То топса жаҳон комини дил жом лабидан.  
Омухта жаҳон жомида аччиғу ширин:  
Бул ёр лабидан етга-ю, ул жом лабидан.

### 4

Душманни жафосидан мудом қоч, эй дўст!  
Яхши кишиларга қучоғинг оч, эй дўст!  
Одам санама, қўлингни юв нокасдан,  
Меҳринг ҳунар аҳли бошидан соч, эй дўст!

<sup>1</sup> Шамъи Чигил — Чигил гўзали; мажозан: маҳбуба.

<sup>2</sup> Маҳрами роз — самимий дўст, сирдош.

## 5

Бир моҳки, қади сарвга менгзар, оё,  
 Қўзғу қўлида — ўзига бергай оро.  
 Дер менга кулиб рўмолча пешкаш<sup>1</sup> этсам:  
 «Васлим тиладингми? Хом хаёлинг, аммо!»

## 6

Мен бандаси ул кимсаниким, шавқи баланд!  
 Гар бўйнида танқи<sup>2</sup> ишқ эса, мавқе баланд!  
 Ошиқлигу ишқ кайфини сен не биласан,  
 Бул бодани ул кимса ичар — завқи баланд!

## 7

Турк чехрали ул фаришта жон қасди эди,  
 Қўздан яширин ҳур каби бўй-басти эди.  
 Тор бўлмаса мунча оқзинг — йўқдек-ку, десам,  
 Қуйманг-да қилиб тамаъи хом асти, деди.

## 8

Эй бахт, фақирга қани бир ёр бўлсанг,  
 Мажруҳи замон — дилга мададкор бўлсанг.  
 Ёшлик-ку чиқиб кетди жиловдек қўлдан,  
 Кексалик, узанги каби пойдор бўлсанг...

## 9

Дам урди вафодан ким — у душман бўлди,  
 Пок кимса учун фосиқлик фан бўлди.  
 Тўшпи дедилар ҳомиладор, ҳайронман:  
 Эр кўрмай у иккиқат кимдан бўлди?!

<sup>1</sup> *Пешкаш* — тортиқ, тухфа, совға.

<sup>2</sup> *Танқ* — бўйинбоғ, бўйинга осиладиган зийнат; ҳалқа.



## 10

Ёр зулфи паноҳида суман топди ривож!  
 Ёқут лабидан дурри Адаи топди ривож!  
 Дилларга ривож берса лабидек кошки,  
 Дунё-да унинг ишқи билан топди ривож!

## 11

Шўхликдами, бизнинг ўша дилбар тоқдир,  
 Бечора дилим висолига мунтоқдир.  
 Ўймоқ каби — оғзи, юзи — лола,  
 тани — сийм,  
 Ширинсўзу боз латифу сийминсоқдир<sup>1</sup>.

## 12

Дўст бирла ўтир ҳамда маю жом иста!  
 Шод этсин ўпич бериб гуландом, иста!  
 Хоҳлайди жароҳатин битишин мажруҳ,  
 Жарроҳга келиб, дардинг учун ком иста!

## 13

Бўлса эди бир шўх санаму барбату най,  
 Хилват ва фароғат, яна бир шишада май,  
 Майдан қизибон тандаги бор томиру пай,  
 Бир арпа умид қилмас эдик, Ҳотами Тай!<sup>2</sup>

## 14

Кел, қўлда тутиб қилгучи шод бодаи ноб,  
 Кел, сифла<sup>3</sup> рақибдан яширин ҳамда шитоб.

<sup>1</sup> *Сийминсоқ* — бу ерда: гўзал, зебо маъносига.

<sup>2</sup> *Ҳотами Тай* — саҳийлиги ва яхшиликлари билан машҳур бўлган араб қабила бошлиқларидан бирининг номи.

<sup>3</sup> *Сифла* — пасткаш, покас.

Душман сўзига кирма сира, кетма, ўтир,  
Кел, тингла бу нуктани-ю, пўш айла шароб!

15

Бог ичра бўлиб боди сабо дояи гул,  
Машшота<sup>1</sup> мисоли ясатиб ноия гул.  
Гар соя аро топса омонлик офтоб,  
Бас, иста қуёш юзлини-ю, сояи гул.

16

Ул жомки, сафо гулшани — тут илкимга!  
Ёр тимсоли совар — ани тут илкимга!  
Занжир каби ул май ўралар ўз-ўзига,  
Девонаси бўлдим, қани, тут илкимга!

17

Ҳаргиз мени ёд айламадинг, шамъи Чигил,  
Мушкул эса-да бу мен учун — кўнди кўнгил.  
Дардеки, вamingдан юрагимда қат-қат,  
Дил билга-ю мен билгум, мен билгум-у дил.

18

Сен — тўлган ой-у, сенга қуёш баида эмиш,  
То баида эмиш ўшал — равшан-да эмиш.  
Бир чехраки, офтоб нур эмиб шугласидан,  
Ой ҳам илибон ёғду билан шаън-да эмиш.

19

Ул фасли йигитликда шароб кўп создир!  
Гул юзлар ила бодаи ноб кўп создир!

---

<sup>1</sup> *Машшота* -- пардозчи.

Олам-ку хароб работ<sup>1</sup> эрур бошдан-оёқ,  
Бўлмоқ бу хароб ерда хароб кўп создир!

20

Гар биз каби сен ҳам асири дом бўласан,  
Азбаски<sup>2</sup>, хароби бодаю жом бўласан.  
Дунесига ўт қўйгучи ошиқлармиз,  
Биз бирла ўтирма сира — бадном бўласан!

21

Ким кўрди у ёрдан вафо — мен кўраман?  
Ким кўрди жафодан сафо — мен кўраман?  
Умримсан-у, аммо, бевафосан, не қилай,  
Ким кўрди умрдан вафо — мен кўраман?

22

Зулфингининг учи каби менинг қаддим ҳам,  
Ошуфта дилим лабингни истар ҳар дам.  
Ниста каби танг<sup>3</sup> лабинг — дилимнинг ризқи,  
Ҳолимнинг танглиги аён шундан ҳам.

23

Сендан мени бу фалак айиргандан буён,  
Ким кўрди лабимда бир табассумни, қачон?  
Ҳар қанчаки ҳижрон вами бор кўнглимда —  
Бир мен биламан ҳамда Худованди жаҳон!

---

<sup>1</sup> *Работ* — карвонсарой, меҳмонхона.

<sup>2</sup> *Азбаски* — бу жиҳатдан, шу сабабдан; чунки, шунинг учун.

<sup>3</sup> *Танг* — тор, сиқик. Бу ерда: кичкина, мўъжаз. Кейинги мисрадаги танг сўз яса овир, мушкул маъносидан келган.

## 24

Ҳажринг ўтида шамъ каби афзун<sup>1</sup> йиғлай,  
 Жомдек тўкайин-у ашки гулгун<sup>2</sup>, йиғлай.  
 Май жомига ўхшайман-у, дилтангликдан<sup>3</sup>  
 Чанг ноласини тинглар экан, хун йиғлай...

## 25

То тонггача юмадим ваминг ичра кўзим,  
 То тонггача ёш тўқдим — кўп дилда сўзим.  
 Дардингни бировга сира айтиб бўлмас,  
 То тонггача гаплашдим ўзим бирла ўзим.

## 26

Бу сўзи ширинлар аҳдига йўқ поён,  
 Орифлар улар йўлида бергайлар жон.  
 Маъшуқа ҳамиша ихтиёрингда бўлар,  
 Ишқбозлар аро бўлмаса номинг достон.

## 27

Ҳижрон куни бу — дўстларни ёд айлагали,  
 Айш вақти эмас кўнгилни шод айлагали.  
 Май жоми қошимда бўлса-да ҳушёрман,  
 Бир дўстим йўқ, чунки нашот<sup>4</sup> айлагали.

## 28

Ишқинг гамидан қон тўла дил кишварида<sup>5</sup>,  
 Ҳуснинг сенинг ақл идрокидан ташқарида.

<sup>1</sup> *Афзун* — кўп, ортиқ, зиёда.

<sup>2</sup> *Гулгун* — гулранг, пуштиранг, қизил.

<sup>3</sup> *Дилтанг* — хафа, сиқилган, вамгин.

<sup>4</sup> *Нашот* — шодлик, хурсандчилик.

<sup>5</sup> *Кишвар* — мамлакат, ўлка, вилоят; иқлим.

Зулфинг кўйида зору ғарибдир бу дилим,  
Оҳ, ҳоли унинг не бу тун сендан нарида?..

29

Эй, тимқора зулфинг қуёшга соя,  
Гўёки ниқоб кулоҳинг янги оя.  
Шом бўлса яловбардор<sup>1</sup> мушкин хатингга,  
Тонг чокар<sup>2</sup> сен каби қамарсиймоя<sup>3</sup>.

30

Жон зулфини ҳалқаси аро истар жой,  
Зероки, бало бандини очгай ул ой.  
Ёр қоши учун жонимни пешкаш қилдим,  
Кўрсатса юзин зора ўшал қоши ёй.

31

Гул сўйлар эди: «Оёқ-қўлим бўлсайди,  
Қочиб қутулар эдим — йўлим бўлсайди.  
Айбим йўғ-у, шунча куйдим, оҳ, яхши эди —  
Айбим боридан кўра ўлим бўлсайди...».

32

Создир неча дилни май билан шод этсак,  
Ўтган билан кетгани-да кам ёд этсак  
Ҳам бир йўла зиндоний омонат жонни  
Бир лаҳза ақл илқидан озод этсак...

---

<sup>1</sup> *Яловбардор* — байроқ кўтариб борувчи, байроқдор; раҳнамо, етакчи.

<sup>2</sup> *Чокар* — хизматкор.

<sup>3</sup> *Қамар* — ой. *Қамарсиймо* — ой юзли, гўзал.

## 33

Бул кеча гамингдан қон аро ётгумдир,  
 Ранж бистарида<sup>1</sup> ҳижрон аро ётгумдир.  
 Гар шубҳа этарсан, ўз хаёлингни юбор,  
 Кўрсин ўша не афрон аро ётгумдир...

## 34

Гул гунчаси то бодага ҳамроз бўлгай,  
 Май майлида наргис қадахсоз бўлгай.  
 Фориф дили ул кимсаниким, мисли ҳубоб  
 Майхонага йўл тутиб, сарафроз<sup>2</sup> бўлгай!

## 35

На давлати дунёни ситамга арзир,  
 На лаззати мастликни аламга арзир,  
 На шодлиги дунёни неча минг йиллик —  
 Ул бир неча кун меҳнату вамга арзир.

## 36

Улфатлар аро қай куни дил қилди хитоб:  
 Гул мавсумида тарк этайин бодаи поб.  
 Булбул чаман ичра қичқириб берди жавоб:  
 Гофил, бу нима — фасли гулу тарки шароб?!

## 37

Мен ҳақдаги фикрингни, сабо, сўзла ниҳон,  
 Оз бўлса-да ишқ изҳорига мингта забон.  
 Оҳиста сўз оч сўз орасида, токи  
 Севгимни малол олмасин ул қоши камон.

<sup>1</sup> *Бистар* — тўшак.

<sup>2</sup> *Сарафроз* — юсак, баланд, мумтоз.

Ҳарчанд фироқ сандан узоққа солсин,  
 Сабримни юзинг ҳажри дилимдан олсин,  
 Бир бор назарим тушса бўлак юзга агар,  
 Ҳуснинг тузи ҳаққи, кўзларим кўр бўлсин!

Ич боданиким, мангу ҳаёт шу асли!  
 Беш кун бу тирикликда нажот шу асли!  
 Гул мавсумию дўсту яқинлар сармаст<sup>1</sup>,  
 Шод бўл, бу жаҳонда чин нашоғи шу асли!

Ўлдим бўса бирла қучоғинг ораусида,  
 Ўлдим ўша жонбахш дудовинг ораусида.  
 Чўзиб нетаман қиссани, бас, қисқа қилай:  
 Ўлдим, яъни бошдан-оёғинг ораусида!

Чехранги, латофат ичра ойинаи руҳ,  
 Тонгларда хаёлинг қадами берса шуқуҳ,  
 Тортишга кўзимга қўрқаман киприқдан:  
 Бўлмасми хаёлигининг оёғи мажруҳ?

Мазмуни бўлай, дединг, хаёл-ўйингининг,  
 Сабр айла-ю, кўнглингни мудом тутгил кенг.  
 Оҳ, сабр қани-ю, дил нима? Аслида дил —  
 Қондир ўзи бир қатра-ю, андишаси минг.

<sup>1</sup> Сармаст — маст, сархуш, ширакэйф.

Кўзингдан макру афсун ёғилади,  
 Важ излаб жангга қаҳру кин ёғилади.  
 Кўнглинг яна қолди ҳамнафаслардан тез,  
 Бераҳм дилингдан тош тайин ёғилади.

Эй, тортинади кунчаи мастур<sup>1</sup> сендан,  
 Ҳайрону хижил наргиси махмур сендан.  
 Гул тенг кела олмас сенга, ул моҳтобдан<sup>2</sup> —  
 Гар ёвду эмар, олади ой нур сендан.

Ҳар кун дилим оврийди бўлак қайғу билан,  
 Ҳар кун уради кўзга фироқ ўзга тикан.  
 Мен жаҳд этаман вале қазо қайтаргай:  
 «Иш бошқа сен ўйлагандан унда умуман!»

Сув кетди тагига умр вайронасининг,  
 Тўлмоқ гами босди умр паймонасининг.  
 Эй хожа, кўзингни оч, замон ҳаммоли  
 Рахтини қўпормоқда умр хонасининг...

Ғам ичра мисоли бода қайнаб нетасан?  
 Ғам лашкарига қарши нечук жанг этасан?  
 Сабза каби лабдан бодани тутма узоқ,  
 Сабза<sup>3</sup> бўйида май ич — биҳиштга етасан!

<sup>1</sup> *Мастур* — ифратли.

<sup>2</sup> *Моҳтоб* — тўлин ой.

<sup>3</sup> *Сабза* — яшиллик, майса, кўкат, кўкалам.



## 48

Ҳеч бир умидингни оқламас чарх — олчоқ,  
 Ҳар айланишидан титра мисли япроқ.  
 Дединг: «Қорадан кейин бўлак ранг бўлмас,  
 Бўлди нега унда қора сочим оппоқ?!»

## 49

Ғамдан ўзга менинг мададкорим йўқ,  
 Ғамдан ўзга ишқ ичра ҳам ёрим йўқ.  
 Бас, топмадим ўзга ҳамдаму ҳамрозни,  
 Ғамдан ўзга дўсту вафодорим йўқ.

## 50

Мақсад йўлида умрни зоеъ қилдим,  
 Нафъ кўрмаганимни бу замондан билдим.  
 Ҳар кимга деган эсам сени дўст тутдим,  
 Бўлди ўша душманам — бағирни тилдим...

## 51

Эй ёр юзи ишқи, мени кўп зор этма,  
 Дилхаста бу ринд аҳлини хуммор этма.  
 Расмини йўловчиларнинг, сўфий, биласан,  
 Ринд аҳли ҳақинда сўзни бисёр этма.

## 52

Келмайди хаёлимга ўйингдан ўзга,  
 Йўл борини билмадим кўйингдан ўзга.  
 Ҳар дийдага уйқу ёқар, аммо менинг  
 Кўзимга кўринмайди бўйингдан ўзга.

## 53

То ҳукми илоҳий бунда мангу бўлгай,  
 Ҳамроҳинг абад қувончу кулгу бўлгай!

Қўлингдан агар мен бир қадаҳ нўш этсам,  
Бас, мангу ҳаёт сармоясини шу бўлгай!

54

Май майдалаб ўлтурса на саз сув бўйида!  
Дунё ваму ташвишини қўй — беҳуда.  
Гул умри каби ҳаётимиз ўп кундир,  
Бил ҳар дамидини унинг рағимат жуда.

55

Шодлик қушининг наволари келмоқда,  
Ё Бови Эрам ҳаволари келмоқда,  
Ё ёр лабидан сабо хабар келтирмиш,  
Алқисса<sup>1</sup>, ажиб садолари келмоқда.

56

Аввалда вафо қилди тутиб жомини висол,  
Маст этди-ю, ҳажр аро сўнг отди у ҳилол<sup>2</sup>.  
Ҳар икки кўзим ёппа, дил оташга тўла,  
Тупроқ каби жоним йўлида бўлди увол...

57

Офтобдек ул ой юзи мунаввар бўлди,  
Хатти бўйида чашмаи Кавсар бўлди.  
Дилларини у солди чоҳига қулгичининг,  
Чоҳ тегради буткул мушқу анбар бўлди.

58

Сенган каби юз тилим жигар устига туз,  
Ҳажринг вами тутди хаста кўнглим сари юз.

<sup>1</sup> Алқисса — хулласи калом, қисқаси.

<sup>2</sup> Ҳилол — янги ой; мажозан: маҳбуба.

Кўрқиб яшаган эдим мудом ҳижрондан,  
Ҳайҳот, ўша айрилиқ етиб келди бу кез...

59

Кўйингда менингдек киши йўқ бехона,  
Наадингда менингдек киши йўқ бегона.  
Зулфинг дорига осингани бежиз эмас —  
Илқингда менингдек киши йўқ девона.

60

Кўнглим қуши то тушди гаинг домига-ей,  
Бўлди у йўлиққан каби тиг комига-ей.  
Дунё қадаҳин шарбатидан безорман,  
Тўлди жигарим қони гаинг жомига-ей.

61

Вақт етди — хуморлар аста қўзволгайлар,  
Ёру маю соз ёнидан жой олгайлар.  
Ўткинчи ҳаётга қасдма-қасд ул дамда  
Жом бирла қадаҳга қора қон солгайлар.

62

Ёр сочини тутдим: «Эй ҳаётим нақши,  
Ўнглагил ишим, дилимнинг фараҳбахши»<sup>1</sup>.  
Деди: «Кўй-у сочимни, лабимни иста,  
Бир лаҳзалик айни узун умрдан яхши!»

63

Жопон, сени тарк айламак эрмас осон,  
Зумрад хатинг қошида то бермай жон.

---

<sup>1</sup> *Фараҳбахши* — ҳуршидчилик бағишлоғчи.

Жонимни визосидир<sup>1</sup> у ёқут лаблар,  
Келмайди тенг унга икки юз минг маржон.

64

Дерларки, биҳишт эшигига етгаймиз,  
Май — қўлда, малак — қучоқда айш этгаймиз.  
Бас, биз маю маъшуқни десак, не бўпти?  
Иш оқибати шундай экан, нетгаймиз?!

65

Гул бахти жуда қулган экан гулшанда,  
Йиғлайди булут, гул-чи, қилади ханда<sup>2</sup>.  
Мақтанса-да озодлигидан ҳарчанд сарв,  
Тик қадди билан бўлибди гулга бада.

66

Важ топади ким бодани инкор қилади:  
Шундай тирилар ҳар киши қандай ўлади!  
Бизлар яшадик маъшуқу май бирла мудом,  
Бас, ҳисса қиёматда-да шундай бўлади!

67

Шўр бахтим агар бўлмаса ёр, мен на қилай?  
Қўнглимни қувонч айласа зор, мен на қилай?  
Кўзимнинг у гавҳари эди — тарк этди,  
Бу гавҳари<sup>3</sup> йўқ кўз энди хор, мен на қилай?

---

<sup>1</sup> *Визо* — таом, егулик.

<sup>2</sup> *Ханда* — қулги, табаассум.

<sup>3</sup> *Гавҳар* — бу ерда: кўз қорачиги маъносида.

Қай дам назаринг бу дили ғамнокка<sup>1</sup> етар,  
 Гүёки қуёш шуъласи хошокка етар.  
 Сўз қотма, эсам-да гар йўлинг тупроғи,  
 Минг ҳайфки. оввозинг агар хокка етар...

Гар кўйлагини еча у ой юзли пари —  
 Мотдир бу жаҳондаги гўзалларнинг бари!  
 Қалби кўринар кўксиди нозиклигидан  
 Соф сувда кўринган каби тош зарралари.

Шоҳ тахтида ўлгирса-да тўкиб ёшини  
 Гул зорланади: «Кўринг бу дунё ишини:  
 Гар шунча куяр мен каби шаффоф хилқат,  
 Вой, ҳолига минг вой гуноҳкор кишининг!»

Токайгача бу алга жафо қилгайсан?  
 Озурда кўнгилларни яна тилгайсан?  
 Дил аҳли қўлида қонсираган тиг бор,  
 Қонинг сени бўйнингда эрур билгайсан?..

Тонг ели, ўшал сулувга хушторлигим айт,  
 Бир кўргали ой юзини минг зорлигим айт,  
 Тунларни ширин уйқуда ўтказгучи ул —  
 Беғамга қачондан бери бедорлигим айт.

<sup>1</sup> *Ғамнок* — ғамли, ғамгин, қайғули; мажозан: ошиқ.

Дедимки: «Лабинг?» Деди: «Лабим —  
оби ҳаёт».  
«Оғзинг-чи?» — дедим. Деди: «Бу — бир дона  
набот».  
Дедимки: «Сўзинг?» Дедики: «Ҳофиз айтмиш:  
«Сўз пирларини дуо билан айланг ёд!»

Мардликни сўра фотиҳидан Хайбарнинг!<sup>1</sup>  
Ҳиммат сирини хожасидан Қамбарнинг!<sup>2</sup>  
Ҳақ файзини, Ҳофиз, тиласанг астойдил,  
Сўр манбаини соқийсидан Кавсарнинг!<sup>3</sup>

Эй дўст, ваним<sup>4</sup> жафосига қўл силта!  
Майдан ўзга сафосига қўл силта!  
Ҳақни бил-у, ўзингни — бу олам элининг  
Ҳар яхши-ёмон баҳосига қўл силта!

<sup>1</sup> *Хайбар фотиҳи* — Ҳазрат Али.

<sup>2</sup> *Қамбар* — Ҳазрат Алининг қули, хизматкори.

<sup>3</sup> *Кавсар соқийси* — Ҳазрат Али. Унга жаннатдаги Кавсар ҳовузининг соқийлини марҳамат қилинган. Қиёматда у одамларга оби кавсар улашди.

<sup>4</sup> *Ваним* — рақиб, дushman.

## М У Н Д А Р И Ж А

Эргаш Очилон. Сўз сеҳргари.....	3
---------------------------------	---

### Ғ а а л л а р

Хуршид таржималари.....	31
Чустий таржималари.....	118
Васфий таржималари.....	142
Жуманиёз Ҳабборов таржималари .....	146
Шоислом Шомуҳамедов таржималари.....	151
Эркин Воҳидов таржималари.....	159
Жонибек Қувноқ таржималари.....	162
Олимжон Бўриев таржималари.....	164
Мирзо Кенжабек таржималари.....	167
Эргаш Очилон таржималари.....	172

### С о қ и й н о м а

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси.....	186
------------------------------------	-----

### Т а р ж е ъ б а н д

Чустий таржимаси.....	198
-----------------------	-----

### Қ и т ъ а л а р

Шоислом Шомуҳамедов таржималари.....	204
--------------------------------------	-----

### Р у б о и й л а р

Эргаш Очилон таржималари.....	207
-------------------------------	-----

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ

## ИШҚ ГАВҲАРИ

*(Ғазаалар, соқийнома, таржасбанд,  
қитъалар, рубоийлар)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2006

Муҳаррир *Б. Эшиўлатов*  
Бадий муҳаррир *А. Мусоҳўжаев*  
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*  
Мусаҳҳиҳ *Ю. Бизятова*  
Саҳифаловчи *Л.Цой*

Теришга берилди 30.09.2005. Босишга рўхсат этилди  
22.12.2005. Бичими 70x90<sup>1/2</sup>. Бодовий гарнитураси.  
Офсет босма. Шартли босма табоғи 8,19. Нашриёт-ҳисоб  
табоғи 8,6. Адади 5000 нусха. Буюртма № 1896.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.